

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛ - ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК \_\_\_\_\_

ЗОҲИД МЎМИНБАЕВИЧ МАТЯКУБОВ

Чет тилида нутқ маданиятини ўргатишнинг лингвистик асослари ва  
шакллантириш масалалари

5A 120102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация



Илмий раҳбар:  
ф.ф.н. Ж.Е.Сейтжанов

Урганч-2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети**

**Факультет:** Чет тиллари

**Кафедра:** Инглиз тили ва адабиёти

**Ўқув йили :** 2014-2015

**Магистратура талабаси:** Зоҳид Мўминбаевич Матякубов

**Илмий раҳбар :** ф.ф.н. Ж.Е.Сейтжанов

**Мутахассислик:** 5А 120102 - Лингвистика (инглиз тили)

**“ЧЕТ ТИЛИДА НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАТИШНИНГ  
ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”  
МАВЗУСИДАГИ МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АННОТАЦИЯСИ**

**Мавзунинг долзарблиги:** Ушбу магистрлик диссертациясининг мавзуси умумий тилшуносликда, яъни филология, хусусан хорижий филология соҳасида долзарб бўлган муаммолардан бирига бағишланган. Ҳар қандай тил маданият ташувчи восита эканлиги ҳисобга олинса, айтиш мумкинки, ўша тилни ўрганаётганлар олдида унда сўзлашиш, ахборот алмашиш маданиятини чуқур эгаллаш вазифаси туради. Айниқса, хорижий тилларни ўрганаётган, филологиялар, таржимонлар ёки чет тил ўқитувчилари ўша тилда нутқ маданиятини мукамал эгаллашлари зарурлиги ДТС ва ўқув дастурларида белгилаб куйилган.

Лингвистикада нутқ маданияти соҳаси янги соҳалардан – тармоқлардан бири бўлиб катор янги фанлар – психолингвистика, лингво – маданиятшунослик, хорижий тилларни ўқитиш методикаси каби фанларнинг тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Маълумки, чет тилларни ўрганаётган

талабанинг нутки 5та асосий турга бўлинади: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ҳамда таржима. Нутқ маданияти ҳам мана шу нутқ турларида намоён булади. Шундай нутқ турларига мос равишда нутқ – муомала маданиятини турли шаклларга ажратиш мумкин, масалан, ҳозирги давр учун долзарб бўлган телефонда сўзлашув – нутқ маданияти, нотиклик маданияти (санъати) ёзма нутқ маданияти каби соҳаларга бўлиниб кетади.

Шундай бўлсада бу соҳада ўрганилмаган қатор муаммолар мавжуд, айниқса чет тиллардан она тилига, она тилидан чет тилларга таржима соҳасида нутқ маданияти бирликларини таржима қилиш масаласи чуқур ўрганилмаган масалардан бири бўлиб қолмоқда. Ундан ташқари жаҳон стандартлари даражасида таржимон тайёрлаш улар нутқ маданиятини, таржимонлик маҳоротини тарбиялаш методлари ва усуллари етарли даражада ишлаб чиқилади.

#### **Магистрлик диссертацияси мақсади ва вазифалари.**

- бўлажак таржимон мутахассислар нутқ маданиятини ўрганиш, йул йуриқларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Қўйилган мақсадга кўра қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- нутқ маданиятининг моҳиятини ўрганиш
- адабий ва маданий тил нормаларининг турларини аниқлаш
- нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаб ва мезонлари белгилаб олиш.
- чет тилида таржимонлар маданиятини ўрганиш усулларини ўрганиб чиқиш ва б.

**Диссертациянинг предмети** чет тилда таржимонлар нутқ маданияти бирликлари ва уларни таржима қилишни ўргатиш усулларини ўз ичига олади.

**Диссертациянинг объекти** чет тиллари факультети талабалари билан олиб бориладиган машғулотлар ва чет тидидан таржима қилинган асарлардан иборат.

**Тадқиқот методлари:** Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қиёсий типологик, соҳавий адабиётларни ўрганиш, хориж ва ватанимиз

олимларининг илғор тажрибаларини ўрганиш, кузатиш, суҳбат каби тадқиқот методларидан, контекстуал таҳлил методи, кросс-маданий таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

**Диссертациянинг янгилиги қуйдагилар билан изоҳланади:**

- Магистрлик диссертациясида таржимонлик фаолиятида чет тилдан таржимада нутқ маданияти масаласи инглиз, рус ва ўзбек тилларида луғавий бирликларнинг лексик семантик хусусиятлари киёсий таҳлил этилди;
- Чет ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар таркибида сўзларнинг қўлланилиш доираси ва имкониятлари хақида сўз боради;
- тадқиқотда чет ва ўзбек тилларидаги мавжуд айрим фразеологизмларнинг ижтимоий-маданий, когнитив-психологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш ёрдамида уларнинг шаклланиш асослари кўрсатилди;

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.**

Тадқиқот натижалари умумий тилшунослик, тил ва жамият, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири, когнитив билиш жараёнида тилнинг ва нутқ маданиятининг ўрни ва аҳамияти каби муаммоларни ишлаб чиқишда назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот учун тўпланган тил материаллари ва уларнинг таҳлилидан умумий тилшунослик, социолингвистика ва психолингвистика, лексикология, когнитив тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқитишда фойдаланилади, филология факултетлари талабалари учун эса ўқув қўлланмалари, дарсликлар, луғатлар тузиш учун хизмат қилади .

**Диссертация таркиби.** Магистрлик диссертациясининг таркиби кириш, уч боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари:** Тадқиқот учун тўпланган тил материаллари ва уларнинг таҳлилидан умумий тилшунослик,


социолингвистика ва психолингвистика, лексикология, когнитив тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқитишда, филология факультетлари талабалари учун эса ўқув қўлланмалари, дарсликлар, лугатлар тузиш учун хизмат килади .

Илмий раҳбар:

ф.ф.и. Ж.Е.Сейтжанов

Магистрант:

З.М. Матякубов



**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Urgench State University**

**Faculty:** Foreign Languages

**Branch:** “English and literature”

**Academic year:** 2014-2015

**Master:** Zokhid Mo'minbayevich Matyakubov

**Scientific supervisor:** Ph.D. J.Ye.Seytjanov

**Specialty:** 5A 120102 – Linguistics (English)

**THE ANNOTATION OF MASTER DEGREE DISSERTATION ON THE  
THEME “LINGUISTIC BACKGROUND OF TEACHING SPEECH  
CULTURE IN FOREIGN LANGUAGE AND ITS FORMING PROBLEMS”**

**Topicality of the theme.** This master degree dissertation work's theme devoted to one of the most actual problems in general linguistics that means philology, especially, in foreign philology. If we consider that any kind of language means of carrying culture, there are tasks in front of learners of the language; how to speak, to deepen sharing information culture. Particularly, in government education standards and educational programs pointed that, learners of foreign languages, foreign language teachers, interpreters, philologists should learn speech culture perfectly.

It is known that there are 5 types of speech culture of foreign language learner: listening comprehension, speaking, reading, writing and interpreting. Speech culture is shown in these speech types. Being suitable this kind of speech culture speech, problems can be separated different forms: one of the most actual problems of the speech culture is speaking on the telephone and speech culture of oratory in written form.

However, there are many non-studied problems in this sphere, especially, translating speech culture units from English language into mother tongue and

from mother tongue into English language, hasn't been studied thoroughly till today. Moreover, on preparing interpreters proper to international standards, styles will be done enough for upbringing methods.

**Scope and task of the dissertation.** To study future interpreters' speech culture and create techniques of speech culture.

Following tasks are pointed according to the purpose.

- To study main point of speech culture
- To clarify literal and cultural language norms
- To point main requirements and principles putting on speech culture
- To study learning methods of interpreters; culture in foreign language

**Subject and object of the dissertation.** It includes interpreters' speech culture units and their translating ways in foreign language;

- Activities carrying out with students of foreign language faculty and translated books from foreign languages.

**The methods of the investigation.** In this work following methods are used: comparative typology, special references, foreign and national scientists advanced experiences, research methods like observing and conservation, contextual and cross-cultural analysis methods.

**Novelty of the dissertation.**

- In this dissertation translation matters are learned comparing with English, Russian and Uzbek languages;
- Phraseologisms and words usage layers are studied both foreign and Uzbek languages;
- Forming basis is shown, clarifying cognitive-psychological, social and cultural specific features of several word or word combination exist in Uzbek and English languages

**The practical value of the research.** Research materials can be used in practical lessons and lectures delivered on General and Comparative Linguistics, Cognitive Linguistics, Psycholinguistics, Stylistics, Linguoculture in writing research papers, text-books and manuals. It can be used also in making

dictionaries. Also, it helps to realize the role of culture of speech in studying linguistic aspects.



**The structure of the dissertation.** It consists of an introduction, three chapters (including conclusions after each chapter), a literature, a conclusion, a bibliography and appendixes. Introduction tells us about the brief plot of the paper and structure of the work (topicality, aim, tasks, novelty and so on)

Scientific supervisor:

Ph.D. J.Ye.Seytjanov

Master student:

Z.M.Matyakubov

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I боб. Чет тилида нутқ маданиятини ўргатишнинг лингвистик асослари</b> .....	8
1.1 Адабий ва маданий тил тушунчалари.....	8
1.2 Тилдаги адабий норманинг типлари.....	12
1.3 Чет тилидан таржимада ва кундалик мулоқотдаги нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар ва мезонлар.....	19
<b>I боб бўйича хулосалар</b> .....	24
<b>II боб. Чет тилидан таржимада нутқ маданиятини шакллантириш масалалари</b> .....	25
2.1 Таржимада нутқ маданияти.....	25
2.2 Инглиз, рус ва турк тилларидан таржимада нутқ маданиятининг ифодаланиши.....	39
2.3 Маданиятлараро мулоқот ва таржима.....	50
<b>II боб бўйича хулосалар</b> .....	60
<b>III боб. Нутқ маданиятини ўргатишнинг услуби, йўллари ва машқлари</b> .....	61
3.1 Нутқ маданияти бирликлари таҳлили.....	61
3.2 Ёзма нутқни ифодалашда йўл қўйиладиган камчиликлар таҳлили ва нутқ таъсирчанлигини ошириш йўллари.....	65
3.3 Инглиз тилида ёзма нутқни ўстириш борасида танқидий қарашлар.....	72
<b>III боб бўйича хулосалар</b> .....	84
<b>Умумий хулосалар</b> .....	86
<b>Илова</b> .....	90
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	100

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида охириги пайтда чет тилларини ўрганиш ва ўқитишнинг комплекс тизимини шакллантириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга ёркин мисол сифатида 2012 йил 10 декабрда юртбошимиз томонидан қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини айтиш мумкин. Қарорда чет тилларини ўқитишда уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантириш, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувиغا йўналтирилган тизимни яратиш мақсад қилиб олинган [1].

Бугунги кунда бўлғуси мутахассисларнинг дунёқарашини шакллантиришда чет тилига бўлган қизиқишини ошириш ҳаётий заруратдир. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ходимлари ва олимлардан ҳам тинмай изланишни, жаҳон стандартлари ва замон талабларига жавоб берувчи дарелик ва қўлланмалар яратишни, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги усулларни излаб топишни тақозо этади.

Ҳозирги давр фанлари учун хос бўлган хусусиятлардан бири бу бирор бир фан базасида юзага келаётган фан тармоқлари мустакил соҳа сифатида шаклланишидир. Чунончи кейинги йилларда тилшуносликдан лингвопоэтика, социал лингвистика, лингвогеография, этнолингвистика, нейролингвистика, таржимашунослик, семиотика каби бир қатор соҳалар ажралиб чиқди.

Баъзи тилшунослар фикрича ҳозирги кунда нутқ маданияти лингвистика, ономастика ёки топонамастика каби фан соҳаларида ҳам юзага келгандир. Хорижий тилларни ўқитишда кейинги вақтда тез-тез тилга олинаётган ва кўпгина илмий мунозараларга сабабчи бўлаётган ходисалардан бири бу нутқ маданиятини ўргатишдаги муаммолардир.

Нутқ маданияти тушунчаси, унинг асосий моҳиятига, ушбу тушунчанинг юзага келиш даври, тадқиқот объекти, бошқа лингвистика категориялар чегараси ҳамда иш кўриш усули ҳақида фанда турли туман қарашлар, бири

иккинчисини инкор қилувчи фикрлар анчагинадир. Шу сабабли жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг ҳақли равишда қайд этишларича, нутқ маданияти муаммосини назарий жиҳатдан асосланмасдан туриб бу соҳада бирор бир илмий муваффақиятга эришиш кийиндир. Ҳозирги нутқ маданияти соҳаси, юқорида қайд этилганидек, энг муҳим муваффақиятини қўлга киритди, яъни нутқ маданиятини илмий муаммо сифатида тан олиш ва уни илмий тадқиқ қилиш лозимлиги кўпчилик олимлар томонидан эътироф қилинди. Шу сабабли ҳам тилшунос В.В. Веселитский бир вақтлар “Ҳозирда нутқ маданияти бўйича тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини исботлаб ўтириш ортиқчадир” деб ёзган эди[4,69]. Нутқ маданияти деб юритилаётган соҳа тилшунослик фанида ўз ўрнини топиши ва мавқеини эгаллаши учун, бизнингча у назарий жиҳатдан асосланиши, унинг текшириш объекти, муаммолари илмий методик, амалий аҳамияти сингари масалалари аниқлаштирилиши зарур.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ушбу магистрлик диссертациясининг мавзуси умумий тилшуносликда, яъни филология, хусусан хорижий филология соҳасида долзарб бўлган муаммолардан бирига бағишланган. Ҳар қандай тил маданият ташувчи восита эканлиги ҳисобга олинса, айтиш мумкинки, ўша тилни ўрганаётганлар олдида унда сўзлашиш, ахборот алмашиш маданиятини чуқур эгаллаш вазифаси туради. Айниқса, хорижий тилларни ўрганаётган филологлар, таржимонлар ёки чет тили ўқитувчилари ўша тилда нутқ маданиятини мукамал эгаллашлари зарурлиги ДТС ва ўқув дастурларига белгилаб қўйилган. Лингвистикада нутқ маданияти соҳаси янги соҳалардан – тармоқлардан бири бўлиб катор янги фанлар – психолингвистика, лингвокультуралогия, хорижий тилларни ўқитиш методикаси каби фанларнинг тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Маълумки, чет тилларни ўрганаётган талабанинг нутқи 5та асосий турга бўлинади: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ҳамда таржима. Нутқ маданияти ҳам мана шу нутқ турларида намоён бўлади. Шундай нутқ турларига мос равишда нутқ – муомала маданиятини турли шаклларга

ажратиш мумкин, масалан, хозирги давр учун айниқса долзарб бўлган телефонда сўзлашув – нутқ маданияти, нотиклик маданияти (санъти) ёзма нутқ маданияти каби соҳаларга бўлиниб кетади.

Бугунги кунда она тилида нутқ маданияти масалалари бўйича катор ўзбек олимлари иш олиб бормоқдалар. Э.Бегматов, С.Иброҳимов, Т.Қудратов ва бошқалар.

Чет тилларда нутқ маданиятини ўрганиш борасида катор илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда, хусусан М.Тошхонов (“Телефонда испанча сўзлашув” маданияти мавзусида), Ш.Убайдуллаев (“Немис тилида нутқ маданиятини ўрганиш” мавзусида), З.Утешова, А.Маматов ва бошқалар (француз тили материалида).

Рус олимларидан Е.М.Верещагин, В.Г. Костюмаров, Б.Н.Головин, В.В.Садгонова ва бошқалар нутқ маданияти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

Шундай бўлсада бу соҳада ўрганилмаган катор муаммолар мавжуд, айниқса, чет тиллардан она тилига, она тилидан чет тилларга таржима соҳасида нутқ маданияти бирликларини таржима қилиш масаласи чуқур ўрганилмаган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари жаҳон стандартлари даражасида таржимон тайёрлаш улар нутқ маданиятини, таржимонлик маҳоратини тарбиялаш методлари ва усуллари етарли даражада ишлаб чиқилади.

#### **Магистрлик диссертацияси мақсади ва вазифалари.**

- бўлажак таржимон мутахассислар нутқ маданиятини ўрганиш, йул йуриқларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Қуйилган мақсадга кўра қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- нутқ маданиятининг моҳиятини ўрганиш
- адабий ва маданий тил нормаларининг турларини аниқлаш
- нутқ маданиятига қуйиладиган асосий талаб ва мезонлари белгилаб олиш.
- чет тилида таржимонлар маданиятини ўрганиш усулларини ўрганиб чиқиш ва б.

**Диссертациянинг предмети** чет тилда таржимонлар нутқ маданияти бирликлари ва уларни таржима қилишни ўргатиш усулларини ўз ичига олади.

**Диссертациянинг объекти** чет тиллари факультети талабалари билан олиб бориладиган машғулотлар ва чет тидидан таржима қилинган асарлардан иборат.

**Тадқиқот методлари:** Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қиёсий типологик, соҳавий адабиётларни ўрганиш, хориж ва ватанимиз олимларининг илғор тажрибаларини ўрганиш, кузатиш, суҳбат каби тадқиқот методларидан, контекстуал таҳлил методи, кросс-маданий таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

**Диссертациянинг янгилиги қуйдагилар билан изоҳланади:**

- Магистрлик диссертациясида таржимонлик фаолиятида чет тилдан таржимада нутқ маданияти масаласи инглиз, рус ва ўзбек тилларида луғавий бирликларнинг лексик семантик хусусиятлари қиёсий таҳлил этилди;
- Чет ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар таркибида сўзларнинг қўлланилиш доираси ва имкониятлари ҳақида сўз боради;
- тадқиқотда чет ва ўзбек тилларидаги мавжуд айрим фразеологизмларнинг ижтимоий-маданий, когнитив-психологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш ёрдамида уларнинг шаклланиш асослари кўрсатилди;

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.**

Тадқиқот натижалари умумий тилшунослик, тил ва жамият, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири, когнитив билиш жараёнида тилнинг ва нутқ маданиятининг ўрни ва аҳамияти каби муаммоларни ишлаб чиқишда назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот учун тўпланган тил материаллари ва уларнинг таҳлилидан умумий тилшунослик, социолингвистика ва психолингвистика,

лексикология, когнитив тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқитишда фойдаланилади, филология факултетлари талабалари учун эса ўқув кўлланмалари, дарсликлар, луғатлар тузиш учун хизмат килади .

**Диссертация таркиби.** Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари:** Тадқиқот учун тўпланган тил материаллари ва уларнинг таҳлилидан умумий тилшунослик, социолингвистика ва психолингвистика, лексикология, когнитив тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқитишда, филология факультетлари талабалари учун эса ўқув кўлланмалари, дарсликлар, луғатлар тузиш учун хизмат килади .

## Биринчи боб

### Чет тилида нутқ маданиятини ўргатишнинг лингвистик асослари

#### 1.1 Адабий ва маданий тил тушунчалари

Адабий тилнинг нормалари-адабий норма ҳақида гапиришдан олдин адабий тилга хос бўлган баъзи муҳим хусусият ва белгилар ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Чунки адабий тилнинг бу каби ўзига хос томонларини билмасдан туриб адабий норманинг моҳиятини талқин қилиш қийин.

Адабий тил нормаларига хос кўпгина сифатий хусусиятлар аслида адабий тил ва бажарувчи алоҳида вазифаларнинг эҳтиёжи, талаби туфайли юзага келган.

Адабий тилга доир кўпгина тадқиқотларда адабий тилга хос хусусиятлар қуйидагича кайд этилади.

1. Адабий тил умумхалқ тили, умумхалқий тилдир.
2. Адабий тил кўп вазифали (полифункционал), яъни поливалентли тилдир.
3. Адабий тил-умуммажбурий тилдир.
4. Адабий тил-норматив тил, яъни муайян лисоний меъёрларга солинган, грамматик қоидалар остига олинган тилдир.
5. Адабий тил кенг даражада услубий тармоқланган тилдир.
6. Адабий тил ҳам ёзма ҳам оғзаки шаклларга эга тилдир.
7. Адабий тил умумхалқ тилнинг, яъни миллий тилнинг оддий шаклидир.

Адабий тилнинг келтирилган белги ва хусусиятларини батафсил ёритиш, алоҳида олиб борилувчи улкан тадқиқотларнинг вазифасидир. Биз қуйида уларга қисқача тўхталамиз. Адабий тил-умумхалқий тил. Адабий тилнинг хусусияти бу тил бажарувчи вазифалар, у хизмат қилувчи доиранинг умумхалқ характерига эгаллиги билан изоҳланади.

Адабий тилнинг умумхалқий хусусияти аслида тилнинг халқчил ва демократик асосларига таянади. Адабий тил ўз поливалентлигига кўра, ўз вазифалари доирасининг кенглигига кўра бутун миллат доирасида кенг

тарқалади ва умумхалқ мулкига, унинг муштарак алоқа қуролига айланади. Бу ўзбек адабий тили учун ҳам хосдир. Бутун ўқув-ўқитиш ишлари, барча оммавий ахборотлар, илмий-маданий хабарлар адабий тилда олиб борилади. Илмий-адабий анжуманлар, илмий чиқишлар, йиғилишлар адабий тилда ўтказилади, хатто кишилар кундалик турмушда ўзаро адабий тилда гаплашишга интиладилар. Айниқса, бу расмий доиралардаги анжуманларда ёрқин кўринади. Мана шундай омиллар туфайли ўзбек адабий тили халқимиз турмушига, унинг илмий, маданий, кундалик ҳаёти доирасига фаол кириб борган. Эндиликда адабий тилимиз умумхалқ мулкига, ўзбек халқининг умумий алоқа қуролига айланганини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ўзбек адабий тилининг умумхалқийлик хусусияти ҳисобланади. Адабий тилнинг умумхалқийлиги - бу тилнинг бутун халқ учун ягона қурол экани ва умумхалқ мулки эканлигидир.

Демак, ўзбек адабий тилининг умумхалқийлиги унинг бутун ўзбек халқи учун ягона алоқа қуроли сифатида хизмат қилишидир. Ўзбек тилининг ҳеч бир лаҳжаси, шеvasи адабий тил ўтайдиган мана шу вазифани ўтай олмайди. Чунки улар муайян тор ҳудуд, минтақа аҳолиси учунгина хизмат қилади. Адабий тил маълум бир диалектик ҳудуд билан чегараланмайди. Ушбу маънода ўзбек адабий тили нафақат Ўзбекистон Республикаси доирасида яшовчи ўзбекларнинг, балки бошқа хорижий давлатларда яшайдиган ўзбекларнинг ҳам умумий алоқа қуролидир.

Умумхалқийлик ўзбек адабий тилининг етакчи фазилатидир. Чунки бу хусусият ушбу тилнинг асосий мақсади ва вазифасини белгилайди. Адабий тил умумхалқий, умуммиллий алоқа эҳтиёжини қондириш учун юзага келади. Адабий тилга хос ва қуйида гап юритиладиган бошқа хусусиятларнинг барчасида аслида адабий тилнинг ушбу вазифаси, фазилати билан боғлиқдир.

Адабий тил кўп вазифали тилдир. Ўзбек адабий тили бажарадиган вазифалар доираси, бу тил хизмат қиладиган соҳалар ниҳоятда кенгдир.

Тил кишиларнинг бир-бирини тушуниши, инсон фаолиятининг ҳамма доираларда-ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар, сиёсат ва маданият, фан

ва санъат, ижтимоий ҳаёт ва кундалик турмушда ҳам ўз алоқаларини йўлга қўйиш имкониятларини тугдирадиган улуғ бир нарсадир. Адабий тилда ёзувчи ва сўзловчи шахс мана шу коидалар асосида адабий тилни ўрганadi, унинг нормаларини эгаллайди. Адабий тил доимо ўз нормаларининг шаклланиши, тургун ҳолатга келишига интилади. Шу сабабли бошбошдоқлик адабий тилга зиддир.

Адабий тилнинг нормаланиши, бу нормаларнинг муайян коидаларга олиниши аслида адабий тилнинг умумхалқ қуроли, умумхалқ мулки эканлиги билан боғлиқдир. Адабий тил ўзаро алоқа воситаси сифатида ўзи хизмат қилаётган миллатнинг барча вакили учун умумийдир. Адабий тилнинг қабул қилинган, коидалаштирилган нормаларига барча жойда, барча кишилар (ёзувда ва сўзловчилар) томонидан бир хилда амал қилинади. Чунки адабий тил ушбу тил эгаси бўлган барча томонидан миллий тилнинг намунали ва ишланган шакли деб қабул қилинади ва тан олинади. Шунга қўра ҳам адабий тилнинг қўпчилик томонидан қабул қилинган ва маъқулланган нормаларига, уларга доир коидаларга амал қилиш, унга бўйсунуш ҳамма учун мажбурийдир. Бундай умуммажбурий нормалар ва коидалар адабий тилнинг сўз қуллаш ва сўз ясаш, гап тузиш, сўзларни ёзиш ва талаффуз қилиш каби барча соҳаларида ҳам мавжуддир. Адабий тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш учун мана шу нормалар, улар ҳақидаги коидаларни билиш, ўзлаштириш лозим.

Баъзан адабий тилни бир ёклама ва нотўғри тушунош ва тушунтириш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бунда адабий тил деб фақатгина рўзнома тили, илмий асарлар тили ва бадиий адабиёт тили қўзда тутилади. Бунда адабий тилнинг оғзаки шакли ҳисобга олинмайди. Шунингдек, баъзи ҳолларда адабий тил фақатгина ёзма тил орқали қолипга солинади, адабий тил нормалари ёзма нутқдагина тўла сақланади, дейилган мулоҳоза ҳам билдирилади. Келтирилган фикрлардан адабий тилнинг оғзаки шакли нормаланган эмас эканда, адабий тил оғзаки шаклида адабий тил нормаларига тўлиқ риоя қилиш шарт эмас экан-да, дейилган нотўғри фикрга келиш мумкин.

Адабий тилни нормалаш хакида гап борар экан, баъзи олимлар, хатто адабий тил доирасида бир хил, ягона талаффузга эришиб бўлмайди, адабий тилда талаффузнинг ягона намунаси йўқ деб ҳисоблайдилар. Бундай мулоҳазалар баъзи тадқиқотчиларнинг нотиклик маданияти учун ягона йурик (рецепт) йўқ, нуткнинг қандай бўлишини аниқ шароит белгилайди, деган фикрларни эслатади. Келтирилган таърифда фикрлаш, албатта, бир ёқламали бўлиб, оғзаки нутқ маданиятини такомиллаштириш ишига зарар еткази.

Кишилардан нутқ маданиятини, яъни тўғри сўзлаш ва ёзишни талаб қилиш учун мана шундай сўзлаш ва ёзишга восита, намуна бўла олувчи қуролни белгилаш лозим бўлади. Бундай қурол-адабий тилдир. Адабий тилсиз нутқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Адабий тил нутқ маданиятининг-тўғри сўзлаш ва ёзишнинг ўлчови, мезонидир. Аммо адабий тил тайёр ҳолда қаердандир пайдо бўлган, бирдан тайёр ҳолда осмондан тушган эмас. У аслида миллий маданиятнинг таркибий қисми, ўзи ҳам маданийликка интилувчи ходисадир. Шунинг учун ҳам «Прага лингвистик тўғараги» деб юритилувчи илмий мактабнинг вакиллари бўлмиш тилшунослар нутқ маданияти тушунчасини тил маданияти, адабий тил маданияти деб номлашади. Улар нутқ маданияти дейилганда, аввало, адабий тил маданиятини тушунишади. «Адабий тил маданияти деганда биз, адабий тилни онгли равишда қайта ишлашни тушунамиз»[5,394].

Адабий тилни қайта ишлашнинг нима зарурияти бор, дейилган савол туғилади. Адабий тил ва унинг нормалари тузилишига онгли равишда аралаштириш ва қайта ишлаш, аввало, адабий тилнинг пайдо бўлиши учун, иккинчидан, адабий тил нормаларининг такомиллашуви ва силликланиши учун, учинчидан эса, бу нормаларининг кишилар томонидан тан олинishi, кундалик нутқий ҳаётда қўлланиши учун зарур.

Хўш, адабий тилни қайта ишлаш дейилганда нимани тушуниш зарур, адабий тилнинг қайси томонлари қайта ишланади дейилган саволлар туғилади. Бу саволга жавобни ўзбек адабий тилининг бир неча йиллардаги ривож тарихидан бемалол топиш мумкин. Масалан, ўзбек ёзуви ўтган аср-

нинг 1930 йилига қадар анъанавий араб алфавити асосида бир неча бор такомиллаштирилган, 1930 йиллардан эса лотин алифбоси асосидаги, 1940 йилдан эса рус (кирилл) алифбоси асосидаги ёзувга ўтказилди, ўзбек тилининг имло қоидалари яратилди, имло луғатлари тузилди ва улар бир неча маротаба қайта ишланди ва такомиллаштирилди. Ўзбек адабий тилининг луғавий нормалари ҳам онгли равишда бошқарилди. Бир қанча икки тилли луғатлар, терминологик луғат тузилди ва уларда сўз қўллашнинг адабий нормалари муайян даражада белгилаб берилди. Имло қоидалари, имло луғатлари, норматив дарслик ва қўлланмалар ёрдамида ўзбек тилининг морфологик ва синтактик нормалари ва муайян қоидалар остига олинди. Адабий тилнинг лаҳжавий базасини белгилаш, унинг таянч шеваларини аниқлаш ўзбек адабий тили товуш ва талаффуз нормаларининг белгиланиши ва такомиллашувига йўл очди.

Ўзбек адабий тилини онгли ишлаш, бу тил нормаларининг шаклланиши ва такомиллида ўтган асрнинг 1920-1940 йилларида ижод қилган етакчи ўзбек ёзувчилари, журналистлар, турли фан олимлари, айниқса тилшунослар, шунингдек, радио муҳим роль ўйнади. Натижада ўзбек адабий тили такомиллашган миллий, адабий тил даражасига кўтарилди. Унинг тўғри ёзиш ва тўғри сўзлаш учун лозим бўладиган тил воситалари такомиллашди ва силлиқланди. Шу сабабли, ҳар бир сўзловчи ўзгалар билан нутқий алоқада бўлар экан, у тил ишлатаётган воситалари ҳамма учун умумий, ўзаро тушунарли бўлиши лозим. Бу эса сўзловчи шахснинг тил воситаларини қай даражада эгаллаганлигига, унинг нутқий малакасига боғлиқдир. Тилнинг барча воситаларини эгалламаган, унда гаплаша олишга етарли кўникма ҳосил қилмаган кишилар олдида нутқий кийинчилик ва нуксонларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Бундай кийинчилик ва нуксонларни енгиш ва бартараф қилиш адабий тил нормасини эгаллаш ва адабий нутқий малака ҳосил қилиш билан боғлиқдир.

## **1.2 Тилдаги адабий норманинг типлари**

Ҳар бир тил ўзига хос бетакрор ҳодисадир. Илмий манбаларда қайд қилинишича, жаҳонда 3000 дан ортиқ тиллар, лаҳжалар мавжуд. Ҳар бир ин-

сон ўз нутки, ўз фойдаланаётган тил товушларининг товланишларидан ўзига хос равишда фойдаланади.

Тилнинг луғавий, грамматика, фонетик ва имловий тизими ўзига хос бўлиб, бу тилни бетакрор лисоний ходисага айлантиради. Шу сабабли ҳам турли системага мансуб тиллар бир-биридан фарқланади, бундан ташқари, бир системага мансуб қардош тиллар орасида ҳам айна ҳолат такрорланади. Масалан, ўзбек адабий тили қардош бўлмаган рус, француз ва хинд тилларидан фарқли ва ўзига хосдир. Ўзбек тили қозок, қорақалпоқ, уйғур, қирғиз тиллари билан бир системага, яни, туркий тиллар системасига мансубдир. Аммо шунга қарамадан, бу тилларнинг фонетик, морфологик, синтактик тузилишида, алифбоси, имлосида анчагина фарқлар бор. Бундай фарқ, ҳатто бир миллий тилнинг ўз ичида ҳам мавжуд. Масалан, XV аср ўзбек адабий тили ўз грамматик, луғавий ва фонетик хусусиятларига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидан маълум даражада фарқланади.

Бундай фарқли томонлар ҳаттоки, ҳозирги ўзбек адабий тилининг яқин ўтмишида ҳам бўлган. Чунончи, 1920-1930 йиллар ўзбек адабий тилида ишлатилган бир қатор сўзлар, сўз шакллари, ҳозирги тилдаги қайси бир томонлари билан фарқланиб туради. Масалан, ўша йилларда кенг истеъмолда бўлган баъзи сўзлар ҳозирги адабий тилда қўлланмайди: *тегра, тамуг, учмоҳ, ёзуқ, эмгак, машириқ, модшон (материалист), тайёра (самолёт)* ва бошқалар. Шунингдек, ўша давр ўзбек матбуоти тилида учрайдиган ; *-га, -гучи, -гон, -кон* каби морфологик кўрсаткичлар ҳозирги давр ўзбек матбуоти тилида мавжуд эмас[6,40].

Демак, ҳозирги ўзбек адабий тили ўз синхроник тузилиши, имконият ва воситалари, ушбу воситаларнинг ишлатилиш доираси ва даражасига кўра, бир томондан, ўзга, ноқардош ва қардош тиллардан, иккинчи томондан эса ўз ўтмиш ҳолатидан, ҳатто, яқин келажакдаги ҳолатидан, шунингдек, халқ шевалари, лаҳжаларидан маълум томонлари билан фарқланади. Ушбу фарқларни ўрганиш ўзбек адабий тилини илмий тавсиф этиш нуқтаи назаридангина эмас, балки бу адабий тилни эгаллаш, адабий тил

маданиятини кўтариш, ўзбек нутки маданиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Хўш, юқорида қайд қилинган турли тиллар аро ва бир тилнинг ўз ичида мавжуд бўлган умумийлик ва фарқли томонлар, тафовутлар нимадан келиб чиқади? Бундай саволга жавобни ҳар бир тилга мансуб бўладиган тил оилаларидан, ҳар бир тилнинг лисоний тизимидан, энг муҳими ҳар қайси тил фойдаланадиган воситаларнинг характеридан ахтариш мумкин.

Тилдан, ундаги имкониятлардан фойдаланишнинг маълум меъёрлари, мезонлари, тилнинг ўзи табиий равишда танлаган ёки илмий жиҳатдан онгли равишда белгиланган қоидалари мавжуд. Мана шу ҳодисалар тилдан фойдаланишнинг тўғри, мақбул имкониятлари доирасини белгилайди, уни маълум йўсинга, йўлга солиб туради. Ушбу ҳолатлар тилдан фойдаланувчиларнинг нутқий фаолиятини маълум намунали, мақбул йўлга солиб туради.

Демак, ҳар қандай тилда мавжуд ва номавжуд мақбул ва номақбул, намунали ва намунавий бўлмаган, тўғри ва нуксонли имкониятлар мавжуд. Шунга кўра, тилдан фойдаланиш унинг мавжуд имкониятлари маълум ўлчовлар асосида ёндашишни талаб қилади. Жумладан, унинг ёзма ва оғзаки шакллари, нутқий услублари ўз имконият ва эҳтиёжлари доирасида рўёбга чиқади. Бунда тил ва нутқнинг мана шу кўринишлари ўзининг маълум анъана, одатий тусга кирган муайян талаблар, эҳтиёжлар асосида шаклланган воситалари тизимига таянади. Мана шу ҳодиса тилшунослик фанида тил нормаси ёки лисоний норма тушунчаси терминлари билан юритилади.

Ҳар қандай тил нормаларидир. Ҳар қандай нутқ, нутқнинг тиллари, нутқий услублар, нутқнинг шаклий кўринишлари нормаларидир. Умуман миллий тил, унинг ижтимоий-вазифавий (функционал) ва яшаш кўринишлари (адабий тил, шевалар, лаҳжалар, жаргонлар ва бошқалар) нормаларидир. Улар мана шу нормаларига кўра, бир-биридан фаркланади ёки муштарак томонларга эга бўлади.

Тилнинг, нуткнинг нормали эканлиги аниқ. Аммо мана шу нормаларни белгилаш, уларнинг тўғрилиги, мақбуллигини аниқлаш, баҳолаш осон иш эмас. Чунки ҳозирга қадар тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг нормалари мақсадга мувофиқлиги, ҳар бир нуткий ҳолат, вазият, нуткий услуб талабалари нуктаи назардан қанчалик тўғри ҳамда нуфузли эканлиги етарли равишда ўрганилган эмас. Бу масалани ўрганиш, ўз навбатида, тил нормаси назарияси, лисоний норма ҳақидаги таълимот билан боғланади. Бундай таълимот мавжуд.

Умуман олганда ҳозирги замон тилшунослигида «норма» (лотинчакоида, намуна, меъёр, маром, андоза) тушунчасини аниқлаш борасида бир-бирини мантиқан тўлдириб, мустаҳкамлаб боровчи икки назария мавжуд.

Биринчи назария тарафдорлари нормани тил воситаларининг қўлланишини тартибга солиб турадиган қонунлар деб қарасалар, иккинчи назария тарафдорлари эса, нормани тилнинг мустаҳкамланган барқарор воситаларини умумхалқ, умумжамоа томонидан анъанавий равишда нуткий амалиётга тадбиқ қилишларнинг йиғиндисидир, деб тушунадилар. Иккинчи назария бўйича норма тил бирликлари, система ва нутк ўртасида сузгич (филтр) вазифасини бажаради. Баъзи адабиётларда норма атамаси икки маънода тушунилиши эътироф этилади. Биринчидан, тилдаги умум томонидан қабул қилинган ва иккинчидан, норма деб грамматик қўлланмалар, луғатларда тавсия қилинган, етакчи ёзувчи ёки шоирлар асарларидан келтирилган, нуфузли далиллар билан исбот қилинган ва мустаҳкамланган қоида тушунилади [7,8].

Демак, тил нормаси – бу тил ситемаси мавжудлигининг қонунидир, у тил системасининг ҳамма даражаларида намоён бўлади, айниқса, адабий тилда бу қучаяди ва маълум тил системасининг таъсирида пайдо бўлаётган индивидуал нутк системаларида бевосита ифодаланади.

Адабий норма – бу тил яшашининг маълум бир босқичдаги қонуниятдир. У ёзувда мустаҳкамланган бўлиб, ҳамма учун умумий намуна ҳисобланади. У барқарор, шу билан бирга ривожланувчи, ўз вазифасига қўра меъёрий мунтазамликка эгадир.

Нуткий норма-маълумот тилнинг бирор аниқ (конкрет) нутқда амалга оширилиши, ўша тилда сўзловчининг нуткий кўникмаси ва адабий нормадан келиб чиққан қоидасидир.

Тил нормасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Тор маънодаги тил нормаси тилнинг у ёки бу соҳаси учун белгиланган, ўшандай қўлланувчи тил воситалари тизимидир (масалан, ўзбек адабий тили доирасидаги норма). Кенг маънода норма бу ўзбек тилида гаплашувчи бутун жамоа нутқидаги мавжуд воситалар (ходисалар) йиғиндисидир. Биз ҳам ҳозирча нормани кейинги маънода талкин қилмоқдамиз.

Шундай қилиб, норма ҳодисаси тилнинг барча яшаш шакллари, ижтимоий тармоқлари учун бирдай тегишлидир. Ҳар қандай норма учун «адабийлик» хос эмас. Чунончи, ижтимоий гуруҳлар нутқида, маҳаллий яъни лаҳжа ва шеваларда ҳам «нормани ўзига хос тарзда этник хис қилиш» қобилияти ривож топган бўлади. Шунинг учун «тил идеали» тушунчаси фақат адабий тилгагина хос хусусият эмас. Нафақат адабий тилда, балки маҳаллий шеваларда ҳам лисоний идеал мавжуд булиб, у тургун ва консервативдир. Аммо диалект ва шевалардаги тургунлик адабий тилдагига кўра ожиз ҳамда кучсиздир[8,31-32].

Лаҳжавий-шежавий норманинг хусусиятлари умумтил тизимида лаҳжавий тизимнинг тутган ўрни билан белгиланади. Тадқиқотчиларнинг қайд, этишича лаҳжавий тизим, умумтил тизимидан: 1) тобелиги, 2) очиклиги, 3) кўпроқ ўтказувчанлиги, 4) вариантдорлиги билан фаркланади[9,331-333]. Адабий тил ҳам умумхалқ тили тизимининг алоҳида, ўзига хос татбиқи, унинг алоҳида кўринишидир. Аммо адабий тилнинг умумтил тизимига тобелиги бошқачароқ характердадир: а) адабий тил умумтил системасига тобе бўлса-да, аста-секин у ушбу тизимга кирувчи тил кўринишлари орасида етакчилик (авангардлик) ролини ўйновчига айланади; б) умумтил тизимининг имкониятлари кўпроқ адабий тилда намоён бўлади, рўёбга чиқади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан муайян тил доирасидаги нормани дастлаб икки катта гуруҳга бўлиш мумкин деган хулоса чиқади [10,335].

1. Тилнинг умумнормаси-умумтил нормаси ёки умумий норма;
2. Тилнинг хусусий нормалари ёки хусусий норма.

Умумий норма маълум тилнинг, масалан, ўзбек миллий тилининг барча кўринишларида қўлланаётган нормалар йигиндисидан иборат. Ўзбек тилининг умумнормаси ўзбек тили доирасидаги хусусий норма кўринишларига эмас, бошқа қардош ва ноқардош тиллар нормасига солиштирилган ҳолда аниқланиши мумкин.

Туркий тиллар оиласига кирувчи ҳар бир тилнинг лисоний нормаларига ўзига хос томонларга эга бўлиб, бу ҳол ҳар бир туркий тилнинг хусусий нормаларини ташкил қилади. Масалан, бу хусусиятни туркий тиллардаги сўз ва сўз шакллари, уларнинг маъноларидаги фарқлар мисолида қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Аниқлик – бу айтилаётган сўз ёки иборанинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишдир. Аниқлик маданий нутқнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, нуткий тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Нуткий тўғрилиқ бўйича юқорида баён қилинган барча фикрлар нутқ аниқлиги ҳам алоқадор. Нутқ аниқлиги луғавий ва грамматик воситаларнинг тўғри айтилиши ва ёзилиши орқали рўёбга чиқади. Нуткий аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ходисалар билан уларнинг лисоний алоқа жараёнидаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади. Яхши нутқнинг коммуникатив сифати бўлган аниқликни «нутқ-воқелик», «нутқ-тафаккур» муносабати асосида белгилаш мумкин.

Нутқ аниқ бўлиши учун, энг аввало, сўзда ифодалаётган денотат ҳақида тўғри тасаввур бўлмоғи керак. Шу ўринда тўғри нутқ ва аниқ нутқ ўзаро фаркланади. Тўғри нутқ бу «тил-нутқ» муносабати асосида қурилиб, асосан лисоний далилларга суянса, аниқ нутқ «нутқ-борлиқ-воқелик» муносабати асосига қурилади ва ҳақиқатни фаҳмлашга, билишга қаратилган бўлади.

Тафаккур қилиш, билиш нутқ шаклида рўёбга чиқади. Айтилаётган фикр тингловчилар томонидан қабул қилинса, тушунилса, бундай нутқ аниқ бўлиб ўз мақсадига эришган бўлади. Шунинг учун сўзловчи нима ёки ким хақида гапирётганини ҳар тамонлама чуқур тушунган бўлиши керак, акс ҳолда нутқ аниқ бўлмайди. Фикр тингловчига тўлиқ бориб етмайди. Фикрий ноаниқликлар қуйидаги ҳолларда учрайди. 1. Сўз маъносига етарли эътибор бермаслик натижасида. Масалан: *The house was pretty but not very convenient to live in.* Бу мисолда *convenient* сўзи ўрнида *comfortable* сўзини қўллаш керак эди. 2. Паронимлар маъносини билмаслик натижасида: *У синглисини жудо до севар эди. Жудо эмас жуда «Судхўрнинг ўлими» асарини ўқиди эмас, «Сутхўрнинг ўлими» асарини ўқиди каби.* 3. Мантиқий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш натижасида. *Пудратчи йил бўйи гўзасига ишлов берди. Гўзага йил бўйи ишлов берилмайди.* 4. Нутқда бирор сўзни ўзўрнига қўйиб гап тузолмаслик ҳамда сўз тартибининг бузиб ишлатилиши ҳам жумланинг маъносига путур еткази. Масалан: *Ариқ бўйидаги тут дарахтига боғланган раиснинг оти кишилади.* (Тут дарахтига Раис боғланганми ёки от ?). 5 Сўзнинг ноўрин танланиши натижасида : *Режиссёр бир қатор умидли сахна усталарини кашф этди. Сахна усталари кашф этилмайди, балки танланади, ёки тарбияланади.* 6. Бир синонимик қаторни ташкил қилган сўзларнинг барчаси ҳам бошқа сўзлар билан синтагматик муносабат ташкил қилолмайди[11,18-19]. Масалан, улуг, буюк катта синонимик қатордан *буюк* сўзи тоғ сўзи билан, синтагматик муносабатга киришмайди. Бундай сўзларни зўрма-зўраки бириктириш нутқни бузади. *Тоғларнинг буюклиги кўуринарди узокдан* (Мирмуҳсин «Қадрдонлар»). Буюкликни (мавҳум маъноли отни) кўринади дейиш ноўриндир. Нутқий аниқлик вазифавий услублар доирасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, *қун. айём* синонимик қаторидан *айём* китобийдир: Улуг айём, баҳор айёми каби. Бундай қўлланишларда *қун* сўзини ишлатиб бўлмайди.

Илмий нутқнинг бош мезони терминларнинг аниқ бир маънога эга бўлишидир. Бу жиҳатдан караганда, тилшунослик терминлари орасидаги ҳар

хиллик салбий ҳодисадир: *февъл даражаслари; февъл нисбатлари; бош даража; аниқ даража; тақлид сўзлар; мимемалар каби.*

Нутқда ихчамликка, аниқликка интилиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, у одатда, оғзаки нутқда кўпроқ учрайди. Ёзма нутқда турли сарлавхалар, халқ мақоллари ихчам шаклда бўлади. Тобутдан чиккан товуш-Тобутдан товуш, олтин водийдан шабадалар, Дўстимдан келган хат-Дўстимдан хат, Онамга ёзилган хат-онамга хат, Яхшидан от қолур, ёмондан дод қолур-Яхшидан от, ёмондон дод каби. Бундай қўлланишлар тилнинг ихчамликка интилиш қонуниятини ўзида акс эттиради, шу сабабли улар адабий нутқ эҳтиёжи ҳисобланади[11,19].

Демак, нутқ ихчамлиги деганда, адабий нутқда сўзларни кам микдорда қўллаш ҳамда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади.

Кўп сўз нутқий мазмунга, нутқнинг чиройли бўлишига ҳалақит беради. Жумлаларни қисқа ва тўғри тузиш нутқ аниқлигини таъминлайди.

Нутқнинг аниқлиги унинг мантиқийлиги билан бевосита боғланган бўлиб, нутқнинг аниқлиги мантиқий нутқни юзага келтиради.

### **1.3 Чет тилидан таржимада нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар ва мезонлар**

Маданий нутқ малакасини ҳосил қилиш, нутқ маданиятига эришиш, ҳеч шубҳасиз, адабий тил меъёрлари талабига риоя қилиш нотик нутқини умумтушунарли қилади, унга адабийлик, тўғрилик хусусиятларини бахш этади. Шу билан бирга, ҳар қандай нутқ алоҳида шахсларнинг ўзига хос фаолияти ва ижодидир ҳамда у кўп ҳолда бетақрорлиги билан ажралиб туради. Нутқнинг индивидуал фаолият экани ҳар бир шахс билганича гапираверади деган гап эмас. Ҳар қандай нутқ маълум аниқ тингловчига, шахсга, жамоага қаратилган бўлади. Демак, нутқ ана шу шахс ёки жамоага тушунарли бўлиши лозим. Мана шу маънода нутқ олдида маълум умумий талаблар қўйилади, бу талаблар, бир томондан, лисоний омилларга, иккинчи томондан, полилисоний омилларга боғлиқ. Ушбу талабларнинг асосийлари:

Нуткнинг тўғрилиги. Нуткий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири фикрни тўғри, мазмунли баён қилишдир. Нуткда қўлланадиган ҳар қандай тил воситасининг имконияти, кучи адабий тил меъёрларига таянилгандагина рўёбга чиқади. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик меъёри нуктай назаридан нуткий тўғрилиқ қуйидаги хусусиятларга эга.

Нуткнинг талаффуз (орфоэпик) маданияти тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқдир. Бунга сўз ва ибораларнинг тўғри дикцияси, сўз ва мантикий урғу, интонация (оҳанг) ҳамда пауза (тўхтама)га эътибор қилиш орқали эришилади. Орфоэпик жиҳатдан нуткнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва гап урғусининг тўғри ишлатилишига боғлиқ. Масалан, рус тилида урғу эркин бўлса, ўзбек тилида урғу боғлиқдир, яъни сўз ўзакларига қўшимчалар қўшилганда, урғунинг тушиш ўрни ҳам ўзгариб боради. Ишчи-ишчилар-ишчиларга каби. Демак, талаффузда ана шу меъёрни сақлаш лозим бўлади. Худди шунингдек, сўзлардаги урғуни кўчиши баъзан унинг маъносини ҳам ўзгартиради: present-present, реер-рёр press-press каби катор сўзларнинг қандай маъно ифодаланиши фақатгина урғу ёрдамида ойдинлашади.

Нуткда мантикий урғудан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, «Семиз шапкали киши келди»; «Онасиз бола ўйнамас» каби гапларнинг маъноси урғунинг қайси гап бўлагига тушишига кўра турлича маъноларни ифодалаш мумкин. Нутқ маданияти олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳозирги талаффуз меъёрини аниқлашдир. Маданий нуткда сўзларнинг тўғри талаффуз қилиниши энг муҳим шартлардан биридир. Ҳатто, айирим сўзларни эскирган шаклда талаффуз қилиш ҳам нутқ маданиятини хиралаштиради: Худди шунингдек талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўзларнинг фарқига бормай (шавкат-шафкат) ёки эътиборсизлик натижасида ship-sheep, present- presence каби талаффуз қилиш нотўғри. Бирор сўзнинг та-

рихий-этимологик шакли ва грамматик хусусиятни яхши билмай туриб, уни тўғри талаффуз қилиш мумкин эмас.

Эндиликда матбуот саҳифаларида ўзбеклар учун талаффузи кийин бўлган философия, философик таълимот, философик материализм атамалари ўрнида уларнинг маъноларини айнан ифода қиладиган ўзбекча талаффуз меъёрларига мос келадиган фалсафа, фалсафий таълимот, фалсафий материализм каби қадимги вариантларни қўллаш меъёр саналади.

Маълумки, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш нутқдан бошланади. Сўз қабул қилувчи тил ҳар бир сўзни ўз «ғалвири» дан ўтказди ва қонунқоидаларига бўйсундириб олади. Бундай ҳолат энг аввалло, қабул қилинган сўзнинг талаффузида намоён булади.

Нутқда бўлган талаффуз меъёрларига риоя қилмаслик орфоэпик ҳатоларга олиб келади, ҳамда нутқнинг таъсирчанлигини йўқотади. Сўзларнинг талаффузида улар таркибидаги товушларнинг фонологик хусусиятга эга эканлиги ҳисобга олинади.

Жумладан, араб ва рус тилларидан қабул қилинган сўзлар таркибидаги ф ва ж товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин олганлиги учун бу товушларни нутқда п ва ж тарзида, яъни пойда (фойда), пақир (фақир), пабрика (фабрика), пизика (физика) тарзида талаффуз қилиш ҳато ҳисобланади. Лекин рус тилидаги *ц*, *ш*, *ы* товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин олмаган. Чунки бу товушларнинг фонологик параметрлари бутунлай бошқа. Шунинг учун уларни «с» (эски қабул қилинган сўзларда эса «ч» тарзида), «ш» ва «ц» тарзида талаффуз қилиш мумкин: цилиндр (цилиндр), сиркул (циркул), черков (церковь), чоризм (царизм), ши (щи), виставка (выставка) каби. Рус тили учун ундош товушларнинг каттик-юмшоқлиги фонологик аҳамиятга эга, ўзбек тилида эса бу ходиса аҳамиятсиздир. Шунинг учун рус тилидан кирган сўзлардаги юмшоқ ва каттик товушларни ҳам ўзбек тилида бир хил талаффуз этиш меъёр ҳисобланади: январь, февраль, пальто каби. Оханг (интонация) туфайли сўзларнинг маъно ифодалаш имкониятлари кенгайди. Масалан, «келинг» сўзи айтилиш оҳангига кўра самимият, масха-

ралаш, норозилик, ўқиниш каби қатор маъноларни ифодаланиши мумкин[6,66].

Одатда, интонация нутқ сўзланиб турган вазиятда юзага келади ва у нуткий талабга кўра ҳар хил кўринишда бўлади. Бу ҳақда С. Иномхўжаев қуйидагиларни ёзади: «Мантиқ тақозаси, аниқ вазиятлар талабига кўра битта сўз бир-бирига ўхшамаган олам-олам маъно англатишга қодир»[12]. Жумладан, биргина «салом» сўзининг ўзи қуйидаги маъно ва мазмунни ифода этиши мумкин:

Good morning	Ассалом-у алайкум	Ҳайрли тонг
Good afternoon	Салом	Ҳайрли кун
Good evening	Ҳайрли кеч	Йахши йотиб тур
Good day	Ҳайрли кун	Ассалом-у алайкум
Good night	Ҳайрли тун	
Hello! Hi!	Салом!	Қалайсан/сиз!

Ҳозирги кунда сўзлаш маданиятида сезилаётган яна бир тенденция араб ва форс сўзларини зўрма-зўраки ишлатиш ҳисобига ёзма ва оғзаки нутқни жимжимадор, дабдабали қилишга интилишдир. Жумладан, сарафроз, зухур этмок, алҳол, мухтасар, номавзун каби сўзлар ўрнига ўзбекча муқобилларини ишлатиш ўринли бўлади. Худди шунингдек, адабий тил луғат таркибидан ўрин олмаган, фақат сўзлашув нутқида ўринсиз ишлатиладиган гостиница-«*мехмонхона*», столовой-«*ошхона*», больница-«*қасалхона*», библиотека-«*қутубхона*» каби қатор сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ишлатиш тўғри нутқ меъёрини таъминлайди.

Тўғри нутқ тузиш кишининг рухий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Жумладан, сен ва сиз кишилиқ олмошлари нутқ вазияти ҳамда сўзловчи ва тингловчи муносабатига кўра турлича маъновий-услубий вазифа бажаради. «*Сен*» кишиларнинг яқинлигини (ёши ёки қариндошлиги жиҳатидан) кўрсатади. «*Сиз*» сўзида ҳурмат мавзуси бўлганлиги учун ёши улуг ёки таниш бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилади ва орада оз бўлсада масофа сақланади. Ай-

ни замонда «сен» кўполлик, ҳурматсизлик, «Сиз» эса диққат ва ҳушмуомалаликни ифодалаши ҳам мумкин.

Нутк жараёнида бирор бир сабабсиз шароитда «сиз»дан «сен»га ва аксинча «сен»дан «сиз»лашга ўтиш ўринли эмас. Чунки «сиз»сўзидан кейин «сен»лаш ноқулайлик туғдирса, «сен»дан кейин «сиз»лаш эса муомалада совуқлик туғдиради. Хулоса қилганда, ҳар иккала ҳолатда ҳам нуткий тўғрилиқ бузилади.

Нутқда ортикча кераксиз сўзларни қўллаш унинг маъносини, таъсир кучини сусайтиради. Жумладан, айрим нотиклар нутқидаги масалан, *Ok! Ya! Well! It's!* etc. сўзларинининг такрор-такрор ишлатилиши бунга мисол бўлади.

Айрим шахслар ўз нутқида русча сўзларни бепарволик оқибатида эҳтиёжи бўлмаган ўринларда ишлатадилар: ака ўрнига брат, братан; банд ўрнига занит; ота ўрнига пахан, бизнинг отец; марҳамат ўрнига пожалуста; яхши ўрнида хорошо, отлично каби. Худди шунингдек, баъзи ёшлар жуда чиройли исмларни бузиб, русчага таклидан талаффуз этадилар. *Иродани-Ира, Адолатни-Адол, Алишерни-Алик, Дилбарни-Диля, Улугбекни-Удик* каби.

Юксак нутк маданиятига эришиш учун шевачиликнинг айрим салбий таъсиридан ҳам қутулмоқ лозим. Ҳозиргача матбуот радио ва телекўрсатувларда шеванинг таъсири сезилади.

Нутк маданияти, нуткнинг тўғрилиги грамматика билан ҳам узвий боғланган. Грамматик меъёрларни яхши билиш фикрни юкори савияда шакллантиришга ёрдам беради. Грамматик шаклларнинг маъно ва тузилишига нутқда бефарқ қараш вазиятга мос тушмайдиган сўзларни синтагматик муносабатга киритиш, гапларни ўринсиз такрорлаш айтилаётган фикрни хиралаштиради. Нуткка қўйиладиган асосий талаблардан бири унинг грамматик жиҳатдан тўғри шакллантиришидир. Шунинг учун тўғри нутк тузишда лексик воситалар билан бир қаторда грамматик воситаларга ҳам етарли эътибор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қаратқич қелишиги қўшимчасининг шаклини белгили ва белгисиз қўллаш билан боғлиқ муаммолар бор. Қаратқич

келишиги қўшимчасини тушириб қолдирганда, гапнинг маъноси, мазмунига зарар етмаса, нуткка ихчамлик, енгиллик беради. Шарқ юлдузи, халқ ижоди, тил олди, тил орқа ва ҳ.к. Демак, нуткни тўғри тузишда ҳар бир грамматик шаклнинг ўзига хос белгиси ва мазмуни ҳисобга олинади.

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

Ушбу бобда чет тилида ва ўзбек тилларидаги нутқ маданиятига қўйиладиган талаблар ҳақидаги фикрлар баён этилган бўлиб, нутқ маданияти соҳасига ҳар иккала инглиз ва ўзбек тилларида тилшунослар томонидан ўрганилиши ҳали охирига етмаганлиги ҳақида фикр юритилган. Чунки ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти соҳасига, асосан, стилистик томонда ёндашиш кўпроқ бўлиб, бу соҳа тадқиқ этадиган масалалар билан тилшуносликнинг бошқа соҳаларида ҳам шуғулланишлар кузатилади. Бу эса ўз навбатида ўхшашликни юзага келтиради ва ушбу соҳани мустақил соҳа сифатида етарлича бой эмаслигига шубҳа туғилиши мумкин. Аслида, ундай эмас, чунки нутқ маданияти тилшуносликнинг бўлимлари билан боғлиқ бўгани учун ҳам шундай туюлиши мумкин. Бир томондан олиб қараганда нутқ маданияти соҳаси тилшуносликнинг барча бўлимлари каби қийматга эга бўлиб уларнинг гўзаллигини серкирралигини очишда ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Бундан ташқари нутқ ифодаланаётганда, нутқ таъсирчанлиги, нутқ тўғрилиги, аниқлиги, мантикийлиги каби нутқ маданиятининг нормалари мавжудки, нутқ ифодалаш жараёнида мулаллифнинг сўз бойлигини, тафаккури, дунёқараши, билимларни тушунарли қилиб тингловчига етказиб беради. Қолаверса инглиз тилида ҳам оммавий маданиятни “тарғиб этувчи” сўзлар бирикмаларни тўғри, ўз ўрнига қўйиб ифодалашда ҳам нутқ маданияти аҳамиятлидир. Адабий ва шевага хос сўзларни нутқ жараёнида аралашиб кетишини олдини олишга кўмаклашади.

## Иккинчи боб

### Чет тилидан таржимада нутқ маданиятини шакллантириш масалалари

#### 2.1 Таржимада нутқ маданияти

Муस्ताқиллик шароитида ватанамиз санъат, адабиёт, фан ва техника тармоқларининг бекиёс даражада тараққий этиб бораётганлиги бараварида она тилимиз қонуниятларининг ҳам кун сайин мисли қўрилмаган даражада ўз такомиллашувига эришаётганлиги тилнинг барча соҳалари каторида нутқ маданиятига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Нутқ маданияти умуммуносабат маданиятининг таркибий қисми сифатида гуллаб-яшнаётган маданий ҳаётимиз тараққиётига мунтазам равишда ўз улушини қўшиб келмоқда.

Нутқ маданияти инсоннинг маданий савиясини кўтаришда, илмий ва бадиий тафаккурини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллагани ҳолда, фикрнинг адабий тил меъёрларига мувофиқ тарзда тўғри, раво, таъсирли баён этирилишини, тилнинг тасвирий ва образли воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана билишни, нутқнинг ихчам ва содда-барча учун тушунарли ва завқбахш бўлишини тақозо этади.

Нутқ маданияти маълум фикр ёки тушунчани ифодалаш учун тилда мавжуд икки ва ундан ортиқ воситалар орасидан мақсадга мувофиқини, эстетик жозибадорини нутқ жараёнида кунт билан танлаб, саралаб ишлатиш тамойилларини кўзда тутгани ҳолда, «кайта ишланиш», «сараланиш» оқибатида адабий тил меъёрлари сифатида тан олинадиган ҳолатларни ўз меъёри деб билади.[13]

Нутқ маданиятини юқори даражага кўтариш жамият тараққиёти талаби ўлароқ, бирликларнинг фонетик қурилишини, грамматик меъёрларини, лексик-семантик, услубий хусусиятларини, ясашиш, ўзгариш, қўшилиш-бирикиш қонуниятларини акс эттирувчи адабий меъёрларни аниқлаш ишларини янада чуқурлаштиришни талаб этади. Юксак нутқ маданиятига

тилнинг барча имконият ва бойликларини пухта ва мукамал эгаллаш орқали эришилади.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларидагина бу соҳа илмий муаммо сифатида кенг илмий жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. 50-йилларнинг охирларидан бошлаб эса нутқ маданияти тилшуносликнинг ўз текшириш объектига эга бўлган махсус соҳаси сифатида шакллана бошлади.

1966-йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида Нутқ маданияти бўлимининг ташкил этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Шу бўлимнинг жонбозлиги билан 1969 йил 27-29 май кунлари Тошкентда ўзбек тилининг нутқ маданияти масалаларига бағишлаб ўтказилган I Республика Тилшунослик Конференцияси, шу конференция олдидан уни ўтказилиши муносабати билан матбуот саҳифаларида эълон қилинган ўнлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ва нихоят, конференция материалларини ўз ичига олган нутқ маданияти бўйича нашр этилган биринчи тўплам ўзбек тили маданиятини юксалтиришда, унга кенг жамоатчилик эътиборини торттишда муҳим аҳамият касб этди. Кўпгина тадқиқотчиларга ўзбек тилининг нутқ маданиятини илмий текшириш тарихи, унинг ҳозирги аҳволи ва муаммолари ҳақида бошланғич маълумотлар бергани ҳолда, уларда шу масалаларни таҳлил этишга қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда нутқ маданияти масалаларини ўрганиш соҳасида мамлакатимизда катта илмий текшириш ишлари бошлаб юборилган бўлса, бадиий таржимада нутқ маданияти масаласи тадқиқотчиларимиз томонидан ҳали махсус, таржимашуносликнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида қаламга олинган эмас. Таржима назарияси ва танқидчилигига бағишланган кўпчилик тадқиқотларда таржималар тилининг соф ва сифатли бўлиши ҳақида баён этилган фикрлар мазкур масалани умумлаштиришга интилиш соҳасидаги илк қадамларгина бўлиб, бу масаланинг илмий муаммо сифатида жамоатчилик эътиборини жалб қилиши ҳам сўзсиз таржималар тили маданиятининг юксалиши жараёнини янада жадалаштиради.

Миллий тиллар маданиятини яхшилаш, ривожлантириш борасида кўрсатилган жонбозлик бадиий таржима тили соҳасида ҳам кўрсатилиши лозим. Аслият тили қай даражада соф, унинг маданий савияси қай даражада юқори бўлса, таржима тили ҳам шунчалик бежирим ва аслият тили маданияти даражасида бўлиши лозим. Муаллиф ва унинг персонажлари нутқий савияларининг айнан акс этирилишигина китобхонда асар тили хақида тўғри тасаввур ҳосил қилади ва унинг ғоявий-бадиий қиймати тўғрисида чиқарадиган ҳукмини тўлдиради.

Аслият тилига қўйиладиган талабларнинг барчаси таржима тилига ҳам алоқадор бўлиб, бадиий таржима, айниқса, тил бобида ижодий хусусият касб этади, зеро, аслият мазмун ва вазифа бирлиги ва таржима тили қонун-қоидалари, лексик-фразеологик воситалари ёрдамида қайта яратилади. *Профессор С.Иброҳимовнинг «Афсуски, ҳозирги ёзма ва оғзаки адабий тилимиздан фойдаланишда тилнинг қарийб ҳамма соҳаларида адабий тил меъёрларидан белгили даражада четга чиқиш: грамматик, лексик, стилистик, имло ва орфоэтик қоидаларга эътиборсизлик давом этмоқда. Булар нутқ маданиятимизга ва унинг ривожига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун ҳозирги вақтда тил ва нутқ маданиятини яхшилаш, ривожлантириш учун қураш умумдават, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган маданий вазифадир»*[14] деган сўзлари бадиий таржима тилига ҳам алоқадордир. Таржима тили маданияти савиясининг юқори бўлиши мавжуд грамматик қоидалардан, лексик-услубий воситалардан тўғри ва ўринли фойдаланишни такоза этади. Жумладан ўзбек адабий тили давримизнинг сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва услубий лаёқати анча мукаммалашган тилларидан бўлиб, ҳар қандай мураккаб фикрни ҳам тўла ва раво ифода этишга қодир. У ўтмишда Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби кўплаб забардаст сўз санъаткорларига ажойиб асарлар яратиш учун бой луғат хазинасини очиб берган, бизнинг давримизга келиб янада тараккий топган бўлса-да, кўпгина ёзувчи ва таржимонлар ўз фаолиятларида «сўзлардан фикр мақсадига кўра тўғри фойдалана олмаслик ёки нутқни нозарур, ортиқча

сўзлар билан тўлдириб юбориш», грамматик, баъзан фонетик-орфоэпик коидалардан чекиниш каби нутк маданияти меъёрлари қабул қила олмайдиган ҳолатларга йўл қўймоқдалар.

Баъзан асарлар таржимаси, мазкур ишни ижодий жараён деб эмас, балки даромад манбаи сифатида тушунадиган айрим истеъдодсиз таржимонлар қўлига топшириб қўйиладики, бу таржимонлар матнга саводсизларча муносабатда бўлган ҳолда, ўз матнларини таржима амалиётида дуч келинадиган кўплаб нуқсонлар билан тўлдириб юборадилар, натижада аслиятда мужассамлашган сон-саноксиз образли, ҳиссий-таъсирчан лисоний воситалар таржимада аслий монанд жарангламайди, қисқаси, аслият ғоявий-бадий мазмуни муаллиф ифодаси даражасидаги тил ва услуб воситалари ёрдамида талқин этилмайди. Ваҳоланки, таржимон томонидан танлаган барча лексик-фразеологик бирликлар, услубий воситалар, грамматик шакллар, сўзлар орасидаги синтагматик муносабатлар тил вакиллари тажрибаларида синалган, равон, юқори савияли, адабий тил меъёр коидаларидан четга чиқмайдиган, такомиллашган бўлиши, аслиятдаги воситаларга вазифавий мос келиши зарур.

Таржима тилининг софлиги, унинг юқори маданияти учун кураш адекват таржималар яратиш бобидаги жонбозлик билан мантиқан боғлиқ бўлиб, барча лексик ва фразеологик бирликлар ҳамда услубий воситаларнинг аслидаги даражада табиий жаранглаши, биринчи навбатда, уларнинг ўз маъно ва вазифалари ҳамда ўзларига хос шаклларида ишлатилишини тақоза қилади.

Лексик-фразеологик бирликлар бадий ижод таркибида асар ғоясини коммуникатив ҳамда ҳиссий-таъсирчан тарзда ифода этиш лозим. Нутк маданияти даражасида талқин этилган коммуникатив ва услубий лаёқатини ҳисобга олмасдан, уларни аслиятдаги бирликлар таъсирига берилиб, таржима тили учун ғайритабиий шароитларда қўллаш, аксарият, таржима тили маданиятида йўл қўя олмайдиган бирикмаларининг ҳосил бўлиб қолишига,

баъзан эса маъно ва вазифанинг мутлако ўзгача талқинига олиб келиши мумкин.

Таржима жараёнида муайян ифода воситасидан фойдаланаётган таржимон ҳамма вақт ўзига шундай дейиш мумкинми ёки аслиятдаги маъно ва услубий вазифани тўлароқ аке эттириш ҳамда табиий жарангдорлик ҳосил қилиш учун фикрни ўзгачароқ ифода этиш лозимми, деган саволни бериши лозим. Бундай саволга жонли нутқ ва унинг маданий меъёрларига асосланган бой амалий тажрибанинг ўзи ижобий жавоб беради: таржима жараёнида икки тил бирликларининг моддий уйғунлиги эмас, балки вазифавий монандлигини юзага келтиришга ҳаракат қилиш санъаткорни ҳамма вақт адекват ифодалар яратиш сари етаклайди. Вазифавий уйғун ифодалар эса моддий жихатдан бир-бирларига ўхшаши ёки фарқ қилишлари ҳам мумкин. Масалан, инглиз ва рус тилларида «how do you do» ва «здравствуй (те)», «hello» ва «привет» дан ташқари яна куннинг турли пайтларида турли бирликлар, чунончи, «good morning»-«доброе утро», «good afternoon»-«добрый день», «good evening»-«добрый вечер» бирликлари ёрдамида саломлашилади. Ўзбек тилида эса мазкур бирликлар вазифаларини биргина «салом» сўзининг ўзи ифода этадики, таржима жараёнида бундай мувофиқликни ҳисобга олиш адекватликни таъминлайди. Бинобарин, таржимада вазифавий уйғунликнинг ҳисобга олиниши матннинг раволиги ва табиий жарангдорлигини таъминлайди:

1. Good morning! - // Доброе утро – // Салом

«Good evening» - Добрый вечер.

2. «Good evening» he said

- Добры вечер – сказал он

- Салом – деди у

Айрим таржимонлар фаолиятида кузатилганидек, саломлашишни ўзбек тили маданияти меъёрига риоя қилмасдан, инглиз тилида саломлашиши харфхўрликка олиб келади. Бу эса персонажлар нутқи софлигига путур етказиши билан бирга аслият вазифасини ҳам тўла аке эттира олмайди:

айрим таржимонлар фаолиятида, гоҳо жонли сўзлашувда ҳам учраб турадиган «хайрли тонг», «хайрли кун», «хайрли кеч» бирикмалари, ўзбек тили лугат захирасига сингиб, умумхалқ тили бойлигига айланмаганликлари туфайли, кулоққа оддий бир хайрихоҳлик ундовидай эшитилгани холда, эслатилган инглизча ва русча бирликлар ҳамда ўзбекча «салом» (ассалом, ассалому-алайкум) сингари ижобий-самимий маъно белгиси касб эта олмайди:

*«Good morning sir» said the latter.*

*«Good morning », said Herstwood.*

*- Доброе утро, сэр! – приветствовал тот.*

*- Доброе утро! – ответил Герствуд.*

*- Хайрли тонг, сэр! – деб сўрашди йонидаги.*

*- Хайрли тонг! – жавоб берди Герствуд. [T.Dreiser, Sister Carrie]*

Инглиз ва рус тилларидаги катор бирликларга ўзбек тилида биттагина «салом» сўзининг мос келиши асарлар таржималари тилининг камбағаллашиб қолишига олиб келмайди, балки ўзбекча бирлик камровининг ўз мувофиқ вариантлариникига нисбатан кенглигини кўрсатади. Бундан келиб чиқадиган мантикий хулоса шундан иборатки, ўзбекчадан инглиз ва рус тилларига асар ўгиришда таржимонлар барча саломлашиш шакллари «how do you do» ва «здравствуй(те)» воситалари ёрдамида ағдаравермасдан, ўз тиллари меъёрлари талабидан келиб чиқиб ҳамма вариантлардан фойдаланаверадилар. Акс холда инглиз ва рус таржимонлари ўз масъулиятларига ижодий ёндашмаган бўладилар. Негаки, «здравствуй (те)» ва айникса, «how do you do» маданий нутқда нисбатан кам қўлланиладиган бирликлар бўлиб, хатто кўча-кўйда учрашиб қолган дўст ёки дугоналар ҳам, вақтни тафовутловчи бирликлардан фойдаланмаганларида, мазкур бирликларни ишлатишдан кўра бир-бирлари билан «hello» ёки «привет» сўзлари ёрдамида саломлашишни маъкул кўрадилар.

Кечкурун, кўпроқ уйку олдидан хайрлашаётган ўзбеклар бир-бирларига «яхши ётиб (ухлаб) туринг», «яхши дам олинг» дейдиларки, бу бирикмалар

хам оддий хайрлашув ундови бўлмиш «хайр!» сўзидан ўзларининг ижобий-самимий маъно белгилари билан фарк қиладилар. Уларнинг инглиз ва рус тилларидаги «good night» ва «спокойной ночи» муқобиллари билан «good bye» ва «до свидания» синонимлари ўртасида ҳам худди шундай фарк мавжуд бўлиб, таржима жараёнида мана шу тафовутларнинг ҳисобга олингани холда, мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланишгина адекватликни таъминлайди:

“Good night man” - Спокойной ночи

Яхши ухлаб тур, биродар

Хайрлашув ундови бўлмиш «good bye», «до видания» ва «хайр» бирликлари аксарият бир-бирларига вазифа жиҳатидан мос келиб, бадий ижодда ҳам муомала-муносабатида кўзга ташланадиган даражада самимий-ижобий бўлмаса, асосан мазкур воситаларга мурожаат қилинади. Аммо таржима асарларда «хайр»нинг ўрнига «кўришгунча» сўзидан кўпроқ фойдаланган холда, бу сўз русча «до свидания»нинг калькаси ўларок, ҳозирги пайтда оғзаки нутқ таркибида учраб туради. Кишилар баъзан «кўришгунча»нинг ўзи билан каноатланмасдан, унинг ёнига яна «хайр»ни ҳам қўшиб қўядилар (кўришгунча хайр). «кўришгунча» ва «кўришгунча хайр» бирликларининг кулоққа эриш эшитилмаслигининг асосий сабаби, фикримизча, уларнинг мантикий асосли эканликларидадир:

- Good bye.

- Good bye, sweety

- До свидания.

- До свидания, хороший мой.

- Кўришгунча.

- Кўришгунча, кўзим.

Қасам шаклларини таржима қилишда ҳам таржимон қатор кийинчиликларга дуч келади. Баён этилган муайян фикрнинг ростлигига, тутилган йўлнинг тўғрилигига суҳбатдошни ишонтириш, бирор нарса ёки ҳаракатнинг тўғри ёки нотўғри, яхши ёки ёмонлигини алоҳида қайд қилиш

каби ҳолатларда халқлар қатор бирликлар ёрдамида қасам ичадиларки, бундай қасам шаклиларининг объектлари одатда кишилар назарида энг азиз, мўътабар, муқаддас нарсалар, тушунчалар номларидан иборат бўлади. Қасам ичганда, жумладан, ўзбеклар кўпинча ҳаётларини (ўлай агар), нонни, виждонларини, худони, мўйсафидрок кишилар эса оппоқ соқолларини ўртага қуядиларки, айна воситалар (қасамлар) одатда маълум даражада ҳаяжон билан талаффуз этилади.

Турли тилларда ичиладиган қасамлар объектлари аксарият ҳолларда моддий жихатдан бир-бирларига ўхшаш бўладилар. Бу таржимани сўз исрофгарчилигига дучор бўлиш хавфидан саклаб қолади:

*Дедушка! Ей-богу .... было это! Студент он .... француз был..... И так он меня любил ..... так любил! – Буважон ! Худо урсин .....ошиқ бўлганман! Узи студент ..... француз эди .....Мени бирам яхши кўрардики, асти қўяверинг! [М.Горький, Макар Чудра]*

Аммо таржима тилида объектлари моддий жихатдан мос эквивалентларга эга бўлмаган қасамни ифодаловчи асл нусха бирликларини ўгириш жараёнида санъаткорни қатор нуқсонларга йўл қўйиш хавфи кутадики, адекватликни таъминлай олмайдиган йўлларга мурожаат қилиш натижасида ҳосил бўлган воситаларни аксарият таржима тили маданияти қабул қила олмайди.

Шекспирнинг «Ўн иккинчи кеча» пьесаси персонажи ўз сўзининг ростлигига суҳботдошини ишонтириш учун қўлини ўртага қўйиб қасам ичган экан, унинг ўзбекча таржимада «виждон» билан алмаштирилиши ҳам, Андрей (А. М. Горький. «Она») камокқа олинган Павелни, албатта, қўйиб юборишларини «честное слово» қасами воситасида ишонч билан таъкидлаган экан, бирликнинг «ўлай агар» орқали талкин этилиши ҳам вазифавий адекватликни юзага келтирган:

*1. Ненько, не томите сердца! Честное слово, говорю вам – скоро его выпустят –Куйинг, йигламанг, юрагимни эзманг, онажон! Улай агар, яқинда қуйиб юборишади. [А. М. Горький, «Мать»]*

Бирок аслиятдаги «*by God*» бирлигининг муқобили бўлмиш «честное слово» нинг ўзбекчага бирор мавжуд муқобил варианты оркали ўгирилмасдан, сўзма-сўз «чин сўзим» тарзида берилиши харфхўрликни юзага келтирган: фойдаланилган бирикма зарурий маъно ва услубий таъсирчанликни яратиб бера оладиган касам хусусиятига эга лисоний восита эмас:

*Yes, sir; she surprised me the other night. By God, if she didn't – Да, сэр! Она буквально изумила меня вчера своей игрой. Честное слово -Ха, сэр! У кеча мени ижроси билан ниҳоятда хайратда қолдирди. Чин сўзим. [Sister Carrie]*

Христиан дини вакилларининг бут (крест)ни илохий санаб, унга сифинишлари туфайли рус тилида бут объекти бўлган касам вужудга келган бўлиб, унинг «Артамоновлар иши» (М. Горький) асари персонажи лафзида ишлатилганлиги табиий эшитилиб, ифодага оғзаки нутқка хос жозибадорлик бахш этган бўлса, бу касамнинг моддий жиҳатдан аниқ таржимаси бўлмиш «крест хақи» ўзбекчада касам шаклияси сингари табиий жарангламайди:

*Крест порукой – она ничего не будет знать –Крест хақи, у ҳеч нарса-ни билмайди.[М.Горький, Дело Артамоновых]*

Онт эслатилган усуллардан ташқари, ўзбек тилида Яна «қасам (онт) ичаман» бирлиги ёрдамида ҳам ифодаланадики, бундай пайтларда у русча «*клянусь*» сўзига ҳам моддий, ҳам вазифа жиҳатларидан мос келади. Аммо «*клянусь*»нинг қўлланиш доираси ўзбекча эквивалентликка нисбатан кенгрок бўлиб, таржима жараёнида улар ҳамма вақт бир-бирини алмаштира-вермайди. Бинобарин, бу русча бирлик ўзбек тилига «қасам ичаман» дан ташқари яна «*ўлай агар*», «*нон урсин*», «*худо урсин (хақи)*», «*виждон хақи*» каби қатор муқобил вариантлари оркали ҳам ўгирилади. Шунингдек, рус тилида «*клянусь*» сўзи ўртага қўйиб қасам ичилган нарса ёки тушунча номига қўшилиб, касам ифодаси учун фойдаланиладиган бирликнинг компоненти сифатида ҳам қўлланилади. Бундай пайтда у инглизча ва ўзбекча бирликлар таркибидаги «*бу*» ва «*хақи*» сўзларининг вазифавий эквивалентига айланади-

ки, бу ҳолни таржима амалиёти мисоллари ҳам тасдиқлайди. Аммо гоҳо ўзбек таржимонлари русча бирликнинг моддий жихатини сақлаганлари ҳолда, «хақи» сўзининг иштирокидан воз кечадилар, натижада, жумладан, инглизча «*by God*» ўзбекчага «*худо ҳақи*» эмас, «*худо номига қасамёд этаман*» тарзида талкин этилади. Лекин бу ортиқча сўзларни қўллашга олиб келмайди. Таржиманинг табиий жаранглашига асосий сабаб ўзбек тилида «*қасам (онт) ичаман*», «*қасамёд этаман*» бирликларининг мавжудлигидир: бу бирликлар одамлар қулоғига сингиб кетганлиги сабабли, сал ўзгача кўринишда қўлланилганларида ҳам ғайритабиий эшитилмайди:

1. *By God, you are a traiter – Клянусь богом, ты изменник – Худо номига қасамёд этаман, сен хиёнаткорсан. [M.Twain, Joan of Arc]*
2. *Au, by my beard, will us; for he is a proper man – Правильно. Клянусь моей бородой, он хороший человек – Тўғри. Соқолим билан онт ичаман, яхши одамга ўхшайди. [W.Shakespeare, The Two Gentlemen of Verona]*

Таржима амалиётида «*клянусь*» ни «*онт бўлсин*» тарзида талкин этиш ҳоллари ҳам учраб турадики, бундай бирикманинг жонли нутқда анъанавий восита сифатида қўлланилмаслиги сабабли, у китобхон қулоғига қасам ифодаси учун ишатилаётган бирликдай табиий эшитилмайди, бинобарин, зарурий услубий таъсирчанлик яратиб бера олмайди:

*Клянусь, Ниночка, я больше никогда, никогда не буду – Онт бўлсин, Ниночка, энди ҳеч вақт бундай қилмайман. [А. А. Фадеев, Молодая гвардия]*

Фикрнинг ўта теран, китобий баёнига эришиш мақсадида таржимонлар баъзан ўз тиллари луғат таркибидан ўрин олмаган қардош халқлар тиллари лисоний бирликларини беасос ишлатадилар. Оқибатда аслиятда ифода этилган маъно ва услубий вазифа китобхонга аниқ етиб бормай қолади. Ўзбек таржимонлари бундай воситалар сифатида кўпроқ тожикча бирликларга муурожаат қиладилар. Масалан, Марк Твеннинг «Жанна д' Арк» романидан кел-

тирилган куйидаги мисол таржимасида «сўз» сўзи маъносида қўлланилган, аслида эса тожик тилида шу маънони англатадиган «калима» сўзи кенг ўзбек китобхонлари оммасига зарурий тасаввур бера олмайди. Чунки у шу вазифа-сида ҳозирги ўзбек адабий тилига хос бўлмай, уни талаффуз этганда китобхон кўз олдида мусулмончилик рамзи сифатида ўқиладиган оят – диний парча келади (эътибор беринг: Калима келтир, бетавфик! – Ойбек, «Қутлук кон»):

*We knew who was meant when she was mentioned; we could say «she» and «her», but we could not speak the name – Мы хорошо понимали, что связано с этим именем; поэтому мы могли говорить лишь «она» или «ее», но дорогого имени не упоминали – «У» ва «унинг» деган калималарни ишлатганимизда кимни назарда тутаётганимиз ўзимизга аён эди-ю, лекин отини атамасдик. [M. Twain, Joan of Arc]*

Бирор кишини тўрға ўтиб ўтиришга ёки ичкарига киришга мулозамат билан таклиф қилганда, одатда, керакли томонга қўл харакати билан имо килиб, «марҳамат» ёки «марҳамат қилсинлар» дейилади. Бу ўринда тожиклар «марҳамат», «марҳамат кунанд» дан ташқари яна «биформоед» сўзидан фойдаланишни хўш кўрадиларки, кейинги сўзнинг луғавий маъноси «буюрсунлар» бўлиб, у эслатилган вазифада ўзбек тилида ишлатилмайди. Аммо «Анна Каренина» (Л. Толстой) романи таржимасида «Милости просим» бирикмасининг вазифавий муқобили «марҳамат қилсинлар» ўрнига «буюрсунлар» тарзида таржима қилинган персонаж нутқи софлигига путур етказиш билан бирга, фикрнинг кенг китобхон оммасига етиб боришини ҳам қийинлаштирган:

*Милости просим, сказал Степан Аркадьич, указывая по направлению к столовой – Буюрсинлар, деди Степан Аркадьич оишона томонга ишора қилиб. [Л. Н. Толстой, Анна Каренина]*

Аслиятда ифода этилган фикрнинг услубий бетараф баёнини талқин этишда баъзан мумтоз назмда дабдабали оҳанг яратиш учун ишлатиладиган тожикча сўзлардан асоссиз фойдаланиш ҳоллари учраб туради. Бу эса муал-

лиф баёни меъерини бузибгина колмай, хатто, маънонинг нотўғри талкинига ҳам олиб келади. Қуйидаги мисоллар таржимасида фойдаланилиши лозим бўлган «уйку», «уйғоклик», «оғиз (лаб)» ўрнида қўлланилган баландпарвоз «хоб», «бедорлик», «дахан» сўзлари нуткий ифоданинг услубий бетараф баёни меъерини бузиш билан бирга ўзбек тили софлигига ҳам путур етказган бўлса, «оят», «жунбуш» каби сўзлар бундай камчиликлардан ташқари яна назарда тутилган «гап», «хаяжон» сингари сўзлар маъноларини адекват акс эттира олмайди ҳам:

1. *I have tried him sleeping and walking, but neither sounds, nor language seem to touch his soul— Я пробовал подействовать на него и на спящего и на бодрствующего, но, повидимому, на него не влияют ни звуки, ни слова – мен хобида ҳам, бедорлигида ҳам таъсир этишига уриниб кўрдим, лекин унга на сўз, на оят таъсир қилди . [J.F. Cooper, The Last of the Mohicans]*

2. *Outside, he could see, as he stood wiping his chin, the car and the excited crowd – Стоя у окна и вытирая подбородок, он видел свой вагон и возбужденную толпу – Герствуд дераза олдиди даханини артаркан, вагони билан жунбушига келган оломонни кўриб турарди – [T.Dreiser, Sister Carrie].*

Ўзбек тилига ўзлашиб кетган сўзларнинг кўпчилиги тожик тилидан кириб келган. Мазкур сўзлар ўзлашиш жараёнида на шаклий ўзгаришига учраганлар, ва тил анъанасининг бузилишига юз тутганлар. Кўпчилик ўзбекларнинг тожик тилидан хабардорлиги ҳам бунга йўл қўймаган. Шунинг учун ҳам ўзбек тили луғат таркибидан ўрин олган тожикча келиб чиқишли сўзлардаги бирорта товушнинг нотўғри талаффуз этилиши, сўз ясовчи ҳамда маъно ўзгартирувчи унсурларнинг ноўрин танланиши, кўшма сўзлар компонентларининг тил анъанасига хилоф тарзда ўзаро бирикуви дарҳол кўзга ташлангани ҳолда, таржима тили маданиятининг бузилиши сифатида баҳоланади. Бинобарин, Э. Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!» асари таржимасида «stockyards» сўзининг (русча таржимада: бойня – ПО, 490) «кушхона»

ўрнига «кушхона» (АК, 306) тарзида берилиши зарурий маъно (мол суйила-диган жой, корхонани) яратишга ожизлик қилган.

«Хушомад» сўзи одатда «гўй» билан бирикиб мантикий асосланган «хушомадгўй» кўшма сўзини яратади. *И.С.Тургеневнинг «Арафа»* асари таржимасида «хушомад»га «воз» (бу «боз», яъни «ўйновчи» сўзининг бузук шакли бўлиб, ўзбек тилида баъзан у шу шаклида ҳам учрайди) сўзининг бирикиши тил анъанасига хилоф бўлиб, компонентларнинг мантикий асоссиз бирикувини ташкил этгани учун аслиятнинг маъносини акс эттира олмаган:

*Пели мы, сударь мой, пели – ну и скучно мне стало; вижу я: дело не-ладно, нежности много. Я и начал дразнить обоих. // Афандим, биз роса ашула айтдик, лекин мен зерикиб қолдим; қарасам, иш чаппа, хушомад-возлик кўпайиб боряпти. Мен ҳар иккисини ҳам мазах қила бошладим. [И. С. Тургенев, Накануне]*

Таржимонларнинг айрим бирликларга янги, уларга хос бўлмаган маънолар юклашга ҳаракат қилишлари аксарият ҳолларда ўзини окламайди. Чунки муайян бирликнинг янги маъно ёки маъно белгиси касб этиши алоҳида бир шахсининг (таржимоннинг) хоҳиш ва ҳаракатига боғлиқ бўлмасдан, бу нарса ҳаёт эҳтиёжи маҳсули сифатида содир бўлиб, тил жамоаси тажрибасида маълум давр мобайнида синалишни тақоза қилади. русча «белоручка» сўзининг ўзбекча «оқбилак» эквиваленти эҳтиёж туфайли русча сўз таъсирида пайдо бўлиб, ўзининг шу маъносида тилнинг луғат таркибидан мустахкам ўрин олган. У ўзининг тилда мавжуд «арзанда», «танноз» синонимларидан камровининг кенглиги билан фарқ қилади. «танноз» асосан хотин-қизларга нисбатан ишлатилса, «арзанда» бўлмаган, яъни мураббийлари томонидан кўлини совуқ сувга урдирмай парваришланган шахслар ҳам «оқбилак», яъни ишёқмас бўлишлари мумкин. Демак, айти сўзда таннозлик ҳам, арзандалик ҳам, тараллабедод қилиб юрувчилик маъноси ҳам, ишёқмаслик ҳам мужассам. Бинобарин, *Н.А.Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди?»* асари персонажи «(мы) не белоручки нежные» (КРЖХ, 55) деган экан, «оқбилак» (Биз-

окбилақлар эмас – РКЯЯ, 33) сўзи муаллифи кўзда тутган маънони тўла ифодалаган. Аммо баъзи таржимонларнинг мавжуд имкониялардан фойдаланмасдан, «белоручка» маъносини «оксеуяк» сўзига сингдиришга уринишлари ижобий натижа бермаган. «Оксеуяк» сўзи бегона нутқий шароитга бўйсунмагани холда, ўзининг луғавий маъносини сақлаб қолаверган, оқибатда, ишқмаслар таржимада зодагонларга айланиб қолган.

«Қироат» куръоннинг қорилар томонидан тўғри талаффуз ва оҳанг билан асосан овоз чиқариб ўқилишини билдирса, бадий ижод намуналарининг чиройли оҳанг билан овоз чиқарилиб ўқилиши «ифодали ўқиш» бўлса, овоз чиқармасдан ўқиб-ўрганиб ўқилиши «мутолаа қилиш» дир. Бинобарин, «Сарсонлик-саргардонликда» (А. Толстой) романи персонажи Бессонов анча пайт Гёте асарларини ўқиб ўтирган экан, у қироат қилмаган, хатто, асарни ифодали тарзда ўқиб ўтирмаган ҳам, балки мутолаа қилган, яъни «мутолаа уни ҳаяжонлантирган ва гайратини кўзгаган» эди:

*Освеженный после завтрака сном, он долго читал Гёте, и чтение возбудило его и взволновало . // Нонуштадан кейин бир оз ухлаб, ўзини анча енгил сезгач, анчагача Гётени ўқиб ўтирди, қироат уни ҳаяжонлантирган ва гайратини кўзгаган.[А. Толстой, Хождение по мукам]*

Намоз ўқиб, тоат-ибодат қилиб юрадиган мўмин-мусулмон кишилар доим таҳоратда бўладилар. Улар бўшаниб, енгиллашиб олганларида эса таҳоратлари «синади», яъни бузилади. Шунга нисбатан бериб улар «бўшанмок», «енгиллашмоқ»ни кўпроқ эвфемистик тарзда «таҳорат ушатмоқ» дейишади. Бу хол таҳорату намоз-ниёз билан иши бўлмаган одамлар нутқида пардала қилиб кўпроқ «ёзилмоқ» сўзи ёрдамида ифода этилади. Бинобарин, ушбу мисол таржимасида русча «оправиться» сўзининг зарурий «ёзилмоқ» сўзи орқали ўгирилмасдан, «таҳорат ушатмоқ» тарзида берилиши А. Толстой («Сарсонлик-саргардонликда») персонажини тоат-ибодатни қанда қилмайдиган мусулмонга айлантириб қуйган.

## 2.2 Инглиз рус ва турк тилларидан таржимада

### нутқ маданиятининг ифодаланиши

Лексик бирликлар инглиз ва рус тилларида моддий-луғавий маъноларидан ташқари қатор матний ҳолатларда жамлаш, умумлаштириш, тўдалик, таъкид, жадаллик каби кўпгина маъно белгиларини ифода этиб, белги ва ҳаракат маъноларини кучайтириб, баъзан эса образли ҳамда ҳиссий-таъсирчан вазифани ўтаб келганларида, қатор ҳолларда ўзбек тилига жуфт сўзлар ёрдамида таржима қилинадилар. Масалан, «*health*» - «*здравие*» бирликларининг луғавий маънолари «*соғлик*», «*сиҳатлик*», «*саломатлик*», «*омонлик*» бўлиб, улар айрим матний ҳолатларда умумлаштириш маъно белгиларини касб этганларида, уларнинг вазифаларини ақс эттириш учун юқоридаги сўзларнинг бирортасига ҳам мурожаат қилиб бўлмайди. Жумладан, «*соғ(лик)*», «*саломат(лик)*» сўзлари ҳақида гап кетадиган бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида қўлланилганда, инсоннинг айни пайтда хаста эмаслиги каби ҳолатини ақс эттиради. Ваҳоланки, куйидаги лавҳада герцог (*Шекспир* «*Вероналик икки йигит*») Валентинга отасининг хаста эмаслигининггина эмас, балки унинг бардам-бақувват, шод-хуррам турмуш кечириб юборганлигини хабар қилар экан, бундай умумлаштирилган маънони синонимик компонентлардан иборат «*соғ-саломат*» жуфт сўзи тўла ифода этади:

*Sir Valentine your father's in good health. // Отаец ваши в добром здравьи, синьор Валентин. // Омангиз соғ-саломатлар, синьор Валентин. [W.Shakespeare, The Two Gentlemen of Verona]*

Умумлашма маънони жуфт сўзлар воситасида ифода этишда «*Жуфт сўзлар компонентлари жиҳатидан чегараланмаган ва ҳар қандай сўз уйғунлашиши йўли билан жуфт сўзга айланиши мумкин*» деган фикрга қоида сифатида қарамасдан, аксарият ҳолларда тил анъанасига амал қилиш таржима тили маданиятининг аслиятдаги даражадаги талқинига тўла имкон яратади. Масалан, «*таниши*» сўз фақат «*билиши*» ва «*паниши*» (таниш-билиш, таниш-паниш) компонентлари билангина бирика олса, «*маза*» фақат «*матра*» га бириккани ҳолда, маданий нутқда, ҳатто, энг оҳангдоши бўлмиш «*паза*» га ҳам

кўшила олмайди. Нутки адабий тил меъёрлари асосида силликланган, тил эстетикасини хис эта оладиган киши бемаза таомни ёки бирор кишининг «тузсиз» гапини «маза-тазаси йўқ» дан кўра «маза-матраси йўқ», дейишни хуш кўради. Юқоридаги тезисга амал қилинадиган бўлса, «таниши» сўзи «каниши», «саниши», «чаниши» сўзларига ҳам бирика олишлари керак. Аммо бунга тил анъанаси, нутқ маданияти йўл кўя олмайди. Шунга кўра, «тикиши» сўзи жонли адабий нутқда кўпроқ «санчиши» (тикиши-санчиши) сўзи билан бирикиб, тикишга алоқадор ишларни бажаришини англатади. Бинобарин, Т.Драйзернинг «Бахтиқаро Керри» романи таржимасида фойдаланилган «тикиши-чатиши» бирикмаси зўрма-зўракилик оқибатида юзага келгандай туюлади:

*Minnie was sewing by a lamp at the table. Hanson had already turned in for the night. // Минни сидела за столом и шила при свете лампы. Гансон уже лег в постель. // Мина стол олдидан тикиши-чатиши билан банд. Гансон ётиб қолганди – [T. Dreiser, Sister Carrie].*

Тил анъанасига амал қилиш жуфт сўзлар компонентларининг ўзаро бирикиши тартибига ҳам алоқадор бўлиб, қабул қилинган анъанавий тартибнинг бузилиши ҳам нутқ маданияти савиясининг пасайишига олиб келади. «Сўнгги могокан» (Ф. Купер) романи таржимасида ўзбек тилида «назар-эйтибор» шаклида мавжуд бўлган жуфт сўз компонентларининг ўрин алмаштириб, «эйтибор-назар» шаклида ишлатилиши ифодани табиий жанрлаш ҳуқуқидан маҳрум этган :

*...no opportunity had been furnished the travellers, to look upon the personage who now approached them. // До настоящего мгновения эта фигура выпала из поля зрения путешественников. // Шу дамгача бу зот саёҳатчиларимизнинг эйтибор-назарларидан четда қолган эди. [ J.F. Cooper, The Last of the Mohicans]*

Масалага жуфт сўзлар компонентлари маъно эйтибор билан асосан бир-бирларига яқин, ўзаро алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топади, деган нуқтаи назаридан ёндашсак, қуйидаги мисол таржимасида

жуфт сўз табиатини ўзида тўла мужассам этган «*ортиб-ошиб*» нинг ўрнига «*ортиб-тортиб*» бирикмасининг ишлатилиши тўдалик, кўплик маъно белгисини маданий, жонли нутққа хос тарзда ифода эта олмайди. Бу бирикмани ҳатто компонентларидан бири мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар гуруҳига ҳам кўшиб бўлмайди. Негаки, бундай гуруҳлар таркибларидаги ноўрин компонентларнинг ҳам асосий мазмунни ташувчи сўзларга бирикиб, маълум вазифалар ифодаси учун қўлланишлари тил соҳиблари тажрибаларида синалган:

*Oh there's going to be fish in plenty. // О, скоро у вас будет вдоволь рыбы. // О, бундан кейин балиқларингиз ортиб-тортиб ётади. [M. Twain, Joan of Arc]*

Иккала компоненти ҳам ёки компонентларидан бири мустақил маънога эга бўлган жуфт сўзларнинг мазмун ва вазифалари кўзга яққолроқ ташланиб туради, чунки уларнинг маъно ва вазифалари таркибларидаги компонентларининг моддий-манتيкий маъноларига асосланган бўлади. Иккала компоненти ҳам мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар маъно ва вазифалари эса, хусусан, ўзга тиллар соҳиблари кўзларига бирдан ташланмайди. Бу бирликлар маъно ва вазифаларни аниқлаш матний ҳолат таҳлили ҳамда луғатларга мурожаат қилиш асосида амалга оширилади. Аммо айти бирликлар мансуб бўлган тил соҳиблари ўз лафзларига оид тил бирликлари маъно ва вазифаларини махсус ўрганиб ўтирмайдилар. Бу гаплар ўз тилига асар таржима қилаётган санъаткорларга ҳам алоқадордир. Бирок аслият ижодкорлари фаолиятида ҳам, таржимонлар амалиётида ҳам она тили бирликларини ўз ўрнида қўллай олмаслик ҳоллари учраб туради. Масалан, «*така-пука*» жуфт сўзи «*юрак*» билан бирикканда инсоннинг рухан нотинч ахволга тушганлигини англатади (юраги така-пука бўлди). Аммо бу сўз «*юрак*» га бирикмаганда ҳеч бир маъно англатмайди, бинобарин, алоҳида ўзи нутқда ишлатилмайди. Шу туфайли қуйида унинг ўзига хос бўлмаган шароитда «*талофат*», «*ташвиш*» тушунчалари ифодаси учун қўлланилиши зўрма-зўракилик махсули сифатида кўзга ташланади:

*Иван Ильич понял, что казаки непременно должны пробраться оврагом поглубже – атоковать окопы с тылу и батарею с фланга и наделать неприятностей. // Иван Ильич казакларнинг жарнинг энг чуқур еридан юриб, окопларга орқа томондан, батареяга эса ён томондан хужум қилиб, така-пука қилмоқчи эканликларини фаҳмлаб қолди. [А. Толстой, Хождение по мукам]*

Таржима амалиётида гоҳо лексик бирликлар жуфт сўзлар ифода этишлари мумкин бўлган кўшимча маъно белгиларини акс эттирмасдан, бевосита ўзларининг муайян лексик маъноларида қўлланилганларида ҳам уларни жуфт сўзлар воситасида ўгириш ҳоллари учраб турадики, балки гоҳо аслиятда акс этган маънонинг нотўғри талқинига ҳам олиб келади. Масалан, «Ёш гвардия» (А. Фадеев) романи таржимасида «фаолият», «ҳаракат» каби луғавий маънолари воситасида ўгирилиши лозим бўлган «деятельность» сўзи асарнинг ўнлаб ўринларида «хатти-ҳаракат» жуфт сўзи воситасида таржима қилинган. Натижада аксарият ифодалар салбий маъно белгиси касб этиб, муаллиф фикрига номувофик, тасвирга мантиқан зид ифодалар юзага келган. Чунки «деятельность» сўзи табиатдан кўпроқ ижобий маъно белгилли фикрни акс эттирса, «хатти-ҳаракат»нинг маъноси салбийдир. Бинобарин, қуйидаги мисол таржимасида Иван Федоровичнинг олижаноб иши акс мазмун касб этиб қолган:

*Иван Феодорович переключал деятельность всех подпольных райкомов области на диверсии. // Иван Фёдорович областдаги ҳамма яширин райкомларнинг хатти-ҳаракатларини диверсия ишларига буриб юборган эди. [А. А. Фадеев, Молодая гвардия]*

Жуфт сўзлар вазифалари инглиз ва рус тилларида ҳар доим лексик бирликлар ёрдамида эмас, балки, гоҳида маъно жиҳатидан бир-бирларига алоқадор компонентлардан ташкил топган «safe and sound» - «цельй и невридимый» туридаги турғун сўз бирикмалари орқали ҳам ифода этилади. Руслар астойдил жон куйдириб гапирган одамни турғун бирикма иштирокида «Он говорил горячо и страстно» (М. Горький Фома Гордеев ,

319) десалар, ўзбеклар жуфт сўз ёрдамида «У куйиб-пишиб гапирди» (Фома Гордеев, 223) дейдилар. Келтирилган «safe and sound» - «целый и невредимый» бирликларининг муқобил вариантлари эса ўзбек тилида «соғ-саломат» дир:

*Увидев Павлика целым и невредимым, тётя бросилась к нему. // Холаси Павликнинг соғ-саломатлигини кўриб, ўзини унга ташилади. [В. Катаев, Белеет парус одинокий]*

Баъзан таржимонлар ўз амалий фаолиятларида фикрни янада аниқроқ ва ўзига хос тарзда ифода этиш мақсадида мавжуд қоидалар асосида ўзлари жуфт сўзлар ясайдилар. Бирок бундай сўзларнинг ҳаммаси ҳам табиий жангликларга бўлмайди. Масалан, «Сўнгги могокан» (Ф. Купер) романи таржимасида «аниқ-тиник», «рўйи-рост» жуфт сўзларига синоним тарқасида ясалган «аниқ-тиник» бирикмаси ўзининг жуфт сўзлар ясалиши қоида талабига тўла жавоб бериши туфайли табиий эшитилади. Компонентларининг бир-бирлари билан оҳангдошлиги ва мазмун эътибори билан ўзаро алоқадорлиги бирикмага жуфт сўзларга хос маъно ва вазифани ифодалаш имкониятини берган:

*Amid the jargon of the Indian dialects that he now plainly heard, it was easy to distinguish not only words, but sentences in the patois of Canadas. // Майор яқно различал говор индейцев; он слышал не только отдельные слова, но и целые фразы, произнесенные на канадском жаргоне, в основу которого положен французский язык. // Майор ҳиндларнинг гапларини аниқ-тиник эшитиб турарди: у айрим сўзларнигина эмас, асосида француз тили ётган канадалиқлар лаҳжасида янграётган ибора ҳамда бутун бошли жумлаларни ҳам эшитиб, тушуниб турарди. [J.F. Cooper, The Last of the Mohicans]*

Бирок «Алвидо, қурол!» (Э. Хемингуэй) романи таржимасида яратилган «аниқ-тиник» бирикмаси аслиятда акс этган тушунчани нутқ маданияти йўл қўя оладиган даражада ифода этадиган восита эмас. Бирикманинг иккинчи

компоненти бўлмиш «*тиниқ*» сунъий оҳангдошликнигина юзага келтирган. У ҳеч қандай маъно англатмаслиги туфайли, биринчи компонентга маънодошлик муносабатида эмас:

*I walked toward it, seeing it very clearly . // Я шел прямо к дому, ясно видя его перед собой . // Мен рўнарамада аниқ-таниқ кўриниб турган уйга томон бордим. [E.Hemingway, A Farewell to Arms]*

Таржима жараёнида такрорий сўзларни ҳам тўғри танлаш, тасодифий такрорларга йўл қўймаган ҳолда, тилда турғун хусусият касб этганларидагина фойдаланиш таржиманинг маъно ва вазифа жиҳатларидан тўқислигини таъминлаш билан бирга оҳанг табиийлигини ҳам юзага келтиради. Қаттиқ ва давомли кулиш ўзбек тилида «*қотиб-қотиб*» такрорий сўзи воситасида ифода этилади.

Шу функция «*ичаги узулгидай бўлиб кулмоқ*» бирикмаси орқали ҳам баён этилади, аммо ҳеч ким «*Сарсонлик-саргардонликда*» романидан келтирилган ушбу мисол таржимасидагидек «*ичаги узила-узила*» кулмайди.

*Даша вернулась домой только под утро и еще долго рассказывала Ивану Ильичу, он, босиком, в накинутой шинели сидя на кровати, хохотал до слёз. // Даша танготарда уйга кайтди ва анчагача Иван Ильичга гапириб ўтирди; оёқяланг, елкасига шинель ташлаб, кроватда ўтирган Иван Ильич ичаги узила-узила кулди. [А. Толстой, Хождение по мукам]*

Синонимик бирликларнинг камров имкониятларини, ихтисослашиш хусусиятларини ҳисобга олмасдан, уларнинг луғатда берилган таржима вариантларидан тўғри келганини қўллайвериш ҳам таржима тили маданий савиясига путур етказиши мумкин. Чунки таввакал билан қилинган иш камдан-кам тўғри натижа беради. Инглизча «*unassuming*» ва русча «*скромный*» сўзлари «*инглизча-русча-ўзбекча луғат*»га мувофик ўзбек тилига «*одми*», «*оддий*» деб таржима қилинади. Аммо у бу икки сўз кўпчилик контекстларда бир-бирининг ўрнини алмаштира олмайди. «*Одми*» асосан гап кийим ҳақида кетганда қўлланилса, гап, масалан, ресторан ҳақида борганда «*оддий*»

сўзидан фойдаланилади. Демак, Керри куйидаги мисол таржимасида келтирилганидек, овқатланиш учун «одмироқ» эмас, балки «оддийроқ» бир ресторанга кирган экан:

*High noon came, and with it hunger. She hunted out an unassuming restaurant and entered. // Настал полдень, а с ним пришел и голод. Выбрав скромный ресторан, Керри вошла. // Туш пайти бўлди, қорни ҳам очди. Керри одмироқ бир ресторанини таплаб ичкарига кирди. [T. Dreiser, Sister Carrie]*

Ахён-ахёнда таржима амалиётида ҳозирги замон лугат таркибида мавжуд сўзларга маънодош бўлмаган лисоний воситалардан шу сўзлар ўрнида фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб турадики, бу сўзсиз матннинг нутк маданияти даражасида равон жаранглашига ҳалал беради. Масалан, «Сўнгги могиқан» (Ф. Купер) романи таржимасида «илло» сўзи «аммо», «бироқ» сўзлари ўрнида, яъни инглизча «but», «yet» ва русча «но» боғловчилари маъносида жуда кўп учрайди. Бу матннинг табиий ва маданий жарангдорлигига путур етказибгина қолмасдан, унинг тушунилишини ҳам мушкуллаштиради. Чунки «илло» сўзи бир вақтлар араб тилининг таъсири натижасида даб-дабали услуб компоненти сифатида нутқда қўлланилиб, кейинчалик сақлаб қолинишига ҳеч қандай эҳтиёж қолмаганлиги туфайли тилдан ўз-ўзидан тушиб кетган, мутлақо унутиб юборилганлиги оқибатида лугатларда акс этмаган сўздирки, таржимоннинг бу сўзни янгидан тирилтириш йўлидаги ҳаракатлари беҳуда уриниш бўлиб қола беради:

*I have been on many a chocking field, and have followed a trail of blood for weary miles, but never have I found the hand of the devil so plain as it is pure to be seen. // Я бывал на многих полях битвы, мне приходилось идти по кровавому следу в продолжение долгих часов, но я нигде не видел так ясно руки дьявола, как она видна здесь. // Мен кўплаб жанг майдонида бўлганман, қонли излардан соатлаб йўл босишимга тўғри келган, илло ҳеч қачон, ҳеч ерда иблиснинг қаттол панжаларини, шу ердагичалик очиқ-ошкор қурмаганман. [J.F. Cooper, The Last of the Mohicans]*

Таржимада умумхалқ адабий тили имкониятларидан тўғри фойдаланмасдан, бирликларнинг маданий нутқ учун меъёр ҳисобланадиган шакл ва маъноларни эътибордан соқит қилган ҳолда, ҳар хил номеъёрий шакллارга, хусусан шева унсурларига мурожаат қилиш таржима тили софлигига, унинг маданий-табиий жарангдорлигига путур етказишдан ташқари, баъзан муаллиф кўзда тутган фикрнинг кенг жамоатчиликка тушунарли бўлмай, фақат айни бирлик мансуб бўлган шева соҳибларигагина етиб боришини таъминлайди. Жумладан, Фарғона водийси гуруҳ шеваларида «ўйнаб келмоқ» бирикмаси адабий тилнинг доимий воситаси бўлмиш «саёҳат қилмоқ» ўрнида қўлланилади. «Бахтиқаро Керри» (Т. Драйзер) романи таржимасида эса адабий тил воситасидан фойдаланмасдан, шева унсурига мурожаат қилиш кенг китобхон оммасида ўзгача тасаввур ҳосил қилган:

*On one occasion recently a local aldermanic junket had been arranged to visit Philadelphia-junket that was to last ten days. Hurstwood had been invited. // Однажды группа членов муниципалитета задумала устроить прогулку дней на десять, и Герствуду предложили присоединиться к ним. // Бир кун муниципалитет аъзоларидан бир гуруҳи ўйнаб келиш учун ўн кунга бир ёкка кетаётганларида Герствудни ҳам бирга бўлинг, деб таклиф қилишганди. [T.Dreiser, Sister Carrie]*

Кейинги пайтларда бадиий асарлар таржималарида Тошкент шеваси унсурлари кўпроқ кўзга ташланадиган бўлиб қолмоқда. Маугли (Р. Киплинг, «Маугли») бўри оғаларига оғзаки нутқка хос иктисод тамойили асосида адабий шаклда: «Back!back and wait! Man does not eat man! » (М, 90) деб хитоб қилган экан, рус таржимони танлаган воситалар ҳам аслият шаклига айнан мос келади: «Назад! Назад! Стойте! Человек не ест человека!» (М, 98). Аммо ўзбек таржимонининг қаҳрамон фикрига вазифавий мос адабий нутқ компонентлари бўлмиш «Орқаларингга қайтинглар!», «Тўхтанглар!» Сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланмасдан, Тошкент шевасига хос «Орқанга қайтларинг!», «Тўхталаринг!» каби воситаларга мурожаат қилиши ифодани адабий-маданий шаклдан маҳрум этган:

*«Қайт орқангга! Орқангга қайтларинг! Тўхталаринг! Ҳеч вақт одам ҳам одамни ейдими!»* / R. Kipling, *The Complete Mowgli of the Jungle Book Stories*/

Тошкент шеvasига мувофик «х» товуши қатор ҳолларда «ҳ» га, ёки аксинча, «ҳ» товуши «х» га ўтади (қиёсланг: нусха-нусха, мархабо-мархабо). Бу ҳол нуткнинг адабий-маданий савиясига путур етказиши билан бирга, баъзан бирликнинг мутлақо ўзгача маъно касб этишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, қуйида «хуш»нинг «хуш»га айланиб қолиши персонажнинг ҳафсаласи, жазми ҳақида бораётган гапни «*бехуш бўлмаган ҳолат*» тарзида талқин этган.

Тил этикаси тил ва нутқ маданияти масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, таржима тилининг бу хусусиятига аҳамият бермаслик ҳам таржима сифатини пасайтиради. Халқимиз тананинг бирор ери синганда суякларни жой-жойига териб, тахтакачлаб боғлаб қўядиган ёки чиқиб кетганда, уни ўрнига соладиган юкори дидли, укувли халқ табобат вакилларини азалдан ҳурмат қилиб, «*табиблар*» деб атаб келган. Аммо А. М. Горькийнинг «*Болалик*» асарида бу сўзнинг «*синиқчи*» га айланиб қолиши «*чегачи*», «*пахсачи*» каби хунари юкори санъат даражасига кўтарилмаган кишилар тоифасидаги бир шахсни эслатади. Русча «*костоправ (ка)*» сўзи «*табиб*» тушунчасини ва-зифавий англатадики, мавжуд имкониятдан фойдаланмасдан, уни хижжалаб ўгириш йўли билан янги сўз «*кашф*» этишнинг ҳожати йўқ эди. «*Русча-Ўзбекча лугат*» да «*костоправ*» сўзининг «*синиқчи*» тарзида берилиши лексикографларимизнинг ҳам ноўрин, баъзан харфхўр таржимонларни чалғитадиган «*кашфиёти*» бўлиб, бундай сўзнинг ўзбек тили лугат таркибида учрамсалигини мавжуд имло ва «*ўзбекча-русча*» икки тилли лугатлар ҳам тасдиқлайди:

*За костоправкой я послал, - ты потерпи! – сказал дед, присаживаясь к ней на постель. // Синиқчига одам юбордим, бир пас тишингни тишингга қўйиб тур! – деди бобом бувимнинг ёнига ўтирар экан. [А.М.Горький Детство]*

Танглаган сўз шаклининг китобхонларга бошқа бир оҳангдош сўзни эслатиши тўғриси зарурий маъно ва услубий таъсирчанликнинг юзага келмай қолиши ҳолатини В. Катаевнинг «Полқ ўғли» асари таржимасида ҳам кузатамиз. Таржимадаги «оғайничалиши» сўзи салбий маънога эга «занчалиши», «хотинчалиши» сўзларини эслатади, яъни. айти сўзлар таркибидаги «чалиши» кўшимчаси бирликларга салбий маъно белгиси бахш этувчи восита сифатида идрок этилади. Бу ҳол ижобий муносабатни англатувчи «друг милый» бирикмасининг «оғайничалиши» тарзида талқин этилишига йўл қўймайди:

*Ай, пастушок! Ай, друг милый! Такого знаменитого разведчика обдурил. Это же надо уметь // Оббо, чупон бола-эй! Оббо, огайничалиши-эй! Шундай мана-ман деган разведкачини лақиллатибсан-да. Бу ҳар кимнинг қўлидан келвермайди. [В. П. Катаев, Сын Полка]*

Баъзан қрдошхеч қандай таржимага мухтож бўлмаган, таржима қилинганда ҳам луғавий-лексик эквивалентлари орқали амалга оширилиши мумкин ва лозим бўлган бирикмаларни ҳар хил тасодифий, ясама воситалар ёрдамида ўгириш орқали нутқнинг маданий ва табиий оҳангини йўққа чиқариш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, оғир пайтларда худога илтижо қилиш, ундан нажот тилаш, унинг номи билан кўркитиш, инсоф ва диёнатга чақириш оқибатида ҳар қайси тилда ўнлаб тил бирликлари пайдо бўлганки, уларнинг ҳозирги вазифалари асосан ҳис-ҳаяжон ифодаси, қасам ва ҳар хил истак ва туйғулардан иборат бўлиб, улар шу вазифаларида барча тоифа одамлар нутқида қўлланилавердилар. Шунга кўра, русча «бог знает», «слава богу» бирликларининг ўзбек тилига «худо билади», «худога шукур» дан ташқари яна «ким билади», «хайрият» ёки ўзбекча «худо ҳақи» бирлигининг «ей-богу» дан ташқари «честное слово» бирликлари воситасида ўгирилиши вазифавий адекватликни юзага келтиради. Рашид Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романида қўлланилган «inʃallah» бирлиги ҳам истак ифодаси учун ишлатилган лисоний восита бўлиб, унинг вазифаси ўзбек тилида асосан «иншооллоҳ», «худо ҳохласа», «насиб қилса», «ё насиб» каби тил бирликлари

ёрдамида ифода этилади. Лекин бу туркча бирликнинг ўзбек адабий тили учун ғайритабий бўлган «худо насиб буюрса», «худо буюрса» бирикмалари орқали ўгирилиши таржима тилининг соф ўзбеккона жаранглашини юзага келтира олмаган:

1. *Onlari inşallah bir gün size çalarım. // Худо насиб буюрса, шуларни сизга бир кун чалиб бераман.*

2. *Bizim evde bir dolap var. İnşallah, hıncırı yaramazlık ettiği zaman ben de onun içine karatayım, diyor. // Бизникида ҳам сандиқ бор, биттамитиз шўхлик қилди дегунча, худо буюрса, мен ҳам энди сандиққа соламан, дейди.[R. N.Güntekin Çalikuşu]*

Бир томондан олиб караганда, нутқ маданияти адабий тил меъёрлари сифатида қараладиган барча ҳолатлардан санъаткорона ва ўринли фойдаланишни талаб қилар экан, унинг ажралмас қисми бўлмиш таржима тили маданияти ҳам барча лексик-стилистик воситаларнинг аслиятдаги даражада табиий ва жозибадор жаранглашини тақозо этади.

Таржима жараёнида икки тил бирликларининг луғавий эквивалентлигига ёпишиб олмасдан, уларнинг қамровларидаги тафовутни ҳисобга олган ҳолда, асосан вазифавий уйғунлик ҳақида ўйлаш зарурати туғилади.

Бирликларнинг янги маъно ва вазифалари муайян шахснинг хоҳиш ва ҳаракати билан эмас, балки ҳаёт эҳтиёжи сифатида тил жамоаси тажрибаси асосида пайдо бўлар экан, айрим таржимонларнинг бирликларга янги, уларга хос бўлмаган маъно ва вазифалар юклашга ҳаракат қилишлари аксарият ҳолларда муваффақиятсизликка олиб келади.

Ҳар қандай компонентлар уйғунлиги жуфт сўзларни ташкил этавермаслиги туфайли, сўзларнинг тил анъанасига асосланмаган тарзда тасодифий жуфтлашиши таржима тили маданияти учун бадҳазм бўлгани ҳолда, жуфт сўзлар ифода этиши мумкин бўлган маъно ва вазифаларни акс эттира олмайди.

Умумхалқ адабий тили имкониятларидан тўғри фойдаланмасдан, турлитуман номеъерий шаклларга, хусусан шева унсурларига мурожаат қилиш муаллиф назарда тутган фикрнинг ноадабий талкинига олиб келади.

Ҳар бир бадиий асар шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этади. Бу хусусиятнинг бадиий таржимада қайта яратилиши тўла-тўқис адекватликка эришишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Айрим таржимонлар фаолиятида кузатилганидек, мазмун биринчи ўринга қўйилиб, шаклга эътиборсизлик билан қараладиган бўлса, муаллиф услуби ҳамда персонажлар нутқлари тасвири тўлақонли чиқмайди. Таржима ҳамма вақт шакл ва мазмунни бир бутун ҳолда тиклашдек ижодий жараён бўлиб, у таржимондан аслиятнинг мазмун ва гоё бирлигини қайта яратиш билан бир қаторда унинг мувофиқ шаклини тиклашни ҳам талаб қилади.

Илмий ва танқидий адабиётда шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини таржимада қайта яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр кўп учрайди.

### 2.3 Маданиятлараро мулоқот ва таржима

Ижтимоий ҳаёт тез суръатлар билан ривожланиб борар экан, у ижодкор олдига янги – янги муаммоларни, жумладан, ижтимоий –сиёсий ҳодисаларни бадиий акс эттириш вазифасини қўяди.

Ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг бундай ўзаро алоқадорлиги, шубҳасиз, турли маданиятларнинг бир – бирини бойитиши учун имкон яратади. Бу борада бадиий таржиманинг улуши бекиёсдир.

Маданиятлараро мулоқот жараёнини юзага келтирадиган воситалардан бири таржимачилик фаолияти ҳисобланадики, у туфайли ўзга миллат адабиётига кириб борган бадиий ёдгорлик халқларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигиги мутаҳкамлаш билан бирга мазкур адабиётни шакл, жанр ва услуб жиҳатларидан ранг – баранглаштиради, у масуб бўлган тил луғат таркибини такомиллаштириб, унинг ифода имкониятини кенгайтиради.

Биз куйидаги бадиий ижод таркибида маданиятлараро мулоқот кўриниши сифатида намоён бўладиган таржима ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Миллий хусусиятли лисоний воситалар сирасига одамлар исмлари ҳам кирадики, уларнинг қайси миллатга мансублиги талаффуздан кўзга ташланиб туради. Бундай номлар бир тилдан иккинчи тилга асосан транслитерация усулида талкин этилади. Транслитерация аслият мансуб бўлган халққа оид миллий хусусиятли номнинг таржима тили соҳибларига хос хусусиятли номлар билан алмаштириб қўйилиши хавфини баргараф этади. Чунончи, ҳар бир номнинг қайси халққа мансублигини унинг талаффуздан билиниб туради. Бир хил негизга эга бўлган «Николай» ва «Микола» каби исмларнинг биринчиси рус халқига, иккинчиси украинларга мансублигини талаффуздан англаб олиш мумкин. Ўзбеклар халқи орасида «Карим» шаклида учрайдиган номни туркман ва қрим татар халқларилари ўз тил хусусиятидан келиб чиқиб «Керим» сифатида талаффуз этадилар. Ўзбекча «Абдулла» эса, қозон татарлари нутқида «Ғабдулла» шаклида учрайди. Таржима жараёнида келтирилган номларнинг бирини иккинчиси билан алмаштириб қўйиш китобхон тасаввурини чалғитгани ҳолда, бир халқ вакилини ўзга халқ фарзанди сифатида тасвирланишига олиб келади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилганда, Тошкент кўчаларидан бирига берилган номнинг «Абдулла Тўқаев» шаклида ёзилиши унчалик тўғри фикр бўлмаган эди, сабаби тилга олинган татар шоири Абдулла эмас, балки Ғабдулла Тўқаев ҳисобланади. Бугунги кунда бу кўча Марказий майдон мажмуасига қўшиб юборилган. Инглизча номлар ҳақида гап борар экан, таржима жараёнида улар ҳам асосан транслитерация ҳам транскрипция усуллари воситасида талкин этиладики, натижада уларни эшитган ёки ўқиган китобхон кўз олдида дарҳол инглиз халқи вакили намоён бўлади. Инглизча «John» ни русчага «Иван», «Nicholas» ни «Николай». «Michael» ни «Михаил» тарзида талкин этиш эса инглиз халқига мансуб кишиларни рус халқи вакиллари билан алмаштиришга олиб келган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Чарльз Диккенснинг «Nicholas Nickelby»

романи номи рус ва ўзбек тилларига транслитерация йўли билан «Николас Никелби» тарзида адекват талкин этилган. Бинобарин, Питера Абрахамснинг «Қабрдаги гулчамбар» асари персонажи номи бўлмиш «Michael» нинг таржимада транскрипция йўли билан «Майкл» (бу ерда транслитерация усулидан фойдаланиш асар персонажи номини руслаштириб (Михаил) қўйишга олиб келган бўларди) тарзида берилиши ҳам айни муддао бўлган.

Баъзан аслият тилида мавжуд бўлган айрим харфларнинг таржима тилида мавжуд бўлмаслиги ёки аслият тили харфларининг таржима тилида ўзгача талаффуз этилиши ҳам мумкинки, бу ҳол транслитерация йўли билан талкин этилган номнинг талаффузда аслиятдаги номдан кескин фарк қилиб қолишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли тажрибали санъаткорлар кишилар номларини ҳамма вақт ҳам кўр – кўрона транслитерация қилавермасдан, уларнинг таржима тилида ўқилиш, талаффуз қилиниш жихаталарига ҳам эътибор берадиларки, натижада транслитерация билан транскрипция ўзаро қоришиб кетади.

Бадиий ижод вакиллари баъзан ўз персонажларини шундай номлар билан атайдиларки, бу номлар ўша персонажлари хусусиятини ўзида мужассамлаштиргани сабабли улар « гапирувчи номлар» деб аталади. Бундай муайян услубий мақсадни ифода этадиган номларни талқин этиш масаласи амалий жихатдан ҳам, назарий жихатдан ҳам ҳалигача дуруст ҳал этилган эмас. Чунончи, турли тилларга қилинган таржималарда Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи персонажи номи Тантибойвачча ҳам, А.Қаххорнинг «Тобутдан товуш» комедияси қаҳрамони Заргаров ҳам С.Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» қиссаси қаҳрамони номи Қоришқамба ҳам Н.В.Гоголнинг «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» асарлари персонажлари номлари Хлестаков, Держиморда ва Собаке –вичлар ҳам, Шекспирнинг «Отелло» фожеаси қаҳрамони Фортеbras ҳам шахсларни аташдан ташқари яна уларнинг ҳулқ – атворини, ҳислат-хусусиятини, лаёқатини тасвирлашдек қўшимча вазифаларни ҳам ифода этадиларки, асарлар таржималарида мазкур номларнинг доим транслитерация

усулида талқин этилиши муаллифлар истаганининг рўёбга чиқишига йўл қўймаган.

Қўшимча вазифали номларни таржима амалиётининг у ёки бу усули ёрдамида талқин этиш лозим, деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Бу масала, бизнинг назаримизда, нутқий вазият талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим.

Умуминсоний хусусиятга эга бўлиб, турли халқлар маданиятида турлича талаффуз этиладиган пайғамбару малоикалар, азиз – авлиёлар, жину ажиналар, девлар каби диний – тарихий ва афсонавий шахслар ва ғайритабиий кучлар номларини таржимада талқин этиш ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, у ёки бу диний – тарихий ва афсонавий шахс ёки ғайритабиий куч номи ҳар хил халқлар вакиллари лафзида турлича талаффуз қилинади. Таржимон олдида аслиятда учраган бундай номни таржима тилида қабул қилинган мувофиқ варианты билан алмаштириш лозимми ёки одатдаги номлар сингари уни транслитерация ёки транскрипция усулида талқин этиш маъқулми, деган савол қўндаланг бўлиб турадики, бу саволга тўғри жавобни таржима амалиётини ўзи беради. Масалан, насронийлар пайғамбари номини инглизлар “Jesus” [dʒi:zɛs], руслар «Иисус», ўзбеклар «Исо», яҳудийлар пайғамбари номини инглизлар “Moses” [mouziz], руслар «Моисей», ўзбеклар «Мусо» тарзида талаффуз этадиларки, бу номлар бадиий нутқ таркибида учраганда, таржима амалиётининг транслитерация ёки траскрипция усулига мурожаат қилмасдан, уларнинг мазкур тилларда қабул қилинган анъанавий шаклларида фойдаланиш китобхон қўз олдида бирор юртдоши ёки миллатдошини эмас, балки назарда тутилган диний – тарихий ёки афсонавий шахсни жонлантиради.

Марк Твеннинг «Жанна д’Арк» романида “Michael” сўзи учрар экан, матний ҳолат мазкур бирликнинг асар персонажи номи эмаслигини, гап малоика «Мекоил» ҳақида бораётганини равшанлаштирадики, бу ҳол рус ва ўзбек таржимонларининг мазкур сўзни транскрипция воситасида «Майкл»

тарзида эмас, балки ўз тилларида мавжуд бўлган анъанавий шаклларида (Михаил, Мекоил) талкин этишларига имкон яратади:

*It was the voice of St. Michael. // Голос Архангеля Михаила.// У малоика Мекоилнинг овози эди. [M.Twain, Joan of Arc]*

Худди шундай ҳолат В.Ажаевнинг «Моквадан узоқда» романи персонажи лафзида қўлланилган «Соломон» сўзи талкинида ҳам кузатилади. Мазкур сўз бирор кишининг эмас, балки пайғамбар номи эканлиги сабабли таржимон одамлар номини таржимада бериш тамойилига амал қилмасдан, мазкур номнинг ўз тилида мавжуд бўлган шаклидан (Сулаймон) фойдаланган:

*— Соломоново решение, — согласился Либерман. — Мой котелок этого не сварил. // Сулаймон адолати, - деб Либерман ҳам қўшилди. Каллам шу ерга келганда хомлик қилиб қолди. [ В. Ажаев, Далеко от Москвы]*

Аслиятда тилга олинган айрим пайғамбару азиз- авлиёлар номларини, агар бундай диний – тарихий шахслар таржима тили соҳиблари маданиятида, эътиқолида, бинобарин, лафзида ҳам учрамаса, юқоридаги мисолларда фойдаланилган усулда талкин қилиб бўлмайди. Транслитерация усули эса муаллиф назарда тутган мақсадни китобхонга етказиб беришга ожизлик қилади. Масалага муаллиф тилга олган номни айнан ўзини эмас, балки шу ном орқали у айтмоқчи бўлган фикрни таржимада тиклаш зарурлиги ижодий таржиманинг асосий вазифаси эканлиги нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, ўзбек санъаткорининг қуйидаги мисол таржимасида аслиятда авлиё номи сифатида зикр этилган “Nicholas” ва унинг русча эквиваленти «Николай» (эътикод умумнасроийдир) ни вазифавий уйғун ифода яратиш йўлидан бориб, тасвирий усулда талкин этиши айни муддао бўлган:

*There; and Saint Nicholas be the speed! // Смотри. И да поможет тебя святой Николай! // Манна қара. Авлиёлар мададкор бўлсин! [W.Shakespeare, The Two Gentlemen of Verona]*

Исми «Илья» бўлган рус кишисига ўзбеклар шу тарзда мурожаат қилсалар, бу сўз Н.А.Некрасовнинг «Русияда Ким яхши яшайди» асарида

пайғамбар номи сифатида қўлланилганда, у ўзбек тили анъанасига мувофиқ «Илёс» шаклида адекват талкин этилган:

*Илья – пророк.// Илёс майгамбар [Н.А.Некрасов, Кому на Руси жить хорошо]*

Аммо пайғамбару азиз – авлиёлар номларининг таржимада берилиши масаласи В.Шекспирнинг «Отелло» фожеасидан келтирилган мисолда ўзининг тўғри ечимини топмаган. Диний китобларда тилга олинадиган диний – тарихий шахс Юнус пайғамбар номи турли эътикод соҳиблари лафзида ўзига хос тарзда талаффуз этилади. Мазкур номни инглизлар “Janus”, руслар «Янус» дейдилар. Талаффуздаги бундай тафовут баъзан муаллиф мақсадини пардалаб, таржима мушкулотини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, қуйидаги мусулмон оламида «Юнус» номи билан маълум ва машҳур диний – тарихий шахсни лисоний анъанага мос тарзда аталмаганлиги таржиманинг табиий жарангдорлигини вужудга келтира олмаган:

*By Janus, I think no ...// Свидетель Янус, кажется, что нет... // Йўқ, Януснинг ҳурматига қасам ичайки, бу келганлар улар эмас, тамом бошқаси ... [W. Shakespeare Othello]*

Диний ривоятлардан маълумки, Одамато ва Момоҳаво ўғли Қобил ўз укаси Ҳобилни қатл қилади (бу ер юзидаги биринчи одамқушлик эди), натижада унинг номи жинойткор, кушанда тимсоли сифатида жаҳоннинг жуда кўп тиллари луғат таркибидан ўрин олади. Бу ном Хамлет (В.Шекспир) нуткида инглиз тилида қабул қилинган шаклида (Cain) қўлланилган ва русчага ҳам шу тилда учрайдиган шаклида (Каин) талкин этилган экан, ўзбек таржимони ҳам ўз масъулиятига ижодий ёндашади (Қобил).

«Артамоновлар иши» (М.Горький) асари таржимони эса «Каин» ни транслитерация йўли билан талкин этиб, аслиятда фойдаланилган образли ифода вазифасини қайта ярата олмаган:

*Делам черт Каина обучал. Шайтон Каинни ишига ўргатган. [М.Горький, Дело Артамоновых]*

Бу ерда гап «Каин» ни «Қобил» билан алмаштириш лозимлиги устида бормаяпти. «Қобил» нинг тегишли матний ҳолатларда одамқушлик тимсоли

сифатида қўлланилиши ўзбек жамоатчилигининг кам қисмига маълум бўлганлиги (собик шўро тузуми оммани динга алоқадор барча маълумотлардан маҳрум этган эди), яъни мазкур сўз воситасида фикрни образли ифода-лаш кенг омма нутқида хос эмаслиги туфайли таржима амалиётининг бу усулидан ҳам фойдаланиш ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермасди. Аслиятда раҳмондан устун келган шайтоннинг Каинни, яъни Қобилни йўлдан оздириб, кушандага айлантирганига шаъма қилиниши орқали образли ифода яратилган бўлса, бундай услубий таъсирчанликни таржима тилида ўзгача образли асосли восита танлаш йўли билан акс эттириш ҳам мумкин эди.

Тили луғат таркиби учун бегона бўлган лисоний воситалар кўпинча баён этилган фикр ҳақида тўғри тасаввур яратишга ожизлик қилгани ҳолда, таржима тили маданиятига ҳам путур етказди. Бундай пайтларда муаммо таржима амалиётининг бошқа катор усуллари, жумладан икки тил лисоний воситаларининг вазифавий уйғунлигини қайта яратиш орқали амалга оширилади.

Чет тилларни маданият ташувчи восита сифатида ўқитиш, ўргатиш ҳозирги замон талабидир. Ҳар бир чет тили дарси бу маданиятлар учрашуви чорраҳасидир. Ҳозир анча шаклланиб улгурган лингвокультурология тушунчаси бизга чет тилларни ўша тилда гапирувчилар каби гапиришимиз ва идрок қилишимизга жуда катта ёрдам беради.

Чет тилларни ўрганувчилар одатда мулоқотга киришишнинг яна бир усулини эгаллашга интилишади. Тилни ўзлаштириш юкори даражага етганда, инсон айна вақтда тилда сақланаётган жуда катта рухий бойлик орқали янги миллий маданиятга ҳам кириб боради. Чет тилларни ўрганишнинг бу оспекти лингвомамлакатшуносликда (лингвострановедение) кўриб чиқилади. Бизнинг тадқиқотимиз предмети сўз семантикасининг кам ўрганилган компоненти - лексик фон деб номланган бўлиб, у жуда мураккаб ва кўп аспект-лидир. Табиийки, таҳлил тўғри бўлиши учун элементар равишда содда бўлиши шарт. Шунинг учун материал осон бўлиши ва кўп сонли мисоллар билан берилди. Назариянинг яратиш янги атамаларсиз мумкин эмас, лекин

атамалардан кўркиш керак эмас - улар диққат билан аниқланади ва ниҳоят ўқишни осонлаштиради.

Тилни коммуникатив вазифаси кўп ва замонавий фанда жадал ўрганилиб муҳокама қилинади. Ҳар қандай тилшунослик олийгоҳида илмий – тадқиқот ишларида тилни коммуникатив вазифаси биринчи ўринда туради ва унга кўп эътибор қаратилади. Бу ерда ҳеч қандай хайрон қоларли нарса йўқ: тилни мулоқот воситаси эканлиги уни фикрлар алмашиш учун зарурлиги ҳаммага маълум. Тилни гносеологик вазифаси эса – дискурсив ва кумулятивга ажратилади.

Дискурсив вазифа эса инсонни тушуниш фаолияти процессуал планига киради, яъни фикрларни динамик ташкил қилиш ва фикрларни боғланишидан иборат. Кўплаб тадқиқотлар тилни онгга таъсирига, онг ва тил бирлигига, онгни тилда ифодаланишига бағишланган. Кумулятив ( жамловчи) вазифа онгни ҳосил қилувчи тушунчага тўғри келади. Кумулятив вазифа бу инсон онгида ҳаққонийликда орттирган тил бирликларини сақланиши, акс этишидир. Бир томондан олиб қараганда тил – бу ижтимоий ҳодиса бўлиб этнолингвистик гуруҳга мансуб жамоага хос бўлган борлиқ ҳақидаги ахборотни сақловчиси сифатида намоён бўлади.

Чунки, ҳар бир чет тили сўзи ортида ўша давлат маданияти акс этади, сўз орқали дунёни билиш тасаввури ётади. XX аср охирида лингвокультурологик портлаш содир бўлди, тил ва нутқ алоқаси муаммоси замонавий тилшуносликда энг долзарб ўринга кўтарилди: охириги йилларда ҳар бир Европа мамлақатида бир неча лингвокультурологик конференциялар ўтказилди, уларни материаллари ва мақолалар тўплами нашр қилинди.

Бирон бир тилда чиройли равон гапириш миллат маданиятини белгилайди. Ҳозирги вақтда адабий тилда халқнинг ижодий, илмий – техник ва зиёли вакиллиригина гапирмоқда. XXI аср лингвистикасида тил фақатгина мулоқот қилиш ва билиш воситаси сифатида эмас, балки, у миллатнинг маданий коди деб қараладиган тушунча ишлаб чиқилмоқда.

Бундай ёндашишлар В.Гумбольдт, А.А.Потебня илмий ишларида ўз ифодасини топган. В.Гумбольдт «Менинг миллатимнинг тили чегаралари менинг дунёқарашимнинг чегараларини билдиради» деб таъкидлаган эди. Биз чет тилларини ўрганаётганимизда ўша мамлакат маданиятини ҳам қайсидир даражада ўзлаштирамиз.

Миллат маданиятининг нозикликлари тилда акс этади, у ўзига хос ва ноёбдир. Дунё ҳақидаги кўплаб ахборотни биз тилшунослик соҳаси орқали оламиз, чунки, ахборот сўз орқали ифодаланади. Зеро, инсоннинг жамиятдаги муваффақиятлари омили бўлиб тилни яхши билиши, сўзларни тўғри ифодалай олиши ҳисобланади. Тил маданият билан чамбарчас боғлиқдир: у маданиятда ўсади, ривожланади ва уни ифодалайди. Мана шу ғоя асосида XX асрнинг 90 – йилларида шаклланган тилшуносликда мустақил йўналиш деб ҳисобланган – лингвокультурология йўналиши пайдо бўлди. Лингвокультурология – тилшунослик ва миллат маданиятини пайдо бўлишини ўрганадиган культурологиянинг тўқнашишидан пайдо бўлган ва тилда акс этиб мустаҳкамланган фан ҳисобланади.

Лингвокультурологиянинг бир неча вазифалари бор. Улардан бири қиёслашдир. Биз чет элликлар билан учрашганимизда уларнинг ўзини тутишини, хулқини ўз маданиятимиз нуқтаи – назаридан қабул қилишга одатланганмиз, яъни «ўз қаричимиз билан ўлчаймиз».

Масалан: японларнинг ўз яқинлари ўлими ҳақида гапирганларида ҳам жилмайишлари европаликларни хайратга солади. Японлар ўз муаммолари билан суҳбатдошини безовта қилишни хоҳламасликлари, уларнинг маданияти белгисидир. Европада эса бу ҳолат чуқур қайғу сифатида қабул қилинади. Бир миллатдаги ақллилик ва эҳтиёткорлик бошқасида – айёрлик ва хасисликни билдиради.

Сўзлар дунёси бу инсон фикри маҳсули бўлиб у бепоён ва чегарасиздир. Сўзлар ёрдамида матнлар (китоблар) тузамиз. Матнлар (китоблар) дунёнинг энг кичик қисми ҳисобланади. Матнлар орқали биз «бегона» тилни ва маданиятни тезроқ ўзлаштирамиз. Таржима вақтида биз сўзлар ва ибораларни

Ўзимизни тил билан таққослаймиз. Масалан нонни азизлигини олсак, у бошқа халқларнинг ҳам муқаддас неъматини ҳисобланади.

Бизни халқимизда чақалоқ ёстиғи остига нон қўйиш одати словакияликларда ҳам мавжуд. Немислар учун тартиб интизом ва аниқлик, ўзбеклар учун меҳмондўстлик, испанларга хос темпераментни ҳам текстларни таржима қилиш орқали ўзлаштирамиз. Шунинг учун матнларни чет тилларни ўқитишдаги аҳамиятига муҳим эътибор бериш керак.

Ҳозирги замонда ўз она тилидан ташқари бошқа бир неча тилларни ўрганишга кизиқиш жуда ортган. Чунки, таниқли руҳшунос Ч.Депью таъкидлаганидек, инсонни тезликда муваффақиятларга эришиши ва ҳурматга сазовор бўлишида яхши гапира олиш қобилиятидан бошқа ҳеч қандай қобилият унга бундай имкониятни бермайди. Бу фикрни мулоҳаза қиладиган бўлсак буни айни ҳақиқат эканлигига тан берамиз.

Чунки, бизнинг ҳаётимиз – мулоқотдан ташкил топган. Шунинг учун шахсий ҳаётда, ўқишда, ишда, сиёсатда, бизнесда нутқи бекаму – кўст, мукамал бўлган инсонлар кўпроқ муваффақиятларга эришадилар. Бундай одамлар бошқалардан бир поғона юқорида туришади. Ҳамма инсонлар гапира оладилар – ҳаттоки гўдаклар ҳам. Лекин аниқ, равон, чиройли, мантиқли, мафтункор, эҳтиросли қилиб ҳамма ҳам гапира олмайди. Нутқини тушунарли, маъноли бўлишини кўпроқ сўзлар билишни кўплар хоҳлайди. Яхши нутққа – гапириш орқали эришилади, шундай эмасми? Ҳозир энг нуфузли олийгоҳ дипломига эга бўлгандан кўра чиройли гапира олишни билган маъқул, деган хулосага ҳам келиш мумкин. Келажак – яхши гапириш учун нима қилиш керак? Мулоқот кўникмасининг шаклланиши нутқ амалиёти вақтида ҳосил бўлади.

Шу билан биргаликда, яна ёдда сақлаш муҳимки, тил ўзида очиқ тизимни намоён қилади, яъни, у сўзлар ва грамматик конструкциялар шаклида чегарасиз, шунинг учун, уни ўша тилда гаплашувчилар ҳам бутунлай эгалламаган бўлиши мумкин. Тилни ўрганишнинг асосий мақсади уни тизимини эгаллаш эмас, балки, шу тилдаги нутқ фаолиятини эгаллаш деганидир.

## Иккинчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтамизки, бирор асар қайси тилда бўлишидан қатий назар, у катта хажмдагими ёки кичик, насрдами ёки назмда буни фарқи йўқ, уни ўз маъноси ва таъсирчанлигини сақлаб қолган тарзда таржима қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Демак, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда луғавий бирликлар тўғридан тўғри таржима қилмай энг муносиб муқобилларини танлаб олиш зарурдир. У сўз бўладими, фразеологик бирикма ёки идиома бўладими муаллиф билдирган фикрни таржима жараёнида ўқувчига тўғри етказиб бериш лозим.

Яъни хорижий ва ўзбек тилларидаги таржима қилинаётган асардаги луғавий бирликлар, луғавий синонимия ва луғавий вариантдошлик ўртасидаги фарқни англаш лозим эканлиги нутқ маданиятини ёзма оғзаки турларида, ҳар иккала тилда ҳам жуда муҳим аҳмият касб этади. Луғавий бирликлар синонимияси маъно жиҳатдан кўп қирралилиги билан бирга, эмоционал-баҳолаш, экспрессив ва функционал-стилистик бўлақлар сифатида ривожланади.

Инглиз тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам антонимлар ва синонимлар қаторларини ажратиш мумкин. Бундан ташқари атоқли отларни(киши номларини) таржима қилганда транслитерациядан ҳам, ўша номни ўзбек тилидаги муқобилини топиш оқоли ҳам фикрни ифодалаш мумкин. Энг муҳими аслийликни сақлаб қолган ҳолда ўқувчилар ёки тингловчиларга етказиб беришдир. Michael номи баъзида [miçel], [maikl] баъзан, каби талаффуз қилинганини эшитишимиз мумкин. Бунинг сабаби битта ном бошқа қардош халқларда мавжудлиги ва ўз тил меъёрларига мувофиқ турлича талаффуз қилинишидир. Шу сабабли таржима жараёнида юқоридаги атоқли от каби киши номларини таржима қилганда ушбу асар қайси маданиятни тасвирлаётгани хақида ҳам билимга эга бўлиш лозим. Чунки нутқ ифодалаётган пайтда муаллиф билиб ёки билмасдан муаллиф шахсига у ифодалаётган миллат шаънига нотўғри муносабат билдириши мумкин. Нутқ маданияти гўзаллик, хушмуомалаликни ифодалашини кўзда тутсақ, бу каби вазиятларда эҳтиёт бўлишимиз лозим.

## Учинчи боб

### Нутқ маданиятини ўстириш масаласига танқидий ёндашув

#### 3.1 Нутқ маданияти бирликларининг таҳлили

Нутқ маданияти тушунчасининг аниқ мавжуд ходиса эканлиги, кўриб ўтилганидек, унинг адабий тил ва адабий тил маданияти билан боғлиқлигида бўлса, иккинчи томондан, кишиларнинг кундалик нутқий фаолияти билан алоқадорлигидадир. Адабий тилнинг мавжудлигининг ўзигина ҳали нутқ маданиятини ташкил этмайди. Адабий тилдан, унинг маданийлашган воситаларидан бу тилда гапирувчи кишилар жамоаси ўз нутқий фаолиятларида фойдалангандагина адабий тил мавжуд нутқий ходисага, нутқ маданиятининг кучли воситасига айланади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида таълим-тарбия ишлари олиб борилади, илмий ва бадиий адабиётлар нашр этилади, газета ва журналлар чиқарилади. Радио ва телевидение эшиттиришларида ушбу тил нормаларига амал қилинади. Ёзма нутқда, яъни ёзганда биз ўзбек тилининг имло қоидаларига, гапирганда эса, адабий талаффуз нормаларига амал қиламиз ва ҳоказо. Ўзбек адабий тили, унинг маданий воситалари умуммажбурий норма сифатида ўқитилади ва ўргатилади. Адабий тил, унинг ёзма ва оғзаки шакли нормалари бу тилда сўзлашувчиларнинг кўп сонли шахсий нутқлари ва бу нутқлар йиғиндисидан иборат бўлган умумий норма сифатида намоён бўлади. Масалан, ўзбек адабий тилида минглаб, миллионлаб кишилар гаплашади. Бу кишиларнинг ҳар бири алоҳида шахс, алоҳида нутқ эгаларидир. Аммо уларнинг барчаси учун умумий бўлган нутқий қурол ягона ўзбек адабий тилидир. Мана шу кўпсонли шахслар, бир томондан, ягона битта адабий тил – ўзбек адабий тилидан фойдаланишига кўра, иккинчидан эса, битта тил атрофида бирлашаётганликларига кўра муайян умумийликка, уюшганликка эга. Мана шу умумийлик тилшуносликда тил уюшмаси (жамоаси) деб юритилади. Муайян тил уюшмасини муштарак қилиб турадиган асосий омил алоқа қуроли бўлган тилнинг ягоналиги ва бу тил адабий нормаларининг умуммажбурийлигидир.

Адабий тил унинг нормалари, аввало ўрта ва олий мактаб таълими орқали, қолаверса, оиладаги тарбия орқали ўзлаштирилади. Адабий тилни эгаллашда мустақил шуғулланиш, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиш, радио ва телевиденияни тинглаш муҳим роль ўйнайди. Демак, адабий тил, адабий тил маданияти ўқиш-ўрганиш, тинимсиз шуғулланиш орқали эгалланадиган нуткий ходисадир. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга эътибор, унга чинакам ҳурмат ва муҳаббат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва унинг нормаларини шунчаки кизиқиш ва у билан номигагина шуғулланиш билан эгаллаб бўлмайди. Ўрта мактабда олиб бориладиган таълим-тарбиянинг турлича натижалари бунга ёрқин мисол бўла олади. Битта мактаб ва битта синфда ўқиган ўқувчилар орасида ўзбек адабий тилида равон гапирувчи, нуқсонсиз ёза оладиган ўқувчиларни ҳам, билим савиясига кўра унинг аксини кўрсатадиган ўқувчиларни ҳам учратиш мумкин. Демак, бу ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ўзлаштиришига кўра, ўз адабий нутқлари устида шуғулланишларига кўра фарқланадилар.

Адабий нутқ у билан бўлган адабий тил маданияти – бу, аввало, нуткий кўникма, нуткий малакадир. Адабий нутқ малакасига – адабий тил нормаларини эгаллаш орқали эришилади. Ўрта мактаб таълимида нутқ малакаси, нуткий кўникма, ёзма нутқ кўникмаси, оғзаки нутқ кўникмаси, нутқ маданияти малакаси сингари тушунчалар мавжуд. Аслида бу тушунчаларнинг барчаси адабий тил маданиятини эгаллаш билан боғлиқдир.

Нутқ маданияти малакасига адабий тил нормалари, бу нормаларга оид қонун-қоидалар, назарий билимлар, амалий машғуллотлар устида тинимсиз ва қайта-қайта шуғулланиш орқали эришилади. Нутқ маданияти малакаси шунчаки билиб, англаб олинган билим, назария эмас, балки кишининг ўз нуткий фаолиятида амал қилишга, қўллашга эриша олган кўникмасидир. Демак, маъна шу маънода нутқ маданияти – реал нуткий фаолият, аниқ ходиса сифатида намоён бўлади. Бундан кўринадики, адабий тил (адабий тил маданияти) билан бу тилнинг амалда фойдаланилган ҳолатлари, яъни нуткий фаолият ўзаро узвий боғлиқликга эга бўлган ходисалардир: маданий тил, яъни адабий тил-

сиз маданий нутқий фаолият бўлиши мумкин бўлмаганидек, жамият аъзоларининг кундалик нутқий фаолиятида ишлатилмаган, фойдаланилмаган адабий тил ва унинг воситалари ҳам жонсиз ҳамда ўликдир. Демак, адабий тил ва унинг нормаларга солинган воситаларнинг канчалик мақсадга мувофиқ эканлиги реал нутқ кўринишларда синалади. Адабий тилнинг нутқий ҳаётга сингмаган, нутқий талабларга жавоб бера олмаган воситалари, улар ҳақидаги қоидалар эскиради, истеъмолдан чиқади. Бунга ўзбек тилининг имло қоидаларидан, луғавий ва морфологик нормаларидан кўпгина мисоллар келтириши мумкин.

Бундан маълум бўладики, адабий тил нормаларини қайта ишлаш, онгли бошқариш канчалик зарур бўлса, бу нормаларни амалда синаб кўриш ва баҳолаш ҳам шунчалик зарурдир. Мана шундай сабабларга кўра адабий тил нормаларини белгилаш уни қайта ишлаш, силлиқлаш бирдан бошланадиган, бирдан ҳал бўладиган ва тезда тугайдиган жараён эмас, балки доимо ва муттасил давом этадиган ишдир. Демак, адабий тил доимий ғамхўрликка мухтождир. Шундай қилиб, нутқ маданиятини эгаллаш – нутқ маданияти кўникмасини ҳосил қилишдир. Бу кўникма ўзбек адабий тили, унинг оғзаки ва ёзма шакли нормаларини ўрганиш ва эгаллаш билан боғлиқдир. Нутқ маданияти кўникмаси – адабий тил ва унинг нормаларини суств (пассив) эмас, балки фаол эгаллаш, тилни фаол эгаллаш тилни онгли равишда ўзлаштириш ва ундан оғзаки ҳамда ёзма нутқ амалиётида унумли ва хатосиз фойдалана олиш демакдир. Баъзи кишиларнинг ўзбек тилида нуксонсиз ва раво ёзма олмаслиги ёки адабий тилда эркин сўзлай олмаслиги уларнинг ўзбек адабий тилини фаол эгалламагинлигидан дарак беради.

Адабий тил ва унинг норматив воситалари, улардан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар барча учун бир хилда мажбурий, ягона ва умумхалқийдир. Уларни ҳар ким ўзича, ўзи билганича ўзгартириб қўллаши мумкин эмас. Масалан, *китоб* сўзини баъзиларнинг *китоп*, бошқа бировларнинг *китаб* ёки *кутоп* тарзида нотўғри ёзишга йўл қуйилмайди. Шунингдек,

йўқ, хол сўзларини бошқа бировларнинг жўқ, қол тарзида нотўғри (шевавий) талаффуз килишига ҳам йўл қўйилмайди ва б.[6,84]

Демак, тил маданиятига амал килиш ўша тилда ёзадиган ёки сўзлайдиган барча кишилар учун бир хилда тегишлидир. Шу сабабли ҳам адабий тил нормалари шевалар нормасидан умумхалқийлиги, умумқўлланувчанлиги билан ажралиб туради. Аммо адабий тил нормалари қандайдир котиб қолган (консерватив) норма эмас. Балки нуткий фаолиятининг, нуткий кўринишлари, нуткий услубларнинг хусусиятига кўра муайян кирраларга эга бўлувчи, товланувчи мураккаб ходисадир.

Адабий нутк кўпқиррали хусусиятларга эгадир. Бу хусусият, аввало, нуткий фаолиятнинг ўзи мураккаблиги ва кўп томонли экани билан изоҳланади.

Аввало, адабий тил ва унинг вазифавий шаклнинг ўзи икки кўринишга эга: 1) ёзма адабий тил; 2) оғзаки адабий тил.

Адабий тилнинг бу шаклларини нуткий фаолият нуктаи назаридан: ёзма нутк ва оғзаки нутк деб ҳам юритилади.

Нуткнинг бу иккала шакли ҳам ягона адабий тил нормаларига таяниб иш қўради. Шу сабабли уларда муштарак луғавий нормалар, умумий морфологик восита мавжуд. Аммо ёзма нутк амал қиладиган имловий, пунктуацион нормалар оғзаки нутқда, оғзаки нутк амал қиладиган талаффуз нормалари, оҳанг(интонацион) нормалари ёзма нутқда йўқ, ёки етакчи роль ўйнамайди. Мана шундай фаркли томонлар ёзма ва оғзаки нуткнинг синтактик кўрилишидир, сўз шаклларининг тўлик ва нотўлик қўлланишларида, имошора билан боғлиқ (паралингвистик) воситаларнинг ишлатилиши хусусиятларида ҳам кўринади. Булар ёзма ва оғзаки нутк маданиятини эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигига далилдир. Шу сабабли ҳам нутк маданияти дейилган тушунчалар мавжуд. Бу тушунчалар ўзида ёзма ва оғзаки нутк шакллари олдига қўйиладиган нутк маданияти талабларини ифодалайди.

Ёзма нутқ доирасига илмий нутқ, расмий нутқ, публицистик нутқ, кисман бадий нутқ, шунингдек, радио ва телевидение учун тузилган ёзма матнлар тили киради. Келтирилган ёзма нутқ кўринишларининг ўзаро фарк киладиган меъерий томонлари бор. Шунга кўра, бу нормаларга амал қилиш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти талаблари ҳам мавжудлиги, шубҳасиз. Нутқнинг келтирилган вазифавий типлари баъзан илмий тил, расмий тил, бадий тил деб ҳам юритилади.

Оғзаки нутқ дастлаб икки типга ажралади: 1) оддий сўзлашув нутқи; 2) адабий сўзлашув нутқи.

Оддий сўзлашув нутқи ўзбек тилида табиий ҳолда мавжуд бўлган оғзаки нутқ кўринишларидан иборат. Масалан, ўзбек шева ва лаҳжалари тили, яъни диалектал нутқ кўринишлари, шевачилик унсурлари таъсирида бўлган кундалик сўзлашувнинг бошқа хил кўринишлари ва б.

Оддий сўзлашув нутқининг тил базасини адабий тил ташкил этмайди. Шу туфайли оддий сўзлашувдан биз талқин қилаётган маънодаги нутқ маданияти талаб қилинмайди.

### **3.2 Ёзма нутқни ифодалашда йўл қўйиладиган камчиликлар таҳлили ва нутқ таъсирчанлигини ошириш йўллари**

«Нутқ – фикр баён қилиш воситаси бўлиб, оғзаки ва ёзма формада ифодаланади. Тафаккур нутқ ёрдамида рўй бериб, шу туфайли кишилар бир-бирлари билан алоқа боғлайдилар. Нутқ маданияти эса бирор тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш, ўша тилда фикрни қисқа ва аниқ, содда ва образли, услуб жиҳатидан равон ифодалаш демакдир.

Тингловчида кучли таассурот қолдириш ва кишининг нутқи ноаниқ бўлмаслиги учун дастлаб тил қодаларини пухта билиш лозим. Тилнинг луғат бойлиги ва грамматик қурилиши ҳақида етарли билимга эга бўлмай ёзма нутқни ўстириш мумкин эмас. Тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркибини ўзлаштириш узок жараённи талаб қилади.

Ёзма нуткни грамматик жихатдан тўғри куриш ва сўзларни ўринли ишлата билиш учун назарий билим билан бирга зарур машқ ҳам муҳим ўрин тутди. Тизимли машқ олиб бориш натижасидагина ёзма нутқ соҳасида муҳим кўникма ва малакаларга эга бўлиш мумкин[15,6-7]. Ёзма нутқ мураккаб жараён бўлиб, у кўп вақт ва меҳнатни талаб қилади. Бундай нутқ давомида ўқувчи ўз-ўзини кузатиб боради. Ёзма нутқда саводхонлик ва мазмун асосий ўрин тутди.

Ёзма нутққа қуйидагича талаблар қўйилади:

1) ҳар бир сўз, ҳар бир жумла мазмунни ва муаллиф мақсадни очишга хизмат этиши, шунингдек, нутқ ихчам, изчил ва мантиқли ифодаланиши зарур;

2) ёзма нутқдаги фикр қизиқарли, ифодали, услуб жихатидан содда ва раван баён этилиши керак;

3) билдирилган фикрлар асосида, зарур хулоса чиқаришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Умумий ўрта таълим тизимида ва ўрта махсус таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришга қаратилган турлича ёзма ишлар олиб борилади.

Олий таълим тизимида эса бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга.

Адабиётларда ёзма нутқнинг турли шакллари кўрсатилган. Расмий услубга хос барча ҳужжатлар ёзма нутқнинг турлари ҳисобланади. Олий таълим ва ўрта махсус таълим тизимида талабалар ва ўқувчиларнинг кундалик фаолиятида зарур ёзма ишларнинг бир қатор турлари мавжуд. Улар, жумладан, қуйидагилар: Конспект (тўлиқ конспект, қисқа конспект, тезисли конспект), аннотасия, фикр, реферат, шарҳ, ариза, тушунтириш хати, далолатнома, таржимаи ҳол, тавсифнома, маъруза, хат, ҳисобот, маълумот ва бошқалар.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактабларида саводхонлиги юқори бўлган талабалар ёзма нутқнинг барча турлари бўйича, озгина тушунтиришлардан кейин, талаблар доирасида ёзма оладилар ёки

юқори савияда бажаришга ҳаракат қиладилар. Етарли билим ва малакага эга бўлмаган талабалар ва ўқувчилар эса ниҳоятда қийналадилар. Шунинг учун, аввало, уларга намуна асосида маълум тушунчалар бериш лозим. Кейинчалик уларнинг ёзма нутқ кўникмаларини пухта эгаллашлари учун ўрни билан машқ қилишларига имконият яратиш ёки ёзма ишлар ўтказиш маълум ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун ёзма ишларни қабул қилувчиларнинг масъулиятли ёки озгина эътиборли бўлишлари талаб этилади. Ёзма мурожаатларни қабул қилиувчиларнинг эътиборли бўлиши, яъни ёзма мурожаатни ўқиб, унинг саводли ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигига муносабат билдиришлари саводхонликни ошириш ва ёзма нутқ маҳоратини эгаллашга ёрдам беради.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бажариладиган турли фанлар бўйича ёзма ишлар, айниқса, рефератларнинг баҳоланишида уларнинг саводхонлигига ҳам эътибор бериш лозим. Кўпинча, фан асослари бўйича бажарилган жихатлар назарга олинадию, ғирт саводсиз бажарилган ишлар ҳам ижобий баҳоланади. Бу бошқа фан мутахассиси филолог ўқитувчи каби диктант ёки иншо текширгандай баҳолашини билдирмайди, лекин саводхонликка эътибор берилмаган ишлар талаба ёки ўқувчига билдирилиши уларнинг эътиборли бўлишига сабаб бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилингандан сўнг иш юритишнинг давлат тилида олиб борилиши муносабати билан бу соҳада қўлланмалар яратишга киришилди. Ҳозирги кунга келиб, давлат тилида иш юритиш бўйича етарли ўқув-услубий адабиётлар яратилган. Масалан, «Ўзбек тилида иш юритиш» номли китоб ўзбек тилида мукамал ҳужжатчиликни яратиш соҳасида дастлабки дадил қадам бўлган эди[16,224]. Ушбу китобдаги хизмат ҳужжатларини тузиш, ёзиш тартибқоидалари ва унда берилган намуналардан 1990 йилдан буён кенг фойдаланилмоқда. Қўлланманинг қанчалик аҳамиятли эканлигини ундан фойдаланаётганлар жуда яхши биладилар. М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудовнинг «Иш юритиш» номли амалий қўлланмаси[17,440] бу соҳада олиб борилаётган изчил ишларнинг давоми

сифатида бугунги кунда ҳар бир ходим ва раҳбар, ўқитувчи ва талабанинг кундалик кўмакдошига айланган. Асосланишга арзигулик зарур амалий тавсиялар ва намуналар бўлгани ҳолда, бугунги кунда уларга етарли эътибор берилмаётганлигини ҳам кўриш мумкин.

Мавжуд адабиётлардан унумли фойдаланиш лозимлигини эслатган ҳолда, такрор бўлишига қарамасдан, ёзма ишларнинг талабалар, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятида зарур бўладиган айрим турлари ҳақида қисқача маълумот бериш ҳамда намуна вариантини кўрсатиш фойдали бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз[18,440].

### АРИЗА

«Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий ҳужжат. Ариза амалиётда энг кўп қўлланадиган ва кенг тарқалган иш қоғозидир. Мактаб ўқувчиси ва талаба, менежер ва агроном ёки фермер, муҳандис ва олим, тадбиркор ва мансабдор шахс - жамиятнинг барча аозоси ариза ёзишдан холи эмас. Ариза ёзувчиларнинг ёши ва лавозими, ариза йўлланаётган муассасалар ва идоралар ғоят хилма-хилдир. Аризалар боғча мудирасига, мактаб директорига, олий ўқув юрти ректорига, жамоа хўжалиги бошқарувига, туман раҳбариятига - ҳуллас, оддий аризачининг таклиф, илтимос ёки шикоятини кўриб чиқиб ҳал қила оладиган ҳар қандай идора, ҳар қандай бошлиқ номига ёзилиши мумкин[19,157].

Ҳажми, услуби ва туридан катий назар, ариза ўзининг умумий зарурий қисмларига эга ва у ана шу қисмларнинг изчиллига асосида тузилади.

Аризанинг зарурий қисмлари:

1. Ариза йўлланган муассасанинг ёки мансабдор шахснинг номи.
2. Ариза ёзувчининг турар жойи, вазифаси, исми, ота исми ва фамилияси.
3. Ҳужжатнинг номи (Ариза).
4. Асосий матн (таклиф, илтимос, шикоят).
5. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар номи (агар зарур деб топилса).
6. Ариза ёзувчининг имзоси, исми ва ота исмининг бош ҳарфлари, фами-

лияси.

#### 7. Ариза ёзилган вақт (йил, кун ва ой).

Шуни эслатиб ўтмоқ жоизки, аризанинг зарурий қисмлари барча аризаларда ҳам бирдай такрорланавермайди. Масалан, ходим ўзи ишлаётган корхона ёки идора раҳбариятига ариза ёзганда, унинг яшаш жойи ҳақидаги маълумот зарур бўлмайди. Бундай ҳолларда ходим ўзи ишлайдиган бўлим ва лавозимини кўрсатиши, кифоя. Шунингдек, кўпчилик аризалар учун иловаларнинг ҳам ҳожати бўлмайди.

Ариза ҳам бошқа ҳар қандай расмий ҳужжат каби аниқ ва қисқа жумлалар билан, тушунарли қилиб ёзилиши керак. Ҳужжат тилининг аниқлиги, тушунарлилиги мақсаднинг тезроқ амалга ошишига хизмат қилади.

Ариза асосан қўлда ёзилади ва мазмуни эркин баён қилинади. Мазмуни ва услубига кўра аризалар бир хил эмас: у бир неча сўздан иборат бўлиши, масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган хат тарзида бўлиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан аризалар содда ва мураккаб турларга ажратилади. Мураккаб ариза матни катта бўлиши билан бирга, унга иловалар қилиниши мумкин. Аксар ҳолларда аризалар шахсий хусусиятга эгадир. Шу билан бирга, хизмат аризалари ҳам бўлади. Хизмат аризаси - фуқаролар ёки ташкилотларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ёзма ахборотларидир. Даъво аризалари ана шундай аризалардандир. Илтимос ва шикоят мазмунидаги аризалар таклиф мазмунини акс эттирувчи аризаларга ҳамда даъво аризаларига нисбатан кўп қўлланади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аризаларнинг намуна-лари бўлгани ҳолда, кўпинча, уларга эътибор берилмайди, шунинг учун баъзи камчиликлар учраб туради. Камчиликлар асосан қуйидагилардан иборат: 1) ташкилот, муассаса номи ва раҳбарнинг исми-фамилияси нотўғри кўрсатилади; 2) ариза матни қуйидаги ортикчаликлар билан бошланади: «Мен, Акрамов Шерали», «Аризани ёзишдан мақсадим шуки», «Ушбу аризани ёздим шу ҳақдаки» ва бошқалар; 3) матн ортикча чўзиб юборилади, мақсад лўнда, ихчам баён қилинмайди; 4) услубий ва имловий хатоларга йўл қўйилади; 5) ортикча ил-

тимослар ёзилади: «Илтимос қилиб сўрайман», «Ўқиниб сўрайман», «Аризамни жавобсиз қолдирмайсиз, деган умиддаман» ва бошқалар.

*1-илова*

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори профессор Т.Шириновга амалий тилшунослик кафедраси профессори А.Абдусаидовдан

АРИЗА

2009 йил 1 июлдан навбатдаги меҳнат таътилига чиқишимга рухсат беришингизни сўрайман.

20.06.2009 (имзо) А.Абдусаидов

*2-илова*

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори профессор Т.Шириновга филология факултети 3-босқич талабаси Акрамов Шералидан

АРИЗА


2009 йил 10 июндан Ургут туманидаги «Юлдузча» оромгоҳида тарбиячи сифатида ишлашга жалб этилганим муносабати билан фанлардан Яқуний баҳолашларни муддатидан олдин топширишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Илова: 1. «Юлдузча» оромгоҳи директорининг хати.

2. Ўзаро шартнома нусхаси.

25.05.2009 (имзо) Ш.Акрамов

## Formal letter example 1[7]



Юқоридаги намунада гувоҳи бўлганингиздек хат муаллифи ва уни қабул қилувчи шахслар манзиллари алоҳида қилиб, саҳифанинг тепасини икки томонида қайд қилиниб ўтилган. Яъни ўнг томон тепа қисмига муаллифнинг манзили, чап томони тепа қисмини сал пастроғига қабул қилувчи шахснинг манзили ёзилган. Навбатдаги қайд қилиниши керак бўлган маълумот хат ёзилган сана ҳисобланади. Тўртинчидан, саломлаши хатбошидан, алоҳида ўзи бир қаторга ёзилади. Навбатдаги қилинадиган иш хатнинг асосий қисми бўлиб, янги сатрдан бош харф билан бошланиб, хат

мазмунни ёзма баён этилади. Хат мазмунни асосий керакли бўлган жумлалар билан лўнда килиб ёритилиши зарур. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш осонроқ кечади. Асосий қисм якунлангач хатнинг чап томони пастки қисмига керакли (yours faithfully, yours sincerely) сўзлар битилади ва уларнинг паски/янги катордан муаллиф имзоси, ундан кейинги катордан исми шарифи ёзилади.

**Изоҳ:** Расмий хатларда хатбоши “dear sir/madam” ёки тегишли шахс ёки ташкилот раҳбарининг номи кўрсатилиши ҳамда хат якунида муаллиф, албатта, “yours sincerely” “yours faithfully” сўзларини ишлатиши лозим.

### 3.3 Инглиз тилида ёзма нутқни ўстириш борасида танқидий қарашлар

Бирлашган қиролликдаги Essex университети илмий ходимлари ёзма нутқ маҳорати ва фикрлашда муваффақият қозониш ҳақида олиб борилган сўровлар натижасида талабаларда энг кўп кузатилган камчиликлар (тўртта асосий ва қўшимча маҳоратлар орасида) рўйхатининг юқори “поғоналаридан” ёзма нутқ маҳорати ўрин эгаллаган.

Демак, бундан кўринадики, инглиз тилини, нафакат, иккинчи чет тили сифатида ўрганувчилар, балки, инглиз тили она тили сифатида ўрганилаётган мамлакатларда ҳам бу тилни ўрганишда қийинчиликлар мавжуд. Шунингдек, инглиз тилида ёзма нутқни ўстиришда грамматик ва пунктуацион масалаларга тадқиқотчилар алоҳида эътибор қаратилишига урғу бериб, бу борада бир қанча ишларни амалга оширганлар. Жумладан: оғзаки нутқда ифодаланадиган ҳис ҳаяжон, овоз баландлиги, қисқа тўхталишларни тиниш белгилари орқали ифодаланиши каби масалалар юзасидан қуйдагича мулоҳазалар юритилган:

#### ➤ *Ғап тузилишидан нотўғри фойдаланиш*

Синтактик тўғри тузилган, ўрнига қўйиб ишлатилган сўзлар, ғап мазмунини қисқа ва лўнда килиб ўқувчига етказишда муҳим аҳамиятга эга.

*Student example: 'Although the current law for establishing whether something is a fixture or fitting can be argued to be rather messy and incoherent...'* [5,7] Бу гап тузилишига биров ўзгартириш киритилса, мазмун тушунарлироқ бўлишини кўришимиз мумкин:

*'Although it could be argued that the current law for establishing whether something is a fixture or fitting is rather messy and incoherent...'* [5,7]

Шунчаки оддий кўз билан қараганда бу кўз илғамас, аҳамиятсиз хатодек кўринади, бироқ мутахасис сифатида бу гапни таҳлил қилганда камчиликлар бартараф этилиши ва мазмунан тушунарли гап тузилишига амин бўлишимиз мумкин.

### ➤ *Феъл замонларидан нотўғри фойдаланиш*

Нутқда феъл замонларини тўғри ифодаланиши, мантикий изчилликни бузилишини олдини олишда ёрдам беради. Бугунги кунда биз билан бир даврда яшаб турган инсонлар (олимлар) фикрларини ифодалаганда ҳозирги замон феълидан фойдаланиш, ёки биздан олдин яшаб ўтган мутафаккирларнинг қарашларини ифодалаганда феълнинг ўтган замон шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқдир.

*'A few years ago, Robert P. Crease asked physicians what they think is the most beautiful experiment of all time.'* [5,7]

Юқоридаги мисолда муаллиф гапнинг биринчи қисмини ўтган замонда ифодалаб, иккинчи қисмда ҳозирги замон феълидан фойдаланиши гап мазмунида чалқашликларни юзага келтирган.

Кўпинча иншо ёзилганда унинг кириш қисми, мақсади келаси замонда ифодалангани 'The purpose of this essay will be to explore...', лекин келаси замон мавҳум тушунча бўлганлиги учун янги иншо ёзганда кириш қисмида ҳозирги замон феълидан фойдаланган маъкул: 'The purpose of this essay is to explore...', ёки, 'This essay explores...'

### ➤ Предлоглардан нотўғри фойдаланиши

Предлогалар отлар билан бирга келиб уларнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодалашда кўмаклашади. Нотўғри предлогдан фойдаланиш энг кўп кузатилган хатолардан саналади.

*'We have disconnected ourselves with our fellow members of society and no longer know the neighbours around us.'* [5,8]

Бу гапда муаллиф “disconnect” сўзи билан “with” предлогини қўллаган. “With” аслида “together” маъносига кўпроқ яқин. Бу ерда қўлланилиши лозим бўлган предлог бу “from” бўлиши лозим [20,418], яъни “disconnect from”. “Disconnect” сўзи билан “with” ни қўллашига сабаб, муаллиф у сўзнинг бўлишли шакли, яъни, “connect” “with” [20,310] предлоги билан биргаликда қўллана олиганидир.

Гапни мантикийлигини сақлаш учун “at”, “in” , “on” [20; 79, 761, 1041] каби бир қанча мазмунан яқин бўлган предлогларни сўзлар билан биргаликда тўғри қўллай билиш лозим.

### ➤ Икки нукта ва нукта вергулларнинг нотўғри қўлланиши

Икки нукта ва нуктали вергул шакл жиҳатдан бир бирига ўхшаш мумкин, аммо улар турли вазифаларни бажаришади.

*'This problem can also be seen in the following example; in a marriage both the man and the woman...'* [5,8]

Бу гапда муаллиф икки нукта қўллаш ўрнига нуктали вергулдан фойдаланган. Икки нуктанинг бу вазиятдаги вазифаси: а) ҳолатни изоҳлаш, б) гапнинг биринчи қисмини тушунтириш ва далиллашдир. “Баъзида бу тиниш белгиси сабаб-мақсад боғловчи вазифасини бажаради” [Cutts, 1995: 83]

Нуктали вергул икки нуктадан фарқли бўлиб, у ишлатилган эргаш гап қисмлари алоҳида ажратилганда ҳам, маъно англатувчи гап бўлиши эга билан боғлиқ муносабатда бўлиши лозим.

*'There are a number of different uses for semi-colons; used in the right way, they can be extremely versatile.'* [5,8]

### ➤ *Апострофдан нотўғри фойдаланиши*

“Апостроф, эхтимол, энг кўп нотўғри қўлланадиган тиниш белгиларидан биридир”. [Cutts, 1995:89]

*‘The law does not specify other eventualities, such as a situation where a lost item falls onto a landowners land...’ [5,9]*

Бу гапда “landowners” сўзи апостроф билан, яъни lanowner’s/s’ каби ёзилиши лозим эди. Чунки, апостроф бу ерда эгаликни билдириб от билан ишлатилганда, худди, “the land of landowner” бирикмаси каби маъно англатади. Бундан кўринадики тўғри ифодаланилган апостров муаллиф фикрини ўқвчиларга тушунарли қилиб етказишда восита бўлиб хизмат килади. Грамматикадан маълумки апостроф “s” (‘s/s’) эгаликни билдиради ва аксарият ҳолларда бирликни билдирувчи отлар эгалигини кўрсатиш учун “s” дан олдин апостроф қўйилади (’s), кўпликни ифодаловчи отлардан кейин (s’)ишлатилади.

Биз апострофдан қисқартма белгиси сифатида ҳам фойдаланишимиз мумкин, яъни, “He has been to” ўрнига “He’s been to” каби. Лекин илмий услубда бундай қисқартиришлар тавсия этилмайди.

### ➤ *Кўштирноқдан нотўғри фойдаланиши*

Инглиз тилидаги кўштирноқлар хақида гап борар экан, улар икки турда фаркланади: биринчиси “speech mark” (“ ”), иккинчиси, “inverted comma”[20,797] (‘ ’) деб аталади[9]. Бирок биз ўзбек тилида уларнинг ҳар иккаласини ҳам кўштирноқ деб атаймиз. “ speech mark ”[20,1434] кўштирноқ, яъни, икки жуфт тиниш белгилари ишорадан ташкил топган. Ундан, асосан, икки кишининг жонли мулоқоти ёки суҳбати мобайнида фойдаланилади. (Бошқача қилиб айтганда кўчирма/ўзлаштирма гапларда ишлатилади.) Иккинчисини шартли равишда “якка тирноқ” деб атасак тушунарлироқ бўлади. Бунинг сабаби бу белгини ёзувдаги ифодасининг иккала қисми ҳам битта белгидан иборатлигидадир (‘’). Ундан, асосан, ҳар хил қўлланмалар, ёзма манбалардан қирқиб олинган лавҳаларни кўрсатишда

ишлатилади. Қўштирноқнинг нотўғри ишлатилишини қуйидаги мисол орқали кўришимиз мумкин:

*'In 'The End of Education', Nils (2004) states that "the only thing that can save the UK education system is a complete overhaul..." '[5,9]*

Муаллиф бу гапда “якка тирноқ” ўрнига “қўштирноқ”дан фойдаланган. Юқорида таъкидланганидек, илмий услубда ёзма манбалардан ситаталарни ажратиб кўрсатиш учун “якка тирноқ”дан фойдаланиш тавсия этилади.

➤ *Отларда бирлик ва кўплик муаммоси*

От сўз туркуми сўзларни бирлик ва кўплик турларга ажратади. Грамматик коидаларга асосан эга кесим муносабати тўғри бўлиши лозим. Яъни эга бирликда бўлса, кесим ҳам бирлик шаклида, масалан: “ *The book was read* ” ёки эга кўплик шаклида бўлса, кесим ҳам шунга мос бўлиши талаб этилади. Масалан: “ *The books were read* ”.

*'The law of averages are too unreliable...' [5,10]*

Бу гапда “*law*” сўзи бирлик шаклида, лекин кўплик шакли каби муносабатда бўлинган. “*Law*” сўзи бирликда ёзилгани учун феъл ҳам учинчи шахс бирлик шаклида бўлиши лозим. Аслида бу мисолда чалғитувчи сўз “*averages*” сўзидир. Бу мисол қуйидаги кўринишда ифодаланса мақсадга мувофиқроқ бўларди.

*'The law of averages is too unreliable...' [5,10]*

➤ *Кераксиз ёхуд ортиқча сўзларни ишлатилиши*

Ёзма нутқни ўстиришда такрор ва кераксиз сўзлардан камроқ фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тилшуносларнинг эътироф этишича ишлатилиши лозим бўлган ҳар бир сўзни ақлан идрок этиб, улардан энг муқобилини танлагандан сўнг қоғозга тушириш яхши самара бераркан.[5,10]

*'Being poor in society today it does not cause as many problems for the individual as it did many years ago. '[5,10]*

Юқоридаги мисолда биринчи марта ишлатилган “ *it* ” олмоши бу жойда ортиқчадир. Чунки инглиз грамматикасида “ *it* ” олмоши от ёки эга ўрнида

ишлатилади. Эгаси (*Being poor*) мавжуд бўлган гапда уни ифодаловчи бошқа бир эганинг ифодаланиши у қадар тўғри эмас. Тофтологияга йўл қўймаслик учун иккинчи бор эгани ифодалашда “it” “*Being poor*” ўрнига ишлатилиши мумкин.

➤ *Норасмий бирикмаларнинг ноўрин ишлатилиши*

Яқин ўтган йиллар ичида ёзма алоқа воситаларида норасмий сўзлар ифодаси кўплаб кузатилмоқда ва булар, ўз навбатида, расмий нутққа кўчишига сабаб бўлмоқда.

*‘In ‘The Repressed Imagination’ by C. Cartwright, one of the topics he talks about is...’[5,10]*

Бу мисолда “talk” сўзи нотўғри ишлатилган, чунки “talking” ва “writing” сўзлари турли маъноларда ишлатилади.

*‘Basically, the policy aims to improve the quality of the service...’[5,10]*

Бугунги кунда “Basically” сўзи иншоларда ишлатилиши одатий ҳолга айланиб бориши кузатилмоқда, аммо уни илмий услубда ишлатилиши ноўриндир. Чунки илмий услубдан фойдаланишнинг асосий сабаби, масаланинг умумий мазмунини бериш эмас, муаммоларни кенгрок ёритилишидир. Бирор бир ишни умумий хулосалашда “basic” сўзига қараганда “in essence”, “to summarise”, “in short” бирикмалари кўпроқ илмий охангдорликка эгадир.[5,10] Юқорида тўғри фикр билдирилган, сабаби илмий услубда аниқлик, тушунарлилик жуда муҳим ҳисобланади. Кундалик оғзаки нутқимизда фикримизни баён этиш учун “talk” “say” каби бир қанча сўзлар бошқа маъноларни ифодаланиши тингловчилар тушуниши мумкин, бироқ ёзма нутқда, юқоридаги мисолдаги каби, оғзаки нутққа қараганда камчиликлар яққолроқ сезилишини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

➤ *Керакли жойда жумлани тугатиш ёки янгисити ёзиш*

Баъзида муаллиф кўшма гапларда икки нукта, нуктали вергул ва нукта қўйишда иккиланиши мумкин. Тилшунослар фикрича, агар мураккаб гапларда тиниш белгиларини қўйишда шубҳаланишлар бўлса, иложи борича, соддароқ гаплардан фойдаланишни тавсия этадилар. Зеро юнон файласуфи

Эпиктет(Epictetus) шундай таъкидлайди: “Сени тушунишлари учун эмас, балки тушунмай колмасликлари учун ёз.”

*‘The graph shows the results, after fatigue the score is generally lower. There are some anomalies, there could be many different reasons for this.’ [5,11]*

Ҳар иккала гапда нуқта ёки икки нуқта ишлатилганда маъно аниқроқ ифодаланарди. Шу сабабли уни қуйидагича шаклда ифодаланишини кузатамиз. Масалан:

1. *‘The graph shows the results. After fatigue the score is generally lower. There are some anomalies. There could be many different reasons for this.’ [5,11]*

2. *‘The graph shows that after fatigue the score is generally lower. There are some anomalies, however, for which there could be many different reasons.’ [5,11]*

Гапларни тўғри тузишда олимлар баъзи бир тавсияларни беришади. Биринчидан, бир гап фақат битта фикр ёки масалани (худди бир параграф бир мавзу ёки фаразни ўз ичига олгандек) ўз ичига олиши лозим. Иккинчидан, мутахасис ёзувчилар ижодидан андаза олиб ёзишни маслаҳат беришади. Учинчидан, мураккаб ёки қўшма гапларда вергул, нуқтали вергул, икки нуқта каби тиниш белгилардан тўғри фойдаланишни маслаҳат беришади. [5,11] Масалага холисона ёндашадиган бўлсак, тиниш белгилари билан учрайдиган камчиликлар, деярли, барча соҳа вакилларида учраши мумкин. Бунинг сабаби улар англатадиган маъноларнинг серкирралигида бўлиши ҳам мумкин.

#### ➤ *Вергулнинг нотўғри ишлатилиши*

“Вергул (гап бўлақларини) ажратувчи ҳам ҳисобланади” [Cutts,1995:81] бунинг учун улар жуфт бўлиб ишлатилиши лозим. Қуйидаги мисолда биз вергулни тушириб колдирилишини кузатишимиз мумкин.

*‘Private problems, Mills believes can often be resolved outside of court...’ [5,11]*

Вергулнинг ажратувчи сифатида ишлатилиши юқоридаги мисолда кузатилмади. Чунки у ерда фақат битта вергулдан фойдаланилган. Бу ерда икки бош бўлакчи гапга ўхшаб қолапти, мазмунан тўқис эмас. Агар у гап қўйидагича иккита вергул ёрдамида ифодаланганида ушбу жумлада ажратувчи борлигини билишимиз мумкин.

*‘Private problems, Mills believes, can often be resolved outside of court ...’*

*Cutts* бу тиниш белги ҳақида шундай таъриф беради: “бир жуфт вергул қўшимча маълумотни ёки изоҳловчиларни алоҳида ажратиб туради. Ўқувчилар, агар хоҳласалар, ажратилган жойни тушириб қолдирсалар ҳам (гапдаги) маъно сақланиб қолаверади.” [21,82]

#### ➤ *Олмошларнинг нотўғри ишлатилиши*

Олмошлар бир карашда мураккабдек қўринадиди, лекин, аслида, олмош ва от сўз туркуми билан яхши таниш бўлганлар учун улар у қадар мураккаб муаммо эмас. Асосийси от ўрнида ишлатиладиган олмош отнинг бирлик ва кўплик, шахс сон, жинс(гендер) категорияларига мос келиши лозим.

*‘Because society is changing so rapidly it is easy to understand why one may feel he cannot cope...’*[5,12]

“One” олмошининг ўрнида “he” олмошини ишлатилиши ўқувчини ўйлантириб қўйиши мумкин. “One” олмоши ўрнида аниқ бир от сўз туркумига оид сўз ишлатилиб, унинг ўрнига “he” олмоши ишлатилса анча тушунарлироқ бўларди. Масалан:

*‘Because society is changing so rapidly it is easy to understand why people feel that they cannot cope...’*

#### ➤ *Аниқ артиклнинг нотўғри ишлатилиши*

Инглиз тилини ўрганувчилар, айниқса чет тили сифатида ўрганувчи талабалар, учун энг кўп иккилантирадиган масалалардан бири бу аниқ артиклнинг қўлланилиш ҳолатларидир. Чунки кўпчилик мамлакатларнинг тилларида артикл мавжуд эмас. Лекин инглиз тилшуносларининг таъкидлашларича бу фақат халқаро талабаларнинг эмас, балки инглиз талабаларининг ҳам кўп дуч келадиган муаммоларидандир.

*'To find a sense of reason instead of drowning in the depths of confusion the society bestows upon us...'* [5,12]

“Society” сўзи олдидан кўйиладиган артикл ортикча хисобланади. Сабаби бу ерда жамият сўзини аникланиши ортикчадир.

➤ *Бош ҳарфларнинг нотўғри ишлатилиши*

Инсон номларидан ташқари унвонлар, янги жумла бош сўзи, пойтахт номлари бош ҳарфлар билан ёзилиши деярли барчага маълум. Бошқа сўз билан уларни атокли отлар деб атаёмиз.

*'One day a teacher notices that the children start missing School and often arrive late...'* [5,12]

Муаллиф бу гапда бош ҳарфни ноўрин кўллаган: атокли отлар ёзувда бош ҳарфлар билан ифодаланади. Агар мактаб номи ифодаланганда бош ҳарфлар билан Woodland School каби ёзилиши лозим. Бошқа ҳолларда “school” сўзи худди “department” сўзи каби турдош отлардек ёзилади. “Department” сўзи мутахасислик сўзи билан бирга ёзилганда бош ҳарфлар билан “Department of Psychology” каби, ўзга вазиятларда турош отлар сифатида ифодаланади. [5,12]

➤ *“To” ўрнига “and” ишлатилиши*

“To” ўрнига “and” ишлатилиши баъзан оддий ҳолдек кўринса ҳам, у гап мазмунини ўзгартириши мумкин. “I want to try to learn a new skill” деб ёзиш ўрнига “I want to try and learn a new skill” ишлатилиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

*'One response of commissioners was to try and manage demand...'* [5,13]

Юқорида “try to manage” деб ёзиш ўрнига “try and manage” деб ифодаланган. “To try” феълнинг инфинитив шакли бўлиб ўзидан кейин феъл талаб қилишини хисобга олсак, бу гапда чалкашликлар мавжудлигини биламиз. Бу гапда иккита ҳаракат ифодаланаяпти. Бу мисолни икки хил кўринишда кўришимиз мумкин:

1. *“One response of commissioners was to try to manage demand”.*

2. *“One responses of commissioners was to try and then to manage”.* [5,13]

➤ *Ёзма ижод намунасига танқидий қараш*

Мутахасислар фикрича, ҳар доим ёзма ижод маҳсулига ҳолисона баҳо бериш учун дўсларга ўқитиб кўриш тавсия қилинади, ёки ёзиб тугалланган ёзма ишни бироз муддат танаффусдан сўнг, мия тиникиб дам олгандан кейин кўздан кечириш тавсия қилинади.

*'Many problems relate directly to the lack of or lack of functioning institutions within society' [5,13].*

Бу гапдан бирор мазмун тушунилсада айрим камчиликларни кузатиш мумкин. Бу мисолда "lack of" ибораси такрор қўлланилиши ва улар орасида вергулнинг йўқлиги ўқувчини ўйлантириши мумкин. Бир жуфт вергул билан ўша бирикмани ажратиб ёзилиши гап мазмунига ойдинлик киритиши мумкин. Essex университети, мутахасис, профессор ўқитувчиалри фикрича, ўз ишига соф танқидий кўз билан қараш, тиниш белгилари қўйиладиган жойларни баланд овозда ўқиш ўрганувчиларни қобилятини янада ошираётган экан. Бу ҳақда бошқалар ҳам фикр билдирган:

*'Be emotionally neutral: most academic writing requires you to stand back and analyse dispassionately, as an objective onlooker. ' [22, 157]*

Яъни бу ерда Cottrell илмий ишга нисбатан ҳолисона (нейтрал) ёндашишга урғу бераяпти.

➤ **Шаклан ва мазмунан яқин бўлган сўзларни ишлатилишидаги чалкашликлар**

“Accept” ва “except”[20;8,508] сўзлари. “To accept” қабул қилиш маъносини англатади. E.g. He accepted the award. “To except” дан ташқари деган маънони ифодалайди. E.g. Everyone except Peter went to the summer Ball.

“Affect” ва “effect”[20;25,473] сўзлари. “Affect” таъсир кўрсатиш ёки ҳиссий муносабат билдиришни ифодалайди. E.g. 1. His presence affected the whole class. 2. He showed a little effect. “Effect ” эса натижа оқибатни билдиради. E.g. He had some serious side effects.[18]

“Cite”, “sight” ва “site” [20;257,1387, 1396]сўзлари. Бу учала сўз бир хил талаффуз қилинсада, турли хил маъноларда ишлатилади. “Cite” айтиб ўтмоқ,

далил(цитата) келтирмоқ маъноларида ишлатилади. E.g. “Citing references”. “Sight” кўра олиш қобилияти(кўриш) маъносида ишлатилади. E.g. “He had good eyesight”. “Site” жойлашиш ўрни маъносида ишлатилади. E.g. “The building site”.

“Complement” ва “compliment” [20;298,299] сўзлари. “Complement” сўзи тугатиш, охирига етказиш, тўлдириш маъноларида ишлатилади. E.g. “The wine complemented the meal”. “Compliment” макташ маъноларида ишлатилади. E.g. “The lecturer complimented his work”.

“Than” ва “then”[20;1546,1550] сўзлари. “Than” сўзи қиёслашда ишлатилади. E.g. “Tim is faster than Tom”. “Then” эса вақтни ифодаловчи сўз сифатида ишлатилади (ўшанда, кейин). E.g. “It happened then”.

“Their” ва “there” [20;1549,1551]сўзлари. “There” сўзи жойни билдиради. E.g. “over there”. “Their” эгалликни билдирувчи олмош ҳисобланади. E.g. “Their pyjamas” means “The pyjamas that belonged to them”.

### ➤ *Фойдали маслаҳатлар*

Лондоннинг “Essex” университети изланувчилари ёзма нутқни ўстириш учун бир канча фойдали маслаҳатларни тавсия этишади:

- Илмий услубда ёзиладиган иншо устида пухта изланишлар олиб борилган, тўғри ташкиллаштирилган ва танланган мавзу матнга мос бўлиши лозим.
- Илмий услубда ёзилган ижод маҳсули, асосан, зиёлилар томонидан ўқилади. Улар ушбу фан юзасидан маълумотга эга бўлмасликлари ёки у ҳақда бошланғич билимни эгаллаган бўлишлари мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда ишга масъулият билан ёндашилиши лозим.
- Кўпчилик академик олимлар танқидга нисбатан ҳақорат эмас, ижобий баҳо деб қарайдилар ва илм йўлини танлаган ҳар бир инсонга шуни тавсия қилишади. Яъни танқид ижодий салоҳиятни ўсишига ёрдам беради. Шу сабабли уни юракка оғир

олмасликларини, ёхуд ижобий танкид(мақтов) бўлса, ҳаволаниб кетмасликни тавсия қилишади. Кўпчилик ёзувчилар танкид ва ижодни тенг олиб боришга ҳаракат қилишади, зеро танкид ижодий баркамолликка ёрдам беради.

- Қисқартмалардан фойдаланмаслик, ҳар бир сўзни тўлиқ ёзиш тавсия этилади. Масалан: don't, haven't каби шунга ўхшаш бир қанча сўзларни тўлиқ ёзилишини маслаҳат беришади.

- “You” ва “Your” олмошларини ишлатмаслик таъкидланади. Чунки улар норасмий нутққа хосдир.

- Бош ҳарфлардан тузилган қисқартмаларни биринчи марта тўлиқ кенгайтирилган ҳолда, кейинги ўринларда қисқартма шаклида ишлатилишини ўринли деб билишади. Масалан: UNO(United Nations of Organiztion), NASA(National Aeronautics and Space Administration).

- George Orwell ҳам бу борада ўз маслаҳатларини бериб, муаллиф сўз юритилаётган масала юзасидан аниқ тушунчага эга бўлишини таъкидлайди ва у қуйдаги фикрни билдиради: “Синчков ёзувчи, ёзаётган жумласи ҳақида ўзидан энг камида тўртта саволни сўраши лозим.[23] Улар қуйдагилар: 1. Мен нима демоқчиман? 2. Уни қайси сўзлар ифодалайди? 3. Уни қандай идиома ёки ибора тушунарлироқ қилади? 4. Бу фараз натижа бериши учун етарлича янгимми?”.

Ҳақиқатан, юқоридаги тўртта савол ижодкорнинг мақсадини аниқлашда ҳамда ёзма нутқни ўстиришдаги ижодкор шахсига бериладиган муҳим саволлардан ҳисобланади. Чунки, ўз ўзига савол бериб, ўзига танкидий кўз билан қарамайдиган муаллиф юксак натижаларга эришиши кийин кечади.

### *Учунчи боб бўйича хулоса*

Ушбу магистрлик диссертациянинг учинчи бобида, инглиз ва ўзбек тиларидаги ёзма нутқ маданиятини қиёсий таҳлил қилиш орқали қуйдаги натижаларга эришилди: инглиз тилида нутқ маданият тушунчаси айти шу маъно орқали ифодаланмаса ҳам, у “writing skill” бирикмаси ифодаляйдиган инглиз тилидаги асосий тўртта маҳоратдан биттаси эканлигини тушуниб етдик. Яъни қайси доирада қандай услубдан фойдаланиш кераклиги ҳақидаги тушунчалар борасида “writing skill” ёрдамидан фойдаланилади. Расмий иш юритиш қоғозлари, иншолар, мақолалар, ёзма ишлар ва умуман инсон қўли билан ёзиладиган ҳар қандай ижод маҳсули ёзма нутқ маданиятига таалуқли ҳисобланади. Улардаги йўл қўйиладиган тилиш белгилар, сўз қўллаш билан боғлиқ хатолар, синоним ва паронимлар каторидан мос муқобилини танлашдаги камчиликлар, артикл, олмош, предлоғларни ўринли ишлатилишидаги камчиликларни икки тилда қиёсий ўргандик. Барчамизга маълум бўлган қўштирнок тилиш белгисини инглиз тилида асосан икки турда фарқланишини аниқладик. Қўштирнок 2 турга бўлинади, яъни, “speech mark” (“...”) ва “inverted comma” (“...”). Speech mark асосан жонли мулоқотдан қирқиб олинган парчаларда ишлатилса, inverted comma (quotation mark) эса бирор бир ёзма манба: китоб, журнал, газета ва шунга ўхшаш манбалардан парча ишлатилганда фойдаланилишини, “Accept” ва “except”, “Affect” ва “effect”, “Cite”, “sight” ва “site” каби сўзлар шаклан ва талаффуз жиҳатдан бир бирига яқинлиги боис уларни ишлатилишда чалқашликлар юзага келиши мумкинлиги ва улардан тўғри фойдаланилмаса ўзгача маъно касб этишини ҳамда мантиқан хатоликка йўл қўйилиши мумкинлигини мисоллар ёрдамида аниқладик. Юқорида эсга олинган расмий иш юритиш қоғозларидаги ортиқча сўз қўллашлар мазмунан тушунарли бўлмаган камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўзбек тилида ариза етти қисмдан ташкил топиши лозимлиги, ундаги калкалаш орқали таржима қилинган бирикмалар бугунги кунда ортиқча эканлиги аниқланди. Яъни номи юқорида зикр этилган муаллифнинг исмини яна

хатнинг асосий мазмунида ишлатиш у қадар тўғри эмаслиги ҳақида тушунчага эга бўлинди. Яъни, “Бераман ушбу аризани шу ҳақдаким...”, “Мен И.Ф.О ушбу аризани беришдан мақсад” каби бир қанча ортиқчаликлардан вос кечилиши кераклиги аниқланди.

## Умумий хулосалар

Хулоса қилиб айтганда, нутқ маданияти адабий тил нормалари сифатида қараладиган барча ҳолатлардан ўринли фойдаланишни талаб этади, шунинг учун таржима тили маданияти ҳам барча лексик – стилистик воситаларни ўрнида ишлатишни талаб этади.

Таржимонлар нутқ маданиятини шакллантириш икки йўналишда олиб борилади; биринчиси асосий чет тили дарсларида талабалар нутқ маданиятини шакллантириш методларини ўрганиб, таҳлил қилиб айтиш мумкинки, турли замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилади. Бунинг учун талабалар оғзаки нутқ маданияти мавзулари танлаб олинди ва уларга мос равишда инглиз тилида нутқ бирликлари танлаб олинди ва қорақалпоқ тили билан қиёслаб таҳлил қилинди. Масалан: Greeting and Farewell, a dressing, telephone conversation, a agreeing and disagreeing etc.

Ҳар қандай тилни ўрганувчи талаба, аввало, шу тил орқали унинг маданиятини урф-одатларини тарихини маросимларини ўрганади. Айниқса, инглиз тилини ўрганаётган ва шу тилдан она тилига ва она тилидан инглиз тилига таржима қилиш малакаларини ўрганаётган филолог ёшларга нутқ маданиятини эгаллаш долзарб муаммолардан биридир.

Диссертация иши биринчи бобида нутқ маданияти муаммосининг тушунилиши ва ўрганилиши тарихи бу масалани тушунишнинг назарий томонлари қисқача ёритилгач нутқ маданияти яъни маданий нутқ олдига қўйиладиган талабларга тўхталади. Маданий нутқнинг тўғрилигини ( урғу нормалари ва грамматик нормалар) нутқнинг ўткирлиги ва таъсирчанлигини нутқнинг тил воситаларига бой ва хилма-хиллиги нутқнинг ўринли бўлишини билади. Китобда айтилганлардан ташқари тил ва нутқ услублари ва уларнинг нутқ маданияти муносабати оммавий нутқ ва етук маданияти нутқ маданияти билан бошқа фанлар орасида муносабат каби масалалар ҳам ёритилган. Шундай қилиб чет тилида нутқ маданиятига қўйиладиган талаблар она тилига қараганда ҳам кўпроқ ҳисобланади:

Нутқ инглиз тили талаффуз қоидалари асосида лексик-семантик, грамматик, стилистик турларга бўлинади.

Орфографик норма ҳамда нутқ мавзу ва вазиятларига мос келиш зарур.

Диссертациянинг иккинчи бобида чет тилда таржимонлар нутқ маданиятини шакллантириш масалалари хусусида фикр юритилади. Ҳар бир таржимон – мутахассис ўз касбини эгаллаш жараёнида чет тилда нутқ маданиятини ҳам ўзлаштириб боради.

Илмий ишнинг учинчи бобида нутқ маданиятини ўргатишнинг усул-йўллари ва машқлари ҳамда нутқ маданияти бирликларининг инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги қиёсий таҳлили ва ўқитиш усуллари берилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, нутқ маданияти талабанинг маданий савиясини кўтаришда, илмий ва бадиий тафаккурини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллаб, фикрнинг адабий тил хусусан, инглиз адабий тили меъёрларига мос ҳолда лингвистик жиҳатдан тўғри, раво, таъсирли баён этишни талаб этади.

Нутқ маданияти айниқса таржимада муҳим аҳамият касб этади. Бунда мисол сифатида ҳар хил машқлар ҳам келтирилган. Ҳар бир таржимон бирор асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида таржима тилининг софлиги, унинг юқори маданияти учун қурашиши зарур. Барча лексик, грамматик, бирликлар ҳамда услубий воситаларни аслиятдаги даражада табиий жаранглаши, уларни ўз маъно ва вазифаларини ҳамда ўзига хос шаклда ишлатилишини тақозо этади.

Хорижий ва ўзбек тилларидаги таржима қилинаётган асардаги луғавий бирлилар, луғавий синонимия ва луғавий вариантдошлик ўртасидаги фарқни англаш лозим эканлиги нутқ маданиятини ёзма оғзаки турларида, ҳар иккала тилда ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Луғавий бирликлар синонимияси маъно жиҳатдан кўп қирралилиги билан бирга, эмоционал- баҳоли, экспрессив ва функционал -стилистик бўлақлар сифатида ривожланади .

Инглиз тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам антонимлар ва синонимлар қаторларини ажратиш мумкин. Бундан ташқари атоқли

отларни(киши номларини) таржима қилганда транслитерациядан ҳам, ўша номни ўзбек тилидаги муқобилини топиш орқали ҳам фикрни ифодалаш мумкин. Энг муҳими аслийликни сақлаб қолган ҳолда ўқувчилар ёки тингловчиларга етказиб беришдир. Michael номи баъзида [miçel], [maikl] баъзан, каби талаффуз қилинганини эшитишимиз мумкин. Бунинг сабаби битта ном бошқа қардош халқларда мавжудлиги ва ўз тил меъёрларига мувофиқ турлича талаффуз қилинишидадир. Шу сабабли таржима жараёнида юқоридаги атоқли от каби киши номларини таржима қилганда ушбу асар қайси маданиятни тасвирлаётгани ҳақида ҳам билимга эга бўлиш лозим. Чунки нутқ ифодалаётган пайтда муаллиф билиб ёки билмасдан муаллиф шахсига у ифодалаётган миллат шаънига нотўғри муносабат билдириши мумкин. Нутқ маданияти гўзаллик, хушмуомалаликни ифодалашини кўзда тутсак, бу каби вазиятларда эҳтиёт бўлишимиз лозим.

Ушбу магистрлик диссертациянинг учинчи бобиди, инглиз ва ўзбек тиларидаги ёзма нутқ маданиятини қиёсий таҳлил қилиш орқали қуйдаги натижаларга эришилди: инглиз тилида нутқ маданият тушунчаси айти шу маъно орқали ифодаланмаса ҳам, у “writing skill” бирикмаси ифодалайдиган инглиз тилидаги асосий тўртта маҳоратдан биттаси эканлигини тушуниб етдик. Яъни қайси доирада қандай услубдан фойдаланиш кераклиги ҳақидаги тушунчалар борасида “writing skill” ёрдамидан фойдаланилади. Расмий иш юритиш қоғозлари, иншолар, мақолалар, ёзма ишлар ва умуман инсон қўли билан ёзиладиган ҳар қандай ижод маҳсули ёзма нутқ маданиятига таалукли ҳисобланади. Улардаги йўл қўйиладиган тиниш белгилар, сўз қўллаш билан боғлиқ хатолар, синоним ва паронимлар қаторидан мос муқобилини танлашдаги камчиликлар, артикл, олмош, предлогларни ўринли ишлатилишидаги камчиликларни икки тилда қиёсий ўргандик. Барчамизга маълум бўлган қўштирноқ тиниш белгисини инглиз тилида асосан икки турда фарқланишини аниқладик. Қўштирноқ 2 турга бўлинади, яъни, “speech mark” (“...”) ва “inverted comma”

(“...”). Speech mark асосан жонли мулоқотдан қирқиб олинган парчаларда ишлатилса, inverted comma (quotation mark) эса бирор бир ёзма манба: китоб, журнал, газета ва шунга ўхшаш манбалардан парча ишлатилганда фойдаланилишини, “Accept” ва “except”, “Affect” ва “effect”, “Cite”, “sight” ва “site” каби сўзлар шаклан ва талаффуз жихатдан бир бирига яқинлиги боис уларни ишлатилишда чалкашликлар юзага келиши мумкинлиги ва улардан тўғри фойдаланилмаса ўзгача маъно касб этишини ҳамда мантиқан хатоликка йўл қўйилиши мумкинлигини мисоллар ёрдамида аниқладик. Юқорида эсга олинган расмий иш юритиш қоғозларидаги ортиқча сўз қўллашлар мазмунан тушунарли бўлмаган камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўзбек тилида ариза етти қисмдан ташкил топиши лозимлиги, ундаги калкалаш орқали таржима қилинган бирикмалар бугунги кунда ортиқча эканлиги аниқланди. Яъни номи юқорида зикр этилган муаллифнинг исмини яна хатнинг асосий мазмунида ишлатиш у қадар тўғри эмаслиги хақида тушунчага эга бўлинди. Яъни, “Бераман ушбу аризани шу ҳақдаким...”, “Мен И.Ф.О ушбу аризани беришдан мақсад” каби бир қанча ортиқчаликлардан воқ кечилиши кераклиги аниқланди.

**Инглиз тилида сўзлашув жараёнида кўп қўлланиладиган  
бирикмалар ва уларга доир машқлар<sup>1</sup>**

**Thanks.**

<i>English</i>	<i>Russian</i>	<i>Uzbek</i>
Thank you (very much).	(Большое) спасибо.	Сизга(катта) раҳмат..
Thanks.	Спасибо.	Раҳмат.
Thank you for doing it.	Спасибо (за то), что вы это сделали.	Буни қилганингиз учун сизга раҳмат
Thank you for coming.	Спасибо (за то), что вы пришли.	Келганингиз учун раҳмат
Thank you for telling me (about it).	Спасибо (за то), что вы сказали мне (об этом).	Бу ҳақда менга айтганингиз учун раҳмат.
Thank you have been very helpful.	Спасибо, вы мне очень помогли.	Менга ёрдам берганингиз учун раҳмат.
It was very kind of you to do it. Thank you.	С вашей стороны было очень любезно сделать это. Спасибо.	Буни қилиб сиз меҳрибонлик кўрсатдингиз. Раҳмат.
Thank you for the trouble you have taken.	Спасибо за беспокойство, которое вы взяли на себя.	Қайғурганингиз учун раҳмат.
Thank you, anyway.	Тем не менее, спасибо.	Нима бўлганда ҳам, раҳмат.

**Exercises**

***I. Memorize the dialogue:***

“You’ve done me a great favour. Thank you for the trouble you’ve taken.”

“No trouble at all.”

<sup>1</sup> **Изоҳ:** Иловаларни тайёрлашда Т.И .Арбекова ва Н.М.Власоваларнинг асаридан фойдаланилди

\*\*\*\*\*

“I’m afraid I haven’t been of great help to you.”

“Thank you, anyway.”

\*\*\*\*\*

“Thank you for a wonderful evening. That was a pleasure.”

“I’m glad you liked it.”

\*\*\*\*\*

“Thank you for the pleasure of your company.”

“The pleasure was all mine.”

\*\*\*\*\*

“Thank you for taking me out.”

“I’m the one who ought to thank you.”

\*\*\*\*\*

“I’ll do everything you asked me.”

“Thank you in advance.”

\*\*\*\*\*

“We were so glad to see you. Thank you for coming.”

“The pleasure was all mine.”

***II. In reacting to the sentences given below use only of the following:***

You’re welcome. Don’t mention it. You’re always welcome. Not at all.

1. Thank you, you’ve been very helpful.
2. Thank you for telling me about it.
3. Thank you for reminding me.
4. It was very kind of you to drop us.
5. Thank you very much.
6. I really don’t know what we’d have done without you.
7. Thanks a lot.
8. I’m so much obliged to you. I don’t know how to thank you.
9. It was very kind of you to keep us out of trouble. Thank you.

***III. Express your gratitude...***

- When someone has taken the trouble of doing something for you.
- When leaving a party someone has given.

- When someone has helped you.
- When someone, though willing to help you, has failed to do so.
- When asking someone to do something.

### Apologies

English	Russian	Uzbek
I'm sorry.	Простите.	Мени кечиринг.
I'm so sorry.	Простите, пожалуйста.	Мени кечиринг, Мен
I'm very sorry.	Мне так жаль. ( Я очень сожалею.)	жуда афсусдаман.
(I beg your) pardon.	Простите. (Извините.)	Узр. Мени манзур ту- тинг.
Excuse me.	Извините.	Узр. Кечирасиз.
Pardon (me).		

**Reminder:** When used as an apology or to attract someone's attention, the remarks *Excuse me* and *Pardon me* are pronounced with the falling intonation. When pronounced with the rising intonation, they express a request to repeat the mark.


English	Russian	Uzbek
Excuse my disturbing you.	Простите, что я вас бес- покою (отрываю от де- ла).	Безовта қилганим учун узр.
Excuse my being late.	Прошу извинить меня за опоздание.	Кеч қолганим учун узр.
Excuse my troubling you.	Простите за беспокой- ства.	Ташвишга қўйганим учун узр.
Excuse my interrupting you.	Простите, что я вас пре- рываю.	Ҳалакит қилганим учун узр.

I must apologize (to you).	Я должен извиниться (перед вами).	Сиздан кечирим сўрашим керак.
Excuse my going first. I'll lead the way.	Простите, что я иду перед вами. Я покажу дорогу.	Олдинда юрганим учун узр. Мен йўл бошлаб бораман.
Sorry I've kept you waiting.	Простите, что я заставил вас ждать.	Сизни куттириб кўйганим учун узр.
Apologize to Martin for me.	Извинитесь перед Мартином за меня.	Мартиндан(га) мен учун кечирим сўранг. (узримни етказиб кўйинг).
I hope I didn't hurt you.	1. Надеюсь, я не ушиб вас (не сделал вам больно). 2. Надеюсь, я не обидел вас.	Сизга жароҳат етказмадим деб умид қиламан.
I didn't mean to hurt you.	1. Я не хотел сделать вам больно. 2. Я не хотел вас обидеть.	Сизга жароҳат етказмакчи эмасдим.(атайлаб қилмадим)
Forgive me, please. I meant well.	Простите меня, пожалуйста. Я хотел сделать как лучше. (Я действовал из лучших побуждений.)	Мени кечиринг илтимос. Мен яхши бўлсин дегандим.
I'm afraid I've taken up too much of your time.	Боюсь, что я отнял у вас (слишком) много времени.	Сизни кўп вақтингизни олдим деб кўрқаман.

### Replies

English	Russian	Uzbek
That's (quite, per-	Ничего. Все в (полном) по-	Хаммаси жойида. (жуда

fectly) all right.	рядке.	яхши)
Not at all.	Нисколько.(совсем нет.)	Арзимаиди.
Never mind.	Ничего. (Пусть это вас не беспокоит.)	Сиқилманг.
Forget it.	Забудьте это.(Не вспоминайте об этом. Не думайте об этом.)	Уни унитинг. (у ҳақда ўйламанг)
You needn't apologize. It's my fault.	Вам нет необходимости извиняться. Это моя вина.	Узр сўрашингизни кераги йўқ. Бу мени айбим.
No trouble at all.	Да что вы, какое же это беспокойство!	Умуман ташвишланманг.
No harm done.	Ничего страшного. (Ничего не случилось.)	Ҳеч нарса қилмади.(жароҳат етмади, кўркинчли жойи йўқ)



*"Sorry, I've kept you waiting."*

## Exercises

### *I. Memorize the dialogues:*

“Excuse my troubling you.”

“No trouble at all.”

\*\*\*\*\*

“Forgive me, please. I meant well.”

“Never mind. Forget it.”

\*\*\*\*\*

“I beg your pardon. I’m afraid I’ve taken up too much of your time.”

“Not at all I’m sure. You’re always welcome.”

\*\*\*\*\*

“I must apologize to you.”

“You needn’t apologize. It’s my fault.”

\*\*\*\*\*

“Apologize to John for me.”

“I will.”

\*\*\*\*\*

“Excuse my going first. I’ll lead the way.”

“That’s all right.”

\*\*\*\*\*

“No offence meant.”

“No offence taken.”

### *II. Compose short dialogues making use of the table:*

Sorry I’ve kept you waiting.

That’s perfectly all right.

Excuse my interrupting you.

Never mind.

Excuse my back.

Forget it.

I hope I didn’t hurt you.

No harm done.

I didn’t mean to hurt you.



*"I hope I didn't hurt you."*

**III. React to the following:**

1. Sorry I've kept you waiting. 2. Don't hold it against me. 3. Don't be cross with me. 4. I'm afraid I've taken up too much of your time. 5. Excuse my troubling you. 6. Excuse my disturbing you. 7. No offence meant. 8. I must apologize to you.

**IV. Change the sentences beginning your apologies with "Excuse my being... (doing...)"**

**Model:** Sorry, I'm late. Excuse me being late.

I'm sorry I mentioned it. Excuse my mentioning it.

1. I'm sorry, it was rude of me. 2. I'm afraid I've been impolite. Excuse me. 3. I owe you an apology for being so inconsiderate. 4. Sorry to interrupt you. 5. I hate to trouble you, but could you give me a hand with the bookcase, it's so heavy. 6. Am I intruding? Pardon me. 7. I've got to apologize for interfering.

#### IV. *How will you apologize...*

- If you think you've hurt someone?
- When interrupting a person?
- If you interfere in somebody's conversation?
- If you think you've been rude?
- If you have to sit or stand with your back to someone?
- If you have kept someone waiting?
- If you feel you are taking up too much of somebody's time?

#### Receiving visitors and playing host

English	Russian	Uzbek
Come in please.	Заходите, пожалуйста.	Мархамат ичкарига киринг.
Won't you come in?		
This way, please.	(Проходите) сюда, пожалуйста.	Мархамат, бу тарафга.
Won't you sit down?	Садитесь, пожалуйста.	Мархамат, ўтиринг.
Take a seat.		
Make yourself comfortable.	Располагайтесь поудобнее.	Ўзингизни қулайроқ тутинг.
Make yourself at home.	Чувствуйте себя, как дома.	Ўзингизни ўз уйингиздагидек тутинг.
Have some...	Возьмите, пожалуйста...	... дан олинг.
Help yourself to...	Кушайте, пожалуйста... (Берите, пожалуйста...)	...дан олиб ўтиринг.
Will you have some salad (pudding, etc.)?	Хотите салата (пудинга и т.д.)?	Салат ейсизми?
Have some more jam (ham, etc.).	Возьмите еще варенья (ветчины и т.д.).	Мураббодан яна олинг.

Have another cup (some more ice-cream, etc.).  
 (съешьте еще мороженого и т.д.).

Shall I fix you a drink?  
 (Дать вам выпить?)

Выпьете что-нибудь? (Ичимлик куяйми?)  
 Ичишга бирор нима берайми?

### Replies

English	Russian	Uzbek
Thank you.	Спасибо.	Раҳмат.
No, thank you.	Нет, спасибо.	Йўқ, раҳмат.
Yes, please.	Да, пожалуйста.	Ҳа, илтимос.
No thanks, no more.	Нет, спасибо, больше не нужно.	Йўқ раҳмат бошқа керак эмас.
I've had enough, thank you.	Достаточно, спасибо.	Етарли бўлди(тўйдим) раҳмат.



*"I've had enough, thank you."*

## Exercises

I. Memorize the dialogues:

“Come in, please. This way.”

“Thank you.”

“Won’t you sit down? Make yourself comfortable.”

“Thank you very much.”

\*\*\*\*\*

“Won’t you come in?”

“Thank you.”

“Take a seat and make yourself at home.”

“Thank you.”

\*\*\*\*\*

“Have some apple-pie.”

“Thank you. It looks delicious.”

\*\*\*\*\*

“Have some more fish.”

“No, thanks, no more. I’ve had enough.”

\*\*\*\*\*

“Have another cup of coffee.”

“Thank you.”

\*\*\*\*\*

“Will you have some fruit?”

“No, thank you.”

\*\*\*\*\*

“Shall I fix you a drink?”

“Yes, please.”

*II. React to the sentences given below using one of the following:*

Thank you. Yes, please. No, thank you. No, thanks, no more.

1. Have some fish.
2. Have some more juice.
3. Care for a cup of tea?
4. Have another whisky, will you?
5. Help yourself to the salad.
6. Shall I fix you another drink?
7. Will you have some chicken?
8. Will you have some more turkey?

### III. *What will you say ...*

- When you open the door?
- When you show someone in to the room?
- When offering someone a seat?
- If you want the visitor to feel comfortable?
- When treating your guest to something?
- When offering your guest another helping?
- When offering your guests a drink?

### Introducing people

English	Russian	Uzbek
Let me introduce... (formal)	Разрешите представить вам...	Таништиришга ижозат этинг. Ижозатингиз билан таништираман.
Allow me to introduce...(formal)		
This is Mr. Brown (my husband, etc.).	Познакомьтесь с м-ром Брауном (моим мужем и т. д.).	Бу жаноб Браун. Сизга жаноб Браунни таништирай.
May I introduce you to Mr. Brown (my husband, etc.)? (formal)		

**Reminder:** as distinct from other sentences beginning with *may* the introduction formula *May I introduce you to...?* is pronounced with the falling tone.

May I introduce myself? (formal)	Разрешите представиться...	Ўзимни таништиришга ижозат берсангиз?
----------------------------------	----------------------------	---------------------------------------

Will you introduce me to...?      Познакомьте меня, пожалуйста, с...      Марҳамат қилиб мени ... билан таништиролмайсизми?

**Replies**

English	Russian	Uzbek
How do you do?	Здравствуйте.	Ассалом-у алайкум.
Glad to meet you.	Рад с вами познакомит-ся...	Танишганимдан мамнунман.
We've met before.	Мы знакомы.	Биз олдин учрашганмиз.(Танишмиз).



*“May I introduce myself? My name is Christopher Columbus.”*

## Exercises

### I. Memorize the dialogues:

“Mrs. Howard, let me introduce Mr. Douglas Ford.”

“How do you do, Mr. Ford?”

“How do you do, Mrs. Howard?”

\*\*\*\*\*

“Will you introduce me to Mrs. Benson?”

“Mrs. Benson, this is Miss Blake.”

“How do you do, Miss Blake?”

“How do you do, Mrs. Benson?”

\*\*\*\*\*

“Jack, meet my friend, John Wilson.”

“We’ve met before.”

\*\*\*\*\*

“Mr. Finch, this is my brother.”

“Glad to meet you.”

### II. Compose short dialogues using the table:

This is my sister.

Meet my cousin.

Let me introduce Miss carter.

This is Mrs. John Blake.

How do you do?

How do you do, Mr... (Miss... Mrs...)?

We’ve met before.

Glad to meet you.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Магистратура тўғрисидаги низом” 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2015 йил 2 мартдаги 665-сон қарори.
4. Веселитский В.О О некоторых понятиях правильной речи//Вопросы культуры речи. - М.,1961,№6, с.69.
5. Пражский лингвистический кружок,-М.:Прогресс,1967,394-бет.
6. Э.Бегматов., Н.Жиянова Нутқ маданияти асослари,-Т.:2006
7. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий Норма ва нутқ маданияти.-Т.: Фан, 1983, 8-бет.
8. Гельгард Р.Р. О Языковой норме// Вопросы культуры речи, вип.3.1961,с.31-32.
9. Вопросы социальной лингвистики. с.331-333-бетлар.
10. Вопросы социальной лингвистики.с.335-бет.
11. Э.Қиличев.,Б.Э.Қиличев. Нутқ маданияти ва услубияти асослари.- Б.:2002.19-бет
12. Имомхўжаев С. Нотиклик санъти асослари.-Т.:1982.
13. Нутқ маданиятига оид масалалар. -Т.: Фан, 1973.
14. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида - Т.: 1972.
15. Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум. - Т.: Ўқитувчи, 1980, 6-7-б.
16. Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш (Муншаот). - Т.: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. - 224 б.

17. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Махмудов Н. Иш юритиш. Амалий кўлланма. 3-нашри. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2009. - 440 б.
18. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Махмудов Н. Иш юритиш. Амалий кўлланма. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. - 440 б.(Манбага мурожаат этилганда, фақат бетлари кўрсатилди).
19. А.Абдусайдов. Ўқитувчининг нутқ маҳорати- С.: 2013
20. Macmillan English Dictionary For Advanced Learner, London UK: Macmillan Publishers Limited, 2007,1748-бет
21. Cutts, M., The Plain English Guide, Oxford University Press, 1995.
22. Cottrell, S., The Study Skills Handbook, Palgrave, 2nd edition, 2003.
23. Orwell, G., 'Politics in the English Language' in Why I Write, Penguin Books, 2004.
24. Актуальные проблемы культуры речи - М.: Наука, 1970.
25. Асомуддинова М., Бегматов Э., Ирохимов С., Усмонова У. Ўзбек адабий талаффузи луғати - Т.: Фан, 1984.
26. Бегматов Э. Адабий талаффуз маданияти - Т.: Ўзбекистон, 1984.
27. Бегматов Э. Нутқ гавҳари - Т.: Ўзбекистон, 1984.
28. Бегматов Э.,Бобоева А., Асомуддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти - Т.: Фан, 1983.
29. Бегматов Э. ,Бобоева А., Асомуддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари - Т.: Фан, 1988.
30. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, I қисм - Т.: Навруз, 1997.
31. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, II қисм - Т.: Наврўз, 1998.
32. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, III қисм - Т.: Наврўз, 2000.

33. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари (дастур) - Т.: 1987.
34. Бегматов Э., Турсунаулатов М. Ўзбек нутқ маданияти асослари - Т.: Ўқитувчи, 1991.
35. Бозоров Т., Эргашев Н., Ҳамроева М., Бозорова Д. Нутқ маданияти асослари. Маъруза матнлари - Қ.: 2001.
36. Верещагин Е. М. Костомаров В. Г. Язык и культура - М.: Русский язык, 1983.
37. Головин Б. Н. Основы культуры речи - М.: Высшая школа, 1980.
38. Горбачевич К. С. Норма современного русского литературного языка - М.: Просвещение, 1978.
39. Жуманиёзов Р., Салимов С. Гоявий тарбияда нотиклик санъати - Т.: 2002.
40. Иномхужаев С. Алишер Навоий нотиклик санъати ҳақида - Т.: 1968.
41. Иномхужаев С. Ўтмиш шарқ нотиклари - Т.: Ўзбекистон, 1972.
42. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари - Т.: Ўзбекистон, 1982.
43. Махмудов Н. Тил-Т.: Ёзувчи, 1998.
44. Махмудов Н. Маърифат манзиллари - Т.: Маънавият, 1999.
45. Махмудов Н., Шерматов А. «Ўзбек нутқ маданияти асослари» курси программаси. (Педагогика институтлари учун) - Т.: Ёзувчи, 1987.
46. Ножин Е. А. Основы ораторского искусства - М.: 1978.
47. Ожегов С. И. Лексикология. Лексикография. Культура речи - М.: Высшая школа, 1974.
48. Нутқ маданиятига оид масалалар - Т.: Фан, 1973.
49. Омонтурдиев Ж., Умурқулов Б. Нутқ маданияти асослари практикуми программаси - Т.: 1990.
50. Скворцов Л. И. Теоретические основы культуры речи - М.: Наука, 1980.
51. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари - Т.: Шарқ, 1999.
52. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари - Т.: 1994.

53. Толмачев А. В. Об ораторском искусстве - М.: 1973.
54. Усмонова У. Талаффуз маданияти - Т.: Фан, 1976.
55. Шомақсудов А., Расулов И., Кунгуров., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси - Т.: Ўқитувчи, 1983.
56. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси - Т.: Ўқитувчи, 1992.
57. Қиличев Э., Қиличев Б. Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари - Б.: 2002.
58. Қиличев Э., Қиличев Б. Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари - Т.: Ўқитувчи, 1992.
59. Қудратов. Т. Нутқ маданияти асослари - Т.: Ўқитувчи, 1993.
60. Кунгуров Р. «Нутқ маданияти асослари» курсининг программаси - С.: 1983.
61. Кунгуров Р., Каримов С. А., Қурбонов Т. И. Нутқ маданияти асослари 1-қисм - С.: 1985.
62. Кунгуров Р., Каримов С. А., Қурбонов Т. И. Нутқ маданияти асослари 2-қисм - С.: 1986.
63. Э.Бегматов., Н.Жиянова Нутқ маданияти асослари,-Т.:2006, 66-бет
64. Э.Бегматов., Н.Жиянова Нутқ маданияти асослари,-Т.:2006, 84-бет
65. Oxford advanced learners dictionary of current English / A.S Hornby with A.P. Cowie A.C Gimson: Oxford University press

## Интернет сайтлари ва электрон қўлланмалар:

1. Ўзбек тилининг ибто лугати -Т.:1976.
2. Komiljon\_Jo'rayev.\_Tarjima\_san'ati- Т.:1982yil.
3. Tarjima\_san'ati.\_Maqolalar\_to'plami.\_5-kitob- Т.:1980 .
4. Electronic Oxford Dictionary.
5. Leon Burnett, How to improve your academic writing, Designed and printed by University of Essex Printing Services © 2008.
6. [www.ziyouz.comkutubxonasi](http://www.ziyouz.comkutubxonasi)
7. [www.google.com.typesofformalletters](http://www.google.com.typesofformalletters)
8. [www.gutenberg.org](http://www.gutenberg.org)
9. [www.manybooks.net](http://www.manybooks.net)
10. [www.knigger.com](http://www.knigger.com)
11. [www.essex.ac.ukhowtoimproveyouracademicwriting](http://www.essex.ac.ukhowtoimproveyouracademicwriting)
12. <http://www.litres.ru>
13. [http://www.planetpdf.com/.](http://www.planetpdf.com/)
14. [www.royallib.com](http://www.royallib.com)
15. [www.royallib.ru](http://www.royallib.ru)
16. <http://www.litres.ru>
17. [www.modernlib.ru](http://www.modernlib.ru)
18. [www.folgerdigitaltexts.org](http://www.folgerdigitaltexts.org)

**Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети**  
**5А 120102 - Лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги магистранти**  
**Зоҳид Мўминбаевич Матякубовнинг**

**“Чет тилида нутқ маданиятини ўргатишнинг лингвистик асослари ва шакллантириш масалалари”**  
**мавзусидаги диссертациясига илмий раҳбарнинг**

**ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда чет тилларини ўрганиш ва ўқитишнинг комплекс тизимини шакллантириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида 2012 йил 10 декабрда юртбошимиз томонидан қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини айтиш мумкин.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланиши натижасида таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Айнан шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Президентимиз И.А.Каримов бугунги кунда мамлакатимиз учун малакали кадрлар, шу жумладан малакали таржимонлар, малакали чет тили ўқитувчилари ҳавадек зарур бўлиб қолганлигини таъкидлаб келмоқда.

Шу жиҳатдан ўзбек ва чет тилларидаги нутқ маданияти нормаларини, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш, уларни ҳозирги тил назариялари асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳам ўзбек ҳам хорижий филология йўналишлари учун жуда аҳамиятлидир.

Мазкур магистрлик диссертацияси хорижий филология йўналишларидаги долзарб бўлган муаммо, яъни ўзбек ва чет тилларидаги нутқ маданияти меъёрларини ва улардаги луғавий бирликларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Ишнинг кириш қисмида, ҳозиргача ўзбек ва рус тилшунослигида бир неча бор нутқ маданияти соҳаси ўрганилган бўлиб, у асосан лингвистик, грамматик, ёки стилистик жиҳатларига кўпроқ урғу берилиб, нутқнинг лексик-грамматик, стилистик хусусиятлари рус ва ўзбек тилларида атрофлича очиб берилганлиги, бироқ ўзбек ва чет тилларидаги луғавий birlikларнинг лексик-семантик хусусиятлари киёсий услубда ўрганилмаганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

Диссертация ишида қўйилган асосий мақсад чет тилда мулоқот қилувчилар учун нутқ маданияти меъёрларини хориж ва ўзбек тилларидаги луғавий birlikларнинг лексик-семантик хусусиятларини комплекс ҳолда ўрганиш ва улар ўртасидаги алоқани тадқиқ қилишдир.

Ушбу тадқиқотда таржимада нутқ маданияти масаласидаги турли қарашлар асосида хорижий ва ўзбек тилларидаги баъзи луғавий birlikларни таҳлил қилинган ва ушбу хусусиятларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга ҳаракат қилган. Магистрант ўз ишида хорижий ва ўзбек тилларидаги синоним, антоним, полисемантик луғавий birlikларнинг лексик-семантик хусусиятларини турли мисоллар ёрдамида таҳлил қилган ва улар ўртасидаги лексик-семантик ўхшашлик ёки, айнан шу хусусият юзасидан, уларнинг фарқли томонларини асослаб берган.

Ишнинг биринчи боби “Чет тилида нутқ маданиятини ўргатишнинг лингвистик асослари ва шакллантириш масалалари” деб номланган. Биринчи бобнинг биринчи қисми адабий ва маданий тил тушунчаларига бағишланган бўлиб унда, адабий тилнинг аҳамияти, уни умумлаштурувчи эканлиги, шева ва лағжалардан фарқи каби масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилган.

Ушбу магистрлик диссертациясининг биринчи бобининг иккинчи қисми эса, тилдаги адабий нормаларнинг типларига бағишланган. Турли системага мансуб тиллар бир-биридан фарқланиши, бундан ташқари, бир системага мансуб қардош тиллар орасида ҳам айни ҳолат такрорланиши ҳақида сўз боради. Биринчи бобнинг учинчи режасида эса, чет тилидан таржимада ва кундалик мулоқотдаги нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар ва

мезонлар ҳақида бўлиб, унда, кундалик ҳаётда, нутқ жараёнида йўл қўйиладиган камчиликлар ҳақида фикр илгари сурилган. Биринчи боб бўйича хулоса сифатида, учала боб юзасида илгари сурилган фикрларга ўзига хос муносабат билдирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Чет тилидан таржимада нутқ маданиятини шакллантириш масалалари” деб номланади ва ушбу бобда инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги луғавий бирликлар ва уларнинг синонимлик, антонимлик ва полисемантик хусусиятлари таққосланган бўлиб, таржима жараёнида синонимик қатордан қайсиларини танлаганда маъно ўзига хосликни ифодалаш борасида мисоллар келтирилган. Таржимада ишлатиладиган жуфт сўзларни тўғри, мазмунан яқин бўлганларини ва таржима қилинаётган тилдаги сўзни муқобилини мос равишда танлаш ҳодисаси жуда яхши ёритиб берилган. Келтирилган мисоллар ёрдамида уларнинг семантикаси ва лексик хусусияти ёритилган. Мазмунан бир хил маънода, лекин ҳар хил лексемаларда ифодаланадиган синонимик иборалар, айниқса, ёркин тасвирланган.

Диссертациянинг учинчи боби кўпроқ амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, у нутқ маданиятини ўргатишнинг услуби ва йўллари ҳақида. Бу бобда инглиз ва ўзбек тилларида ёзма нутқни ўстириш борасидаги танқидий қарашлар ўз аксини топган ва кундалик ҳаётда ёзиладиган ҳар қандай матн ижодкорнинг ёзма нутқини ифодалаш ҳақида фикр билдирилган. Ушбу бобда ёзиш жараёнида йўл қўйиладиган пунктуацион, грамматик, сўз қўллаш билан боғлиқ бўлган хатолар ва уларнинг ечими инглиз ва ўзбек тилларидаги мисоллар ёрдамида ёритиб берилган. Айниқса ушбу бобдаги ёзма нутқ тўғрисидаги фикрлар кундалик ҳаётда ҳар бир шахс учун фойдали ҳисобланади.

Диссертациянинг ҳар бобига доир хулосалар қисқа, лўнда ва тушунарли бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

